# ОЛТИН БУ ВОДИЙЛАР – ЖОН ЎЗБЕКИСТОН...

2003 YIL 31 avgust, YAKSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№111-114 (6.639). Sotuvda erkin narxda



**Токи юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли бўлсин. Токи биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!**

**Ислом КАРИМОВ**

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.




# ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!

**Нигоҳ**

***Вақт – тизгинсиз, ҳаёт – бардавом. Бу ёруғ оламда лаҳзалар кетидан дақиқалар, дақиқалар ортидан соатлар, кунлар, йиллар тинимсиз ўтиб бораверади. Мана, Истиқлолга эришганимизга ҳам кўз очиб-юмгунча 12 йил вақт ўтибди. Таъбир жоиз бўлса, мустақил Ўзбекистон бугун ўзининг илк мучал ёшини нишонламоқда.***

Маълумки, Шарқ халқларида "12" рақами хосиятли сон сифатида бениҳоя қадрланади. Азалдан бу рақам билан боғлиқ турли хил ҳисоб-китоблар тизими, удум ва анъаналар кенг шаклланган. Хусусан, бир мучалнинг 12 буржга бўлиниши, бир йилнинг 12 ойдан ташкил топиши ва бошқа омиллар шундан далолат беради. Демак, табаррук Истиқлолимизнинг 12 йиллик айёми ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Биз бу кунни ёруғ юз ва кўнгилларимизда эзгу орзулар билан кутиб олаяпмиз, десак муболаға бўлмайди. Зеро, мустақилликка эришилгандан бери орадан ўтган ана шу вақт мобайнида мамлакатимиз ҳаётида асрларга татигулик ўзгаришлар юз берганлиги, оламшумул ютуқларга эришилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бир вақтлар Ўзбекистон собиқ тузумнинг пахта плантациясига айланиб қолган, аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, кийим-кечаккача четдан келтирилар эди. Кундалик турмушимизда ишлатиладиган саноат молларини ўзимизда тайёрлаш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Аммо истиқлол туфайли бу соҳаларда ҳам кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Бугун юртимиз кенгликларида кўплаб қудратли саноат корхоналари гуриллаб ишлаб турибди. Уларда тайёрланаётган ноёб маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилиниб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилмоқда. Бир пайтлар минг азоблар эвазига четдан ғалла келтирилган мамлакатда бугун миллионлаб тонна сара дон етиштирилаяпти. Мустақиллик туфайли ўзбек ўз донига, ўз нонига эга бўлди.

Кенг, равон кўчаларимизда эса Асакада ишлаб чиқарилган "Дамас", "Тико", "Нексия", "Матиз" автомашиналари ғизиллаб қатнаб юрибди. Ҳар томонлама қулай ва кўркам бўлган ўзбек машиналари кўпчиликнинг ҳайрату ҳавасига сабаб бўлаётганлиги эса ҳар бир юртдошимизнинг юрагида ғурур ва сурур бағишлаши шубҳасиз.

Энг асосийси, истиқлол халқимизга қадим тарихини, бетакрор қадриятлари ва бебаҳо ўзлигини қайтариб берди. Кишилар онгида юз берган ижобий ўзгаришлар аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ўйлаб кўрайлик-а, агар мустақиллик бўлмаганида, ўз келажагимизни ўзимиз белгилаш имконига эга бўлмаганимизда бундай имкониятлар қаёқда эди? Агар бизга ҳуррият насиб этмаганида жаҳон аҳли Осиёнинг нақ юрагида ўзбек деган буюк халқ яшашини, унинг бағридан етишиб чиққан улуғ алломалар тарихда дунё тамаддунига нечоғли улкан ҳисса қўшганликларини қаердан ҳам билишарди? Бизга бундай улкан имкониятларни яратиб берган Мустақилликни эса кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, бу йўлда ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз даркор.

Ҳозир дунёда юз бераётган воқеалар пировардида қандай оқибатларга олиб бориши мумкинлиги, инсониятни келажакда нималар кутиб турганлиги кўпчиликни безовта қилиши, шубҳасиз. Зотан, одамзот бугун кўплаб глобал муаммолар билан юзма-юз яшаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Она сайёрамизнинг турли чеккаларида умргузаронлик қилаётган айрим халқлар қирғинбарот урушлар ва диний-этник низолар, очарчилик, гиёҳвандлик, бедаво хасталиклар ва экологик инқирозлар гирдобида қолганлиги эса янада ачинарлидир.

Кейинги вақтларда халқаро терроризм деган балои офатнинг, айниқса, авж олаётганлиги ғоят ташвишланарли ҳолдир. Қўпорувчилик, бузғунчилик ва ҳар хил ваҳшиёна усуллар орқали ўзларининг ёвуз ниятларига эришишни кўзлаган бундай гуруҳлар инсониятнинг энг хавфли душманига айланиб бормоқда. Ўз қилмишларини сохта диний тушунчалар билан ниқоблашга уринаётган ана шу кимсалар аслида имон-эътиқоддан бебаҳра бўлган бир тўда ғаламислардан иборат эканлиги бугун аниқ-равшан бўлиб қолди..

Бундай аянчли ҳодисалар бизни ҳам ҳушёрликка ундаши керак. Биз бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб, унинг бардавом бўлиши учун ўзимиз ҳам масъул эканлигимизни асло эсдан чиқармаслигимиз лозим. Зотан, жондан азиз Мустақиллигимизни ёмон кўзлардан асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Қадимги битикларда: "Кимки ўз қудуғини ҳимоя қила олмас экан, уни ўзгалар вайрон қилади", деган ҳикматли сўзлар дарж этилган экан. Бу нақл маълум маънода бугунги кунимизга ҳам мос келади, дейиш мумкин. "Ўз қудуғини" ёмонларнинг назаридан асраш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқдир. Қолаверса, ҳазрат Алишер Навоий ҳам "Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен", дея бежиз лутф қилмаганлар.

Шундай қувончли дамларда биз ҳам Яратгандан эзгу ниятларимизнинг ижобат бўлишини сўраймиз: Ўзбекистон дунё тургунча турсин! Истиқлолимиз абадий, ҳаётимиз осойишта, турмушимиз фаровон, эртамиз нурафшон бўлсин!

**Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!**

***Газетамизнинг ушбу безакли сони азиз муштарийларимизга байрам туҳфаси сифатида тақдим этилди. Унда мамлакатимиз аҳлининг истиқлол йилларидаги қайноқ, серқирра фаолияти, қувонч-ташвишлари ҳақида ҳикоя қилинади.***

**ТАҲРИРИЯТ**



1991 12 2003

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМАН

Кутлов

***Бу йил Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг ўн икки йиллигини нишонлайди. Мен ҳам, Корея Республикаси барча фуқаролари ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларидан беҳад қувонамиз.***

Ўзбекистон ва Корея илк дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган кундан бошлаб маданият, иқтисодиёт, тажриба ва кадрларни айирбошлаш каби соҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини ривожлантира бошлади.

Ўзаро ҳамкорлик алоқалари туфайли Ўзбекистонда янги, юқори технология асосидаги ишлаб чиқариш тизими (автомобилсозлик, электротехника) юзага келди. Жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар экспорт қилиш кўлами ортди.

Ҳаммага маълумки, Корея Республикаси яқин ўтмишда қашшоқ бир аграр мамлакат эди. Юқори технологияни ривожлантириш ва уларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш орқали у дунёнинг етакчи давлатларидан бирига айланди. Ўтган давр мобайнида Корея кўтарилиш ва пасайиш жараёнларини ҳам бошидан кечирди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизимга ўтиш даврида ҳар икки давлат ўртасида тажриба алмашиш жиддий аҳамият касб этади.



Ўзбекистон хусусида гап кетганда унинг таърифига тил ожиз қоладиган нозу неъматлари, меваю сабзавотлари ҳақида эсламай илож йўқ. Яқин келгусида саховатли ўзбек заминида етиштирилган табиат инъомлари экспорт қилинса, ўзбек деҳқон ва соҳибкорларининг ҳалол меҳнати самарасидан кореяликлар ҳам баҳраманд бўлсалар айни муддао бўлур эди.

Ўзбекистон каби табиий ресурсларга, малакали кадрларга бой ўлканинг тез орада Марказий Осиёдаги энг етакчи давлатга айланишига тўлақонли ишонч билдиришим учун ижозат бергайсиз.

Ишонаманки, истиқболда ҳамкорлигимиз, дўстлигимизни янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш учун ҳар қандай имкониятларни ишга соламиз.

**Ким Сонг ХВАН,**
**Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси.**



**Г.ЦУГИ, Токио Миллий рассомлик ва мусиқа университетининг профессори:**

*– Ўзбекистонга биринчи келишимиз. Менинг ва ҳамроҳларимнинг жаннатмонанд ўлкангизга ташрифимиздан кўзлаган мақсадимиз япон болаларига ўз миллий чолғу асбобларимизнинг илдизлари, келиб чиқиш тарихи ва анъаналарини тадқиқ этувчи дарсликлар учун манбалар йиғишдан иборатдир. Юртингизга келиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, япон миллий мусиқа асбобларининг илк илдизларини Ўзбекистондан қидириб адашмабмиз. Биласизми, биз Туркияда ҳам, Қозоғистон, Мўғулистон, Эрон, Хитой каби тарихий маданияти чуқур илдиз отган давлатларда ҳам бўлдик. Бироқ, ўзбек мусиқасининг ҳам шарққа, ҳам ғарбга бирдек таъсир кўрсата олгани, сизнинг маданиятингиз дунёвий тамаддун марказларидан бири бўлгани, бу ўлка ҳам ғарб, ҳам шарқ санъатининг шаклланишига хизмат қилганини айтишдан бахтиёрман. Бу гапни мамлакатингизнинг Бойсун ҳамда Избоскандек чекка туманларини айланиб, тўплаган манбаларимизга асосланиб гапирмоқдаман. Булар орасида япон замонавий эстрадасида бемалол фойдаланиш мумкин бўлган муштараклик бисёр.*

*Ўзбекистонга улуғ айём арафасида ташриф буюрган эканмиз, ўзбек халқини Истиқлолингизнинг ўн икки йиллиги билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан кейин ҳам гуллаб-яшнайверсин!*

**Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ, Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони:**



*– Бу йил юртимизга Яратганнинг раҳмати ёғилди. Ғалламиз ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Омборларимиз донга тўлиб-тошди. Деҳқон меҳнати эвазига она заминнинг бизга кўрсатган саховати бу.*

*Хўжалигимиз аъзолари жорий йилда 533 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 80,5 центнердан ҳосил кўтаришди. Пахтадан ҳам 45 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз. 609 гектар ердаги ғўзанинг ривожи бизни ана шундай ҳосил олишимизга умид боғлаяпти.*

*Хўжалигимизда мингга яқин киши меҳнат қилади. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, бугунги кунидан мамнун, эртанги кунига бўлган ишончини кўриб беихтиёр севинасиз. Кўнглингиз ғурурга тўлади.*

*Бу йил мустақилликка эришганимизга 12 йил тўлди. Юртимизда байрам нафаси. Байрам баҳона кўнглимдаги самимий тилакларимни етказсам: илоҳим юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, мустақиллигимиз абадий бўлсин.*

*Халқимизнинг истиқлолга эришиши уларнинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Катта имкониятлар яратди. Буларнинг барчасида Юртбошимизнинг ўзлари турганлиги биз учун ҳам фахр, ҳам ғурур бағишлайди. Бахтимизга Яратганнинг ўзи у кишини асрасин.*

*Барча касбдошларимизни, соҳибкору миришкорларни, юртимиз аҳлини энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолнинг 12 йиллик мучал ёши билан чин дилимдан табриклайман. Хонадонингиздан қут-барака, файз ҳеч қачон аримасин.*

*Байрамингиз муборак бўлсин!*

# ДЎСТЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Эътироф

***Қардош озарбайжон халқи азал-азалдан биз ўзбеклар билан яқин алоқада бўлиб келгани тарих ҳақиқатидир.***

Мустақиллик ҳар икки халқ учун тарихий қон-қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга кенг имкониятлар эшигини очди. Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ойдин Азимбеков билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда кечди.

**– Элчи жаноблари! Истиқлол ҳар бир халқнинг луғатидаги энг улуғвор ва тотли калом бўлса керак.**

– Шубҳасиз. Ота-боболаримиз эрк учун, озодлик учун жон олиб-жон берганлар. Биз бу кунларга осонликча эришганимиз йўқ. Шу боис бу шукуҳли кунларнинг қадрига етиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Мустақиллик мамлакатларимиз учун нурли йўллар эшигини очди. Халқларимизга чексиз куч-қувват ато этди. Бу йўлдан оғишмай, дадил одимлар билан бораверсак, иншооллоҳ, кўзлаган манзилимизга етамиз.

**– Халқларимизни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган мустаҳкам ришталар ҳақида ҳам гапирсангиз.**



–Озар ва ўзбек халқларининг дўст-биродарлиги тарихан неча юз йилларни ўз ичига олади. Тилимиз ҳам, дилимиз ҳам бир. Ўзбеклар Фузулийни қанчалик эъзозласа, биз ҳам Навоийни шунчалар ардоқлаймиз. Азалий қардошлик ришталари мустақиллик шарофати билан янада мустаҳкамланди, ҳамкорлигимиз кенг кўламда равнақ топди. Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли алоқалари ҳар иккала давлатнинг тараққиёти учун хизмат қилмоғи муқаррар.

**– Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик истиқболини қандай тасаввур қиласиз?**

–Илдизлари теран дўстликнинг умри ҳам мангудир. Давлат раҳбарлари ташаббуси билан режалаштирилган бир қатор эзгу ишлар изчил амалга ошади. Ҳамкорлигимиз ҳар бир жабҳада тараққий этади. Айниқса, яқин келажакда коммуникация, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик янада такомиллашади. Айниқса, Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш, ТРАСЕКА лойиҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини беради.

**– Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз...**

–Ўзбек қардошларимизни, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқини, мамлакатнинг одил ва оқил раҳбарини энг улуғ ва қутлуғ байрам – Мустақилликнинг 12 йиллиги билан муборакбод этаман. Бу қадим ва бетакрор заминдан ҳеч қачон файз-барака, тўкинлик аримасин. Ҳар бир хонадондан бахт нафаси уфуриб турсин.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Суҳбатдош:**
**Рустам ЖАББОРОВ.**

**31 август – Қатағон қурбонлари хотираси куни**

# БУ КУНЛАРГА ЕТМАГАНЛАР БОР...

***Тарихий адолатни тиклаш, бадном этилган кишилар номидан лаънат тамғаларини олиб ташлаш, авлодларга ҳалол умр кечирган аждодлари билан ифтихор қилишдек улкан бахтни ҳадя этиш дунёдаги энг улуғ ишлардандир.***

Ўзбек диёри узра мустақилликнинг саррин шабадалари эса бошлагандан бери қанчадан-қанча қатағон қурбонлари қайта тирилгандек, яна фарзандлари ва неваралари бағрига қайтиб, "Биз сизлар билан биргамиз. Истиқлол йилларида олиб бораётган бунёдкорлик ишларингизга мададкор бўлиб, дуои хайр қилиб турибмиз", дегандек бўладилар.

Қатағон қурбонлари... Уларнинг сони ўн минглаб, юз минглаб кишиларни ташкил қилади. Шубҳасиз, ҳаммасининг ҳаёт йўлларини, халқ ва Ватан равнақи йўлидаги хизматларини ўрганиш ва юзага чиқариш осон иш эмас. Лекин пойтахтимизда, Бўзсувнинг бир пайтлар қатлгоҳ бўлган, бугун эса теварак-атрофга мусаффо ҳаво уфуриб турган сўлим соҳилида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши, бу қадамжони зиёрат этиб, боболаримиз руҳига тиловат қилишимиз... Булар ҳазилакам гап эмас. Яна 31 августнинг Қатағон қурбонларини ёд этиш куни деб эълон қилиниши ва шу куни бутун Ўзбекистоннинг мустамлакачилик, айниқса, шўро даврида шаҳид бўлган фарзандларини эҳсон дастурхонини ёзиб эслаш бу ўзбекона иззат, ўзбекона эъзоз нишонасидир.



Афсуски, мустабид тузумнинг ўқидан, доридан, зулмидан қанча ватандошларимизнинг ёстиғи қуригани ҳақида аниқ маълумот қолмаган. Жаллод ўз қурбонлари сонини яширганидек, чор ва совет ҳукуматлари ҳам ўзбек халқига нисбатан хунрезликлари изини мунтазам равишда йўқотиб борганлар. Буни тушуниш мумкин. Аммо тинтув пайтида олиб кетилган қўлёзмалар, фотосуратлар, ҳужжатлар, ёзишмалар, китоб ва журналлар-чи? Улар нимага ёқиб ташланган? Улардаги бадиий ва илмий тафаккур мевалари кимнинг кўзига ёмон кўринган? Чўлпон қаламига мансуб "Кеча ва кундуз"нинг иккинчи китобини ёки Абдулла Қодирийнинг сўнгги романи – "Канизак"ни ёндириб ташлаш шартмиди? Усмон Носирнинг 1935-1937 йилларда ёзган "Кўнгил шеърлари"чи? Улар шўро давлатига қандай зарар келтириши мумкин эди? Ёки куни кеча архивда кўрганим исфаралик журналист Нозир Саидийнинг "дело"сидаги бир даҳшатли фактни айтай. Бечора журналист 8 йиллик қамоқ муддати ўрнига Воркутадаги қамоқхонада 11 йил ўтириб, она юртига қайтганидан кейин қаламкашлиги, форс-тожик тилини билиши ёдига тушиб, Бедилни таржима қилган, нималарнидир қоғозга туширган. Лекин 1952 йили яна ўша эски айб билан иккинчи маротаба қамоққа олинганида 328 варақдан иборат қўлёзмаси жиноий ишга алоқаси бўлмагани учун куйдириб ташланганига нима дейсиз? Гар юрак қони билан ёзилган бу қўлёзма асарлар жиноий ишга даҳли бўлмаса, нега олиб кетилган? Нега қайтариб берилмаган?..

Агар собиқ ГПУ-НКВД-КГБ архивида уч-тўрт йил ишласангиз, бунга ҳам тушунасиз. Шўро давлати ва унинг махфий идорасига жойлашиб олган кимсалар учун ўзбек халқи, унинг маданият арбоблари, улар қаламига мансуб асарлар заррача қадр-қимматга эга эмасди. Айниқса, Тошкентда қайси бир зиёлини қамоққа олган бўлсалар, унинг уйини тортиб олиб, ўзлари кўчиб киришган; хотинларини қамоққа, фарзандларини эса болалар уйига тарқатиб, ўзларини истаганларича қийнаб азоблашган. Давлат Ризаев сингари юзлаб маҳбуслар инсон зоти кўрмаган қийноқларга дош беролмай, қамоқхоналарда, қотилларнинг қонли кўзлари олдида жон таслим этганлар. Бундай бало-қазолардан аёллар ҳам четда қолмаган. Ҳатто Файзулла Хўжаевнинг муштипар онаси Занги ота қамоқхонасида кўр бўлиб ўлган...

1938 йил 21 январ куни Москвадаги Большой театрида йўқсиллар доҳийси вафоти муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Марказком котиби А.А.Жданов бундай деган: "1937 йил тарихга партиямиз ҳар қандай тоифадаги душманларга қақшатқич зарба берган, партиямиз халқ душманлари билан курашда музаффар бўлган йил сифатида киради, партия бунга Николай Иванович Ежов бошчилигидаги совет разведкасининг мустаҳкамланиши туфайли эришди". Жданов назарда тутган турли тоифадаги душманларга давлат, жамоат, фан ва маданият арбоблари, колхозчилар, ишчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар, уларнинг хотинлари – оддий уй бекалари киради. Партия халқнинг ана шу барча қатламларини қириш ҳисобига мустаҳкамланган эмиш!..

Қатағон фақатгина 1937-1938 йиллар қирғини ёки "Пахта иши"дангина иборат бўлиб қолмади. Совет ҳокимияти туғилган 1917 йил декабрида Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси - ВЧКнинг тузилиши билан большевиклар давлатининг қатағон машинаси ишга тушиб кетган. Ўша вақтдан 1939 йилга қадар Ўзбекистонда 450 минг киши устидан жиноий иш қўзғатилган. Эҳтимол, бу саноқдаги айрим кишилар бир-икки ой ёки уч-тўрт йил ўтириб, айбсизликлари маълум бўлгач, қўйиб юборилгандир. Аммо 1937 йил Ўзбекистонга болта кўтариб кириб келганида мудҳиш рўйхатдаги бу "айбсиз айбдорлар" ҳам қайта қамоққа олинган ва уларнинг 95 фоизи йўқ қилиб юборилган. Бу саноққа судсиз-терговсиз отилган, турли "ЧеКа"ларнинг ғазабига дучор бўлган минглаб номаълум кишилар кирмайди.

Шоир Боту (Маҳмуд Ҳодиев) "Гулёр" халқ қўшиғи оҳангида бир шеър ёзган. Бу шеър бирор жойда эълон қилинмаганига қарамай, 1921 йилда эл-юрт ўртасида машҳур бўлиб кетган. Шу йили бошланган қатағоннинг биринчи "кичик тўлқини"да "Миллий иттиҳод" ташкилотининг раҳбари Мунаввар қори Абдурашидхонов қамоққа олинган эди. У уч-тўрт ой ётиб чиққанида, тошкентлик дўстёрлари қамоқхона эшиги олдида Ботунинг шу сўзларини қўшиқ қилиб айтиб, Мунаввар қорини кутиб олганлар:

*Қуш уяси бузилди, гўзалим, жоним*
*Аҳд иплари узилди, жонгинам.*
*Ўзга тузук тузилди, гулёр.*
*Ин бузилгач, қуш кетди, гўзалим, жоним.*
*Аҳд иплари узилгач, жонгинам,*
*Мен йўқсилдан эс кетди, гулёр...*

Қани энди собиқ империянинг минглаб азобхоналарида ётган ватандошларимиз мустақиллик йилларига қадар омон қолган бўлсалар-у, ўзбек халқи уларни шундай қалб қўшиқлари билан кутиб олган бўлса!..

Бу бир армон. Аммо мустақил Ўзбекистон Юртбошимиз Ислом Каримов тили билан уларни - ҳам чор, ҳам совет ҳокимиятлари даврида азоб-уқубат чеккан фарзандларини шаҳидлар, деб атади, улар хотирасига ёдгорлик мажмуини бунёд этди, уларни эслаш ва улар руҳига дуои фотиҳа бағишлаш учун Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилади. Демак, она-Ўзбекистон ўз фарзандларини асло унутмайди.

Агар кундан-кунга яшариб, кўркамлашиб бораётган Ватанимиз бамисоли бир боғ бўлса, бу боғ узра эсаётган яшил шабаданинг улар номини шивирлаб ўтмай иложи йўқ. Бу боғнинг ялпиз бўйи анқиб турган этагидаги сой мавжларида шаҳидларнинг мунаввар чеҳралари ўқтин-ўқтин акс этиб ўтади.

**Наим КАРИМОВ**

# МОЛИЯВИЙ МАДАД – ФЕРМЕРГА ҚАНОТ

***Айтилган хушхабар ўшанда нафақат пойтахт вилоятида, балки республикамизда ҳам алоҳида эътироф этишга арзигулик воқеа эди. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида банк тизими ҳали замонавий алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланмаганди. Ана шундай шароитда Паркентда бир эмас, иккита олис тоғ ҳудудларида жойлашган хўжаликлар "Пахта Банк"нинг туман бўлими билан модем орқали алоқа ўрнатиб, иш юритаётганлигини гапириб беришганди. Мухбирларга хос қизиқиш йўлга чорлайверди. Тезда вақт топиб янгиликни кўриб келиш истагида Паркентга отландик.***

Ҳақиқатдан иккала хўжаликдан узоқ йўл босиб туман марказида жойлашган банкка келиб-кетишга ҳожат қолмаган, замонавий алоқа воситалари орқали кўпгина ишлар хўжаликдан туриб амалга оширилмоқда эди. Янгиликнинг ташаббускори ва ижрочиси билан қизиқиб, у билан учрашганимизда эса тамом ажабланиб қолдик. Бу ибратли ишлар ҳали ўттиз ёшга тўлиб-тўлмаган, аммо тиниб-тинчиш нималигини билмайдиган "Пахта Банк"нинг туман бўлими бошқарувчиси Туйғунбой Абдуллаевга тегишли экан. Шунда ёш мутахассисни синаб кўргим келди. Ушбу мураккаб соҳага кимнингдир кўмаги билан келиб қолганлар хилидан эмасмикан деган ўйда, билимини ва савиясини аниқлаш мақсадида уни саволларга кўмиб ташладим. Йўқ, қаршимда ҳали нисбатан ёш бўлишига қарамай билимдон, ўз соҳасига чинакамига меҳр қўйган мутахассис турарди. Тўлиқ ишонч ҳосил қилганимдан кейин кўнглимдан шундай ажиб бир ўй кечди: "Қанийди шу йигит яна бир поғона кўтарилсаю, бугун туманда қилаётган ишларини вилоят миқёсига тезроқ олиб чиқса".

Қайтиб келгач, Паркентда кўрган-кечирганларимни "Пахта Банк"нинг вилоят бош-



қармаси ва республика бошқарувидаги раҳбарларга ҳам гапириб бердим. Улар Туйғунбой ўз соҳаси бўйича иқтидор соҳиби эканлигини, ундан умидлари катталигини айтишди. Унинг ишлари ҳақида йирик мақола чоп этдик. Орадан маълум муддат ўтгач, Т.Абдуллаев янада масъулиятли лавозимга кўтарилди. У бир неча йилдирки, "Пахта Банк"нинг Тошкент вилоят бошқармасини бошқариб, ўшандай ибратли ишларни вилоят миқёсида амалга оширмоқда.

Юқоридаги воқеани эслаб, уни таҳлил қилишимиз бежиз эмас. Ўшанда эндигина ривожланиш йўлига кираётган банк тизими учун хўжалик марказида ўрнатилган модем орқали турли тўлов-топшириқномаларини туман марказидаги банк филиалига етказиш ва хизмат кўрсатишнинг айрим турларини адо этиш фаолиятни такомиллаштиришнинг муҳим поғонаси ҳисобланарди. Эндиликда бу борада янада илгарилаб кетилди. Илгари мижозлар банк билан боғлиқ юмушларни бажариш учун туман, ҳатто вилоят марказларига келишиб, ярим кун вақтларини беҳуда ўтказишган бўлса, бугунги кунда молия муассасалари уларга пешвоз чиқишмоқда. Яъни, ҳозирги пайтда катта қишлоқларда, хўжалик марказларида банкларнинг шоҳобчалари, мини-банклар фаолият кўрсатмоқда.

Тилга олинган "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси тизимида қисқа муддатнинг ўзида 7 та мини-банк ишга туширилди. Фикримизга ойдинлик киритиш мақсадида бир неча мисоллар келтирамиз: илгари Кўкорол, Жамбул, Далварзин дейилганда чоғроқ қишлоқлар, хўжалик марказлари кўз олдимизга келарди. Эндиликда ана шу масканларда мини-банклар ишлаётганлигини айтсак, молия тизимини ривожлантириш ва уларни мижозларга тобора яқинлаштириш борасида дадил одимлар ташлан-



ганлиги маълум бўлади.

Кейинги йилларда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга молия хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида мини-банклар очиляпти. Бўка туманидаги "Кўкорол" ширкати ҳудудида 2001 йил август ойида очилган ва шу ном билан аталувчи мини-банк 41 фермер хўжалигига, шунингдек, муқобил машина-трактор паркига хизмат кўрсатмоқда. Уч ходим ишлаётган мазкур молия муассасаси техника воситаларини сотиб олиш учун фермерларга 10 миллион 320 минг сўм кредит ажратди. Банк жамоаси 2003 йилнинг ўтган даврида 1 миллион 255 минг сўм даромад кўришга муваффақ бўлди. "Пахта Банк"нинг Бекобод туманидаги "Зафар" бўлими таркибида ташкил этилган "Далварзин" мини-банки эса 50 мижозга хизмат кўрсатмоқда. У тўрт нафар фермерга 13 миллион 700 минг сўм кредит берди. Бундан ташқари

**Қарор ва ижро**







қишлоқда молия муассасасининг очилганлиги аҳоли учун катта қулайлик туғдириб, электр, газ, сув ва бошқа коммунал хизматлар учун нақд пул тўлашда қўл келмоқда.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Жамбул", "Олға" ширкатлари кейинги пайтда иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолганди. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бошқа хўжаликлар билан бир қаторда юқорида таъкидланган ширкатлар тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Хусусан, собиқ "Олға" ширкатининг 1119 гектар ер майдонида фермер хўжаликлари тузилди. Уларга молия хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли Янгибозор филиали қошида "Олға" мини-банки очилди. У бугунги кунда 52 фермер хўжалигига ва бошқа мижозларга банк хизмати кўрсатаяпти. Тугатилган "Жамбул" ширкати негизида ҳам ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва бошқа соҳалар билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Мулкдорларга кредитлар ажратишда, бошқа хизматларни кўрсатишда "Жамбул" мини-банки яқиндан ёрдам бермоқда.

Шунингдек, Чиноз туманидаги "Иттифоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "Янгиобод", Янгийўл туманидаги "Халқобод" посёлкасида Бобур, Юқори Чирчиқ тумани "Наврўз" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида У.Юсупов номли мини-банклар ҳам фермерларга – ер, мулкка соҳиблик қилиш қандай катта самара беришини намоён этаётган тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ фермерларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳамда тадбиркорларга имтиёзли кредитлар беришни кўпайтириш мақсадида банкнинг фойдаси ҳисобидан махсус жамғарма ташкил этилган. Ҳозирги пайтда ушбу жамғармага 76 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Банкнинг тадбиркорларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши чорвачиликни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалиги учун техника воситаларини сотиб олишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу кредитлар ҳисобига қарийб минг кишига янги иш ўринлари яратилиб, фермер хўжаликлари томонидан қисқа муддатда 182 миллион сўм даромад кўришга эришилди.

-Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда, -дейди "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Туйғунбой Абдуллаев. – Тармоқда мулкчиликнинг турли шакллари қарор топиб бораяпти. Фермер хўжаликлари тармоғи тобора кенгаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Фермерларга банк хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида бундан кейин ҳам мини-банклар тармоғини янада кўпайтиравeрамиз. 2003 йилнинг ўтган даврида мини-банкларимизда қарийб 10 миллион сўм даромад кўрилиб, 3,8 миллион сўм соф фойда олишга муваффақ бўлинди.

Австралияда, Ҳиндистонда ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатларда ишлаб келган мутахассис-юртдошларимиз билан мулоқотда бўлганимизда улар банк тизими ғоят ривож топганлигини, рақобат кучли



эканлигини, йирикроқ аҳоли пунктида бир неча банк шоҳобчалари фаолият кўрсатишини гапириб беришганди. Ўшанда юртимизда ҳам молия шоҳобчалари шундай равнақ топиб кетишини орзу қилгандик. Истиқлолнинг 12 йиллик байрами нишонланаётганда замон тадбиркори – фермер шундайгина даласи ёнидаги мини-банк орқали молиявий масалаларни ҳал қилаётганлигини кўриш, бундан деҳқоннинг ғоят мамнун эканлигини ҳис этиш нақадар мароқли. Истиқлол туфайли ривқ-рўз яратувчи инсон эмин-эркин ишлаш, ҳар бир масалани мустақил ҳал қилиш ва бошқа кўпдан-кўп рўшноликларга эга бўлди. Молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида кўрсатилаётган мадад ҳам у ҳақида қайғуриш доимий ва барқарор эканлигидан далолат беради.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ



***Шу йилнинг апрель ойида "Уй-жойжамғармабанк"нинг Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган "Саксон ота" мини-банки ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.***

Бундан айниқса қишлоқ аҳли мамнун бўлмоқда. Чунки, энди қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли ҳар хил турдаги тўловларни амалга ошириш учун узоқ йўл босиб туман марказига бориб ўтирмайди. Коммунал, солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳаммаси эндиликда мана шу мини-банкнинг ўзида амалга оширилади.

-Мини-банкимизнинг фаолият бошлагани истиқлолнинг 12 йиллик шодиёнасига ўзига хос туҳфа бўлди, - дейди мини-банк бошқарувчиси Раънохон Сайдинова. – Ҳамма бирдек хурсанд. Мижозларимиз сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Шу кунга қадар 35 мижозга ҳисоб рақамлари очилди. Шулардан 27 таси фермер хўжаликларидир. 8 та фермер хўжалигига эса 61 миллион сўм миқдоридаги кредит ҳам бердик.

Мини-банк фаолиятини йўлга қўйишдан асосий мақсадимиз, шу ерда истиқомат қилаётган аҳолига имкон қадар намунали хизмат кўрсатишдир. Мижозларимиз ишончини тўлиқ оқлай олсак, кўзлаган ниятимизга етдик, деб ҳисобласак бўлаверади.

Раънохон Сайдинованинг банк соҳасида анчагина тажрибаси бор. Ўзининг йигирма йиллик иш фаолиятида у бу соҳанинг кўпгина сирларини ўрганди, мижозлар билан қандай тил топишишнинг йўл-йўриқларини билиб олди. Институтни тамомлаб, олий маълумотли иқтисодчи унвонини олди-ю, шу соҳага кириб келди.

Ишни бошқаришда Раънохон имкон борича ёш кадрларга суянади. Улар билан ҳамжиҳатликда фаолият юргизишни маъқул кўради. Мини-банк бошқарувчиси муовини Ғуломжон Солметов ҳамда ҳисобчи Шуҳрат Аҳмедовлар бу борада Раънохонга кўмакдош.

-Жамоада аҳиллик бўлса, ишда ҳам ҳамиша силжиш бўлади, - дейди гапини давом эттириб Раънохон Сайдинова. – Шу боис биз доимо ҳамжиҳатлик билан иш олиб борамиз. Ният ва мақсадимиз битта: юртимиз иқтисодини кўтариш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашга оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшиш.

Имкониятдан фойдаланиб, юрт-



дошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз бўлмиш истиқлолнинг 12 йиллик шодиёнаси билан мини-банкимиз жамоаси номидан самимий табриклайман.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

* * *

**Б. АКРАМОВ олган суратлар.**

# ФАРҒОНА: РИЗҚИ БУТУН ЭЛ

**_Бу йил Фарғонада ғалла йили бўлди. Омборлар донга тўлиб-тошди._**

**_Фарғоналиклар давлатга 294 минг 200 тонна сара дон етказиб бериб, бу борадаги шартномавий режани биринчилар қаторида адо этишган эди._**

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Тўлқинжон Эгамбердиевнинг эътирофича, Фарғона ҳали бунақанги ҳосилни кўрмаган эди. Мўлжалдагидан анча зиёд – 511 минг 350 тонна дон ишлаб чиқарилиб, ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 50 центнерданни ташкил этди. Ғаллачиликдан 9 миллиард сўм соф фойда олинди. Рентабеллик даражаси эса 34 фоизни ташкил этди.



"Бешариқ" ширкат хўжалигининг ижарачиси И.Темиров ўзига қарашли ердан 90 центнердан ҳосил олган бўлса, Ёзёвон туманидаги Р.Ражабова раҳбарлик қилаётган "Ойдиной" фермер хўжалиги 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 105 центнердан қирмизи дон етиштирди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида кўҳна Марғилон шаҳридаги сўлим оромгоҳда вилоят ғаллакорларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Худди ана шу тантанада ҳар гектар ердан 60 центнердан дон етиштириб, вилоят шаҳар ва туманлари орасида биринчи ўринни олган Тошлоқ тумани ғаллакорларига "Матиз" автомобили, ширкат хўжаликлари ўртасида ҳар гектар ердан 65 центнердан дон олиб, энг юқори натижага эришган М.Раҳматов номли ширкат хўжалигига эса "Дамас" автомобили калитлари тантанали суратда топширилди.



Ўнлаб оилавий пудратчилар, комбайнчилар вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини олишга эришдилар. Шу куни мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ғаллакорлар хизматида бўлдилар.



Ана шу тантанада Қува тумани ҳокими Омон Холбековни учратиб қолдик. Омон ака ўзида йўқ хурсанд эди.

-Туманимиздаги ҳамма ширкат хўжаликлари ишлаб чиқариш режасини ошиғи билан бажардилар, - дейди у. – Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 10 центнерга ошиб, ўртача 46 центнерданни ташкил этди. Салкам 800 миллион сўм соф фойда олдик. Рентабеллик 43,4 фоизни ташкил этди. Туманда дон кирмаган хонадон қолмади, ҳисоб. Ўтган йили далада ишловчиларнинг ҳар бирига ўртача 550 килограммдан дон тарқатган бўлсак, бу мавсум ҳар бир ишчининг олган ғалласи 822 килограммданга етди. Раҳматов ширкат хўжалиги ижарачиси Хайрулло Тўйчиев 9,5 гектар майдондан 54 центнер ўрнига 76 центнердан, Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ижарачиси Шерали Исроилов 4,5 гектар майдондан 46 центнер ўрнига 76,2 центнердан ҳосил олдилар. Хайрулло 20 тонна, Шерали эса 13,6 тонна буғдойни уйига тўкиб олди. Туманимиз миқёсида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фарғона дони ва нони ҳақида ҳикоя қилишга жазм қилган эканмиз, шу ўринда "Фарғона дон маҳсулотлари" ишлаб чиқарувчилар акционерлик уюшмаси тизимидаги корхоналар фаолиятига тўхталмасликнинг асло иложи йўқ. Боиси, ғалла етиштириш, деҳқон меҳнати, машаққатининг ўзи бир олам бўлса, етиштирилган донни сақлаб, тош-тупроқдан тозалаб, қайта ишлаб, аҳоли дастурхонига ун ва ун маҳсулотларига айлантириб беришнинг ўзи бир олам. Бунинг меҳнати, масъулияти деҳқон меҳнатидан асло қолишмайди.



Бугунда уюшма тасарруфида 4 та йирик корхона, 3 та дон қабул қилиш пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида уюшмага қарашли корхоналар 37521 тонна ун, 5945 тонна нон, 6719 тонна макарон, 508 тонна қандолат маҳсулотлари, 14233 тонна омухта ем ва бошқа кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолига етказиб берди. Сўмларга чаққанда 8 миллиард 498 миллион 242 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

"Қувадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти уюшманинг йирик, довруқли корхоналаридан.

Корхона раҳбари Бахтиёр Аҳроров бизга корхона цехларини кўрсатар экан, йўл-йўлакай жамоа ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиб борди:

-Корхонамиз асосан ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, - дейди у, - республикада ягона макарон уни ишлаб чиқарадиган тегирмонимиз мавжуд. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Италия билан ҳамкорликда Брагберди макарон линиясини ўрнатиб, ишга туширишимиз катта воқеа бўлди. Эндиликда бир кеча кундузда 35-40 тонна ҳар хил турдаги харидорбоп макарон ишлаб чиқаряпмиз. Омухта ем цехимизда эса кунига 40-45 тонна озуқабоп ем ишлаб чиқарилади.

Корхонамизда уруғчилик цехининг ташкил этилиши миллион-миллион сўм маблағни тежаш имконини берибгина қолмай, туманимиздаги ширкат ва фермер хўжаликларига арзон ва ишончли уруғ етказиб беришга замин яратди. Бу мавсум 14730 тонна буғдой, бундан ташқари 3400 тонна уруғлик, жами – 18 минг тонна ғалла қабул қилиб олдик. Байрам арафасида халқимизнинг ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида яна бир макарон линиясини ишга туширишни ният қилиб турибмиз. Маҳсулотларимизни нафақат мамлакат миқёсида, балки хорижга ҳам экспорт қилиш режаларимиз бор. Бунинг учун маҳсулот сифатини яхшилаш устида ишлаяпмиз, хилма-хил макаронларни ихчам, чиройли идишларга қадоқлаб чиқариш ҳаракатидамиз.



Бахтиёр ўз фаолиятини оддий чилангарликдан бошлаган эди. Кейинчалик у ишлаб чиқариш устаси бўлди, цехда ишлади. Бугун эса 700 дан ошиқ киши меҳнат қилаётган йирик жамоага етакчи. Унинг раҳбарлигида ишчилар ошхонаси жаҳон андозалари даражасида таъмирланди, юксак дид билан жиҳозланди. Ишчилар учун спорт – соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ишчиларнинг спорт билан шуғулланишлари, дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. Врач-стоматолог, акушер-гинеколог, ички касалликлар бўйича мутахассислардан иборат шифокорлар тун-у кун ишчилар хизматида. Бугунда корхона ишчи-хизматчиларининг ўртача маоши 25-30 минг сўмни ташкил этмоқда.

Тадбиркор раҳбар Қодирали Сотволдиев раҳбарлигидаги "Қўқондон" ҳиссадорлик жамияти ҳам "Фарғонадонмахсулотлари" уюшмасининг йирик, донгдор корхоналаридан. Бугунда 800 дан зиёд киши меҳнат қилаётган бу корхона бир кеча-кундузда 500 тонна ғаллани қайта ишлаш қувватига эга. Бу йил "Қўқондон" Бешариқ, Фурқат, Данғара, Ўзбекистон туманларида етиштирилган 76 минг тоннадан зиёд ғаллани қабул қилиб олди. Эндиликда ҳар куни 200-250 тонна олий ва 1, 2-навли ун ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилмоқда.

-2002 йилда деҳқонларимизга 4561 тонна сара уруғ етказиб берган бўлсак, бу йил 4200 тонна донни уруғлик учун қабул қилиб олдик, - дейди Қодирали ака. – Корхонамизда бундан ташқари суткасига 40 тонна гуруч ишлаб чиқарадиган гуруч цехи ишлаб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 мартдаги 155-сонли "Аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори асосида харидоргир, юқори сифатли, рақобатбардош ун ишлаб чиқариш ишчи-мутахассисларимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди.



Корхона раҳбари тегирмон цехи технологи Лазизхон Қодиров, омухта ем ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Ҳайдаржон Отажонов, бош энергетик Акмалжон Хонбобоев, ишчилардан Валижон Холмирзаев, Сидиқжон Ҳайитов каби илғорларни "жамоамиз фахри", дея ҳурмат билан тилга олди.

"Қўқоннон" масъулияти чекланган жамияти, уюшма тизимидаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўз ўрни ва нуфузига эга корхоналардан. Корхонада жорий йилнинг олти ойи мобайнида 490 миллион 802 минг сўмлик товар маҳсулоти, 588 миллион 962 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу фақатгина ярим йил ичида аҳоли дастурхонига 2080 тонна нон, 192 тонна қандолат маҳсулотлари, 718 тонна макарон етказиб берилди, 39 тонна хамиртуруш ишлаб чиқарилди, деганидир. Бунинг натижасида 18 миллион сўм соф фойда олинди.



-Масъулияти чекланган жамиятимизда 6 та завод бўлиб, унинг 3 тасида нон, биттасида макарон, биттасида хамиртуруш, яна бирида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарлади, - дейди жамият раиси Зумрадхон Тўрахўжаева. – Мустақиллик йилларида Италия линиясини ўрнатиб, макарон ва хамиртуруш корхоналарини ишга туширишимиз янги ишчи ўринлари яратиш билан бирга аҳолига зарур, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш имконини берди.

Дастурхонимиз кўрки, асосий неъматимиз – азиз noннинг тўқсондан ошиқ турини ишлаб чиқариш имконига эгамиз. Буюртма столимиз бор. Биз асосан аҳоли талаб ва истаги асосида ишлаймиз. Сўнгги пайтда аҳоли орасида бўқоқ ва камқонлик касаллигининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқараётган нонларимизнинг ҳаммасига йод ва темир моддасини қўшяпмиз. Шаҳарда 6 та фирма дўконларимиз бўлиб, ҳеч бирида шифобахш нонларимиз сотилмай қолмаяпти.

**Фахр**

Зумрад Тўрахўжаеванинг бу корхонада ишлай бошлаганига анча йиллар бўлди. Бундан 30 йил олдин Киев озиқ-овқат технологияси институтини тамомлаб келган Зумрадхон иш фаолиятини оддий технологликдан бошлаган эди. Ишлаб чиқариш бўлимини бошқарди, бош муҳандислик қилди. Мана энди 500 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган, Қўқондек йирик, аҳолиси гавжум шаҳарни нон ва нон маҳсулотлари билан таъминловчи корхонага бош-қош.

-Бизда сифат, озодагарчилик ва халққа сидқидилдан хизмат қилиш биринчи ўринда туради, - дейди Зумрадхон. – Бизнинг соҳада поклик, покизалик энг зарур фазилат. Тасаввур қилинг, харидор дўкондан нон харид қилди. У нонни қайта пиширмайди, қайтадан тандирга ташламайди, тўғридан-тўғри олиб бориб, дастурхонига қўйиб ейди. Шунинг учун ҳам доим иш жойимизда покизаликка жиддий эътибор қаратамиз.

Зумрад Тўрахўжаева билан макарон ва печенье цехларини кўрдик. Дарҳақиқат, хоналар ёғ тушса ялагудек тоза. Италиядан келтирилган линия бир маромда ишлаб турибди. Макарон ва печеньелар ихчам, чиройли қутиларга қадоқланиб, савдога тайёрлаб, тахлаб қўйиляпти. Бирдек оппоқ халат кийиб олган ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди...

Фарғона дони ва нони.

Дон ва нон эса тириклигимиз, тирикчилигимиз манбаи ва асоси. Бу бир-бирига боғлиқ меҳнат. Зарур ва шарафли меҳнат.

Гўзал Фарғонанинг юзи ёруғ одамлари – ғаллакор деҳқонлари, ана шу ғаллани унга, нонга айлантираётган заҳматкаш касб эгалари буюк Истиқлолнинг 12 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.



**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




Республика акциядорлик-тижорат

**"ТАДБИРКОРБАНК"**

унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги филиаллари жамоалари ўз акциядорларини, мижозларини, мамлакатимиз халқини

Мустақилликнинг 12 йиллиги билан қутлайдилар.

Юртдошларимизга келгуси ишларида равнақ, сиҳат-саломатлик, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

# ТошДАУ: ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАДИ

***Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳа катта ўрин тутиши сир эмас. Бугун ушбу тизимда ҳам туб ислоҳотлар жараёни кечмоқда.***

Мақсад – юртимизда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини яна-



да юксалтириш, уни энг замонавий талаблар даражасига олиб чиқишдан иборат. Албатта, бундай даражага эришиш учун бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади. Хусусан, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири бу – соҳани ҳар томонлама етук, билимдон ва малакали мутахассислар билан таъминлашдан иборат. Бу эса юртимиздаги мазкур тизим учун кадрлар тайёрлаб берувчи таълим масканлари зиммасига катта масъулият юклаши, шубҳасиз.

Тошкент давлат Аграр университети қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё бўйича ҳам энг йирик илмий, ўқув маркази ҳисобланади. Истиқлолдан сўнг дорилфунун мақомига эга бўлган мазкур таълим даргоҳи бугун бақувват моддий-техник базага, улкан илмий-педагогик салоҳиятга эгадир. Дарҳақиқат, бу ерда етиштириб берилаётган агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари генетикаси ва селекцияси, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликлар ҳимояси, ипакчилик, зоомуҳандислик, ўрмон хўжалиги, иқтисод ва қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни механизациялаш, биология ва қишлоқ хўжалиги асослари ўқитувчилари каби мутахассисларга бўлган эҳтиёж ниҳоятда катта.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қиладиган мутахассислар бир қатор жиддий талабларга жавоб бера олишлари лозим. Биринчи навбатда, улар теран билимга эга бўлиш билан бирга, мустақил фикрлай билиш, ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш кўникмаларини ўзлаштирган бўлишлари лозим. Ана шу мақсадларга эришиш учун биринчи навбатда бўлғуси мутахассисларга фан, техника ва технологиялар соҳасида энг илғор билимларни бериш, уларни амалий ишлаб чиқариш шароитида қўллашни ўргатишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, бугунги талаба ўзи эгаллаётган соҳа тараққиёти истиқболларини кўра билиши зарур.

Тошкент давлат Аграр университетида республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳаси эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера оладиган изланишлар олиб бориш учун зарур имкониятлар яратилган. Хусусан, кафедралардаги энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 18 та лабораторияларда самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ердаги тажриба илмий-тадқиқот станцияси ва ўқув-тажриба хўжалигида дала тажрибалари ҳамда якунланган илмий ишларнинг ишлаб чиқаришдаги синовлари ўтказилаяпти. Ўз навбатида, ўсимликларни биотехнологик ва биологик ҳимоя қилиш илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари, агроэкология маркази ва "Биотехнолог", "Фунги маркази" каби тадбиркорлик тузилмалари фаолияти ҳам бениҳоя қўл келаяпти.

Бугунги кунда университетдаги мавжуд барча кафедраларда фаол



илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги, айниқса, диққатга сазовор. Бундай тадқиқотларда ўқитувчилар ва аспирантлар билан бир қаторда кўпчилик талабалар ҳам фаол иштирок этишаяпти. Ушбу ишлар йўналишлари республика агросаноат мажмуи соҳаларининг аниқ эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ташкил қилинаяпти. Бу йил Тошкент давлат Аграр университети Фан ва технологиялар маркази томонидан ўтказилган танлов якунлари бўйича 21 та давлат грантига сазовор бўлди. Бу ўтган йилдагига нисбатан тўрт баробар зиёд бўлиб, уларнинг маблағлари ҳам кўпайди. Демак, эндиликда юқоридаги каби тадқиқотлар кўлами ва самарадорлиги ҳам юксалиши табиий.

Кези келганда, университетнинг юртимиздаги ва хориждаги қатор илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртлари билан ўзаро илмий-техник ҳамкорликлари хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқчи эдик. Зеро, тараққиёт шитоб билан илгарилаб бораётган бугунги даврда бундай йирик университет фаолиятини бусиз тасаввур этиш мушкул. Шу боис айни пайтда юқоридаги каби муассасалар билан илмий-техник ҳамкорликлар бўйича тузилган 85 та шартномалар бўйича самарали иш олиб борилаяпти. Ана шу тадқиқотлар натижалари эса янги илмий нашрларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мунтазам ўзаро энг янги илмий-техник ахборот технологиялари имкониятларидан биргаликда фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Кейинги икки йил ичида ҳамкорлар иштирокида университетда учта халқаро, республика миқёсидаги ўнтадан зиёд илмий-ишлаб чиқариш анжумани, ўн битта семинар ташкил қилинганлиги, айниқса, диққатга сазовор. Бундан ташқари, университетнинг бир қатор аълочи талабалари ҳамкорлар таъсис этган стипендиялар соҳиби бўлишмоқда.

Тошкент давлат Аграр университети ҳозирги пайтда АҚШ, Англия, Голландия, Греция, Германия, Италия, Миср, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия, Хитой, Исроил, Ҳиндистон каби давлатлардаги нуфузли университетлар ва коллежлар ҳамда қатор халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. АҚШнинг Қишлоқ хўжалиги департаменти, ЮСАИД, ТАСИС ва ТЕМПУС дастурлари, бошқа халқаро тузилмаларнинг грантлари асосида маблағ билан таъминланадиган умумий қиймати 150 минг АҚШ доллари ҳамда 60 минг еврога тенг бўлган 14 та илмий лойиҳанинг амалга оширилиши таълим ва фан соҳасидаги халқаро ҳамкорликлар истиқболи порлоқ эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда мазкур таълим даргоҳи республикамизда, МДҲ ва хорижда фаолият кўрсатаётган саксондан зиёд университет, коллеж, илмий-тадқиқот институтлари, корхона ва илмий марказлар билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда.

Маълумки, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мамлакатимиз фанининг халқаро ҳамжамиятда интеграциялашувини фаоллаштириш, олимлар ўртасида шунингдек, таълим соҳасида мутахассислар тайёрлашда фан ютуқларини ўзаро алмашув масаласига ҳам жиддий эътибор



қаратилган. Университетда ана шу тамойилга устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари билан бир қатор ўқув-илмий ишлар бўйича ҳамкорлик тўғрисида шартнома ва меморандумлар имзоланган. Унга биноан халқаро инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ёш ўқитувчи ва магистрларни чет элларга юбориш ишлари йўлга қўйилди. Ўз навбатида, Миср, Корея, Хитой ва бошқа давлатларнинг олимлари ҳам ТошДАУга 3-6 ойлик малака оширишга келишди. Эътиборли жиҳати, университет олимлари АҚШ, Буюк Британия, Испания, Миср, Голландия, Германия ва бошқа давлатлардаги энг нуфузли университетлар минбарларида маъруза қилишиб, Ўзбекистоннинг аграр фани ютуқларини тарғиб қилишди.

Университетда халқаро илмий шартномалар бўйича тузилган грантлар асосида ҳам фаол амалий ишлар олиб борилаяпти. Чунончи, АҚШнинг Мериленд университети, USAID жамғармаси буюртмаси асосида қишлоқ хўжалик фанларини ривожлантиришга қаратилган умумий қиймати 650 минг АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани амалга оширишга жиддий аҳамият қаратилаяпти. Шунингдек, ТАСИС, ТЕМПУС дастури асосида иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида ҳам 499 минг 971 долларлик, уч йилга мўлжалланган йирик лойиҳа устида иш олиб бориляпти. АҚШнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги орқали Татгерс университети буюртмаси асосида "Юқори ҳосилли, касалликларга чидамли навларни аниқлаш, сабзавот-полиз экинлари гибридларини яратиш ва селекция учун бирламчи материаллар билан ажратиш" мавзусидаги умумий қиймати 157 минг 500 АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам самарали натижалар бериши шубҳасиз. Жорий йилда бу ерда умумий қиймати 179 минг АҚШ доллари ва 60 минг еврога тенг бўлган 8 та халқаро грантлар бўйича ишлар бажарилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, университетда ушбу йўналишда йўлга қўйилган ҳамкорликлар ўзининг кўлами жиҳатидан катта аҳамият касб этади. Келгусида ана шу йўналишдаги тадбирларни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бу эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ҳам фойдали бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда университетда чет эллик ҳамкорлар билан илғор педагогик технологияларни яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологик даражаси, унинг рақобатбардошлигини ошириш, инновация маҳсулотини ички ва ташқи бозорга чиқаришни таъминлашга йўналтирилган ихтисослаштирилган мавзулар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Инновация гранти доирасида ИКАРДА ва СИММИТ халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда ТошДАУ ҳузурида халқаро унификацияланган буғдой кўчатхонаси ташкил қилинган. Бу ерда нав танлов асосида синовдан ўтказилиб, арпа, буғдой ва третикала каби бошоқли



экинлар коллекцияси шакллантирилган.

Тан олиш керак, таълим жараёни замонавий ўқув техникалари ва технологияларига асосланган энг нуфузли университетларда ҳам профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Шу боис Тошкент давлат Аграр университетида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилаяпти. Хусусан, 90 нафардан зиёд мутахассислар хорижий ўқув марказларида малака ошириб қайтишди. Ўз навбатида, чет эл ўқув юртларининг 60 нафарга яқин илмий ходимлари бу ерга ташриф буюриб, маърузалар ўқиди, педагоглар ва талабалар иштирокида турли мавзуларда семинарлар ўтказди ҳамда янги таълим технологияларини жорий этиш юзасидан тажрибалари би-



лан ўртоқлашди. Бундай тадбирлар эса университетдаги таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаяпти.

Ўтган ўқув йили ТошДАУ ўқитувчи ва талабалари учун унутилмас воқеаларга бой бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, университетнинг бир йўла икки магистранти – Руслан Галимшин ва Алишер Шоумаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиби бўлди. Шунингдек, 13 нафар талаба Беруний, Улуғбек номидаги давлат стипендияларини олаётган бўлса, магистрант Екатерина Аблаева Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Яна кўплаб талабалар турли жамғармалар, ташкилот ва корхоналар стипендияларидан баҳраманд бўлаяпти. Бундай илмга чанқоқ, серғайрат ёшлар эртага жамият ривожи йўлида бор иқтидорини ишга солишларига ишончимиз комил.

Қорақалпоғистон давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат Аграр университети Нукус филиалининг ташкил этилиши ҳам таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигига хизмат қилади. Бундай қарор республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 июнидаги "2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига асосан қабул қилинган бўлиб, у қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талаблари ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига жавоб беради.

Сирасини айтганда, Тошкент давлат Аграр университетида олиб борилаётган ишларнинг қамрови анча кенг. Бу эса келажакда ўз самарасини бериши ва натижада мазкур даргоҳ мам-



лакатимиз агросаноат мажмуининг амалий бир бўғинига айланиши, шубҳасиз. Бундай дейишимиз учун барча асослар етарлидир.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД**













# ИЗБОСКАННИНГ БАРАКАСИ

***Андижоннинг Избосканига йўлингиз тушса, бу ердаги саранжом-саришталик, ободончилик, одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати беихтиёр ҳавасингизни келтиради.***

Айни пишиқчилик даври бўлмиш асадда Избосканда бўлсангиз, Чувама ва Тўрткўл боғбонларининг ҳар бири косадек келадиган анорларини кўриб кўзингиз қувнайди. Лўғимбекнинг пиёладек-пиёладек шафтолилари танангизга ҳузур бахш этади. Урганжининг анжири эса болдек ширин. Майгирнинг девзира гуручидан палов есангиз, маза қиласиз.

Ҳа, Избосканнинг зироат мактаби донғи азал-азалдан мамлакатимизга машҳур. Пахта ва ғалла етиштиришдаги муваффақиятлари ҳамиша эл оғзида. Шундан бўлса керакки, Избосканга мамлакатимизнинг барча раҳбарлари қадами етган. Шоиру ёзувчилар бу юрт одамлари ҳақида кўп ва хўп ёзишган. Бугун ҳам Избоскан деҳқончилик, ободончилик борасида олдинда. Шундай хўжаликлар борки, мамлакатимизга кўз-кўз қилса арзийди. Улардан бири Саид Аҳмад айтганидай дала донишманди бўлган ва Избосканнинг довруғига довруғ қўшиб келаётган Абдусамад Тиллабоев номидаги ширкат хўжалигидир.



Бу хўжалик ҳақида, унинг меҳнаткаш, танти одамлари тўғрисида қарийб саксон йилдан буён ёзишади. Улар бундай мақтовга, фахрга лойиқ. Хўш, Абдусамад Тиллабоевнинг ўзи ким? У 1911 йилда ҳозирги Маданият қишлоғида таваллуд топган. Отаси ва онаси диний билимлардан бохабар зиёлилар бўлишиб, ёш Абдусамадни ҳам хат-савод чиқаришига алоҳида эътибор беришган. Айни вақтда ёш Абдусамад болалигидаёқ меҳнатга рўпара бўлган. Илм ва меҳнат эгизак тарзда Абдусамадни ҳаёт мактабига олиб кирган.

1934 йил ҳисоб-китобига кўра "Иттифоқ" колхози пахта ҳосилдорлиги бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаганди. Шу боис республика раҳбарлари хўжаликка бир вагон совға-салом жўнатишиб, ютуқ билан муборакбод этишган. Ўшанда Абдусамад Тиллабоев раис ўринбосари эди. Раис каттароқ ишга ўтаётиб, ўрнига Абдусамадни лойиқ кўрган.

"Иттифоқ"ликлар янги раис раҳбарлигида янада астойдил ишга киришиб кетишди. Бошқа хўжаликлар улардан ўзиша олмади. Аксинча, юкини торта олмай қолган хўжаликлар "Иттифоқ"қа қўшилаверишди. Шундай қилиб хўжалик номи тилларда достон бўла бошлади. Абдусамад Тиллабоев шу катта хўжаликка раҳбарлик қилиб, унга 44 йил умрини бахшида этди. 1986 йили Абдусамад ота Тиллабоев мангуликка йўл олди. От ўрнини той босади, деганларидек, ота ўрнини иқтидорли агроном фарзанди Алишер Тиллабоев эгаллади.

Бу хўжалик деҳқонлари ҳозиргача ҳам Избоскан, қолаверса, Андижон деҳқончилигининг дарғаси бўлиб келишмоқда. Ҳамон барча деҳқонлар бу ернинг одамларига ҳавас билан боқишади.

Йирик ва айни вақтда сертармоқ Абдусамад Тиллабоев номли ширкат хўжалиги ютуқларининг сири нимада? Бу ҳақда кимдан сўраманг, албатта, жавоб бир хил бўлади: аҳиллик ва ҳамжиҳатлик. 18 йилдан буён падари бузруквори васиятларига амал қилиб, отаси яратган деҳқончилик мактабини улуғлаб келаётган Алишер Тиллабоев билан бир пиёла чой баҳона суҳбатга киришсангиз, бу ердаги ютуқлар сиридан воқиф бўласиз.

Аввал ҳам, ҳозирда ҳам бу хўжалик кадрлар мактаби бўлиб келган. Иш фаолиятини шу хўжаликда бошлаган ўнлаб мутахассислар бошқа жойларда раҳбарлик қилишган. Ҳозир тўртта хўжаликка раҳбарлик қилаётганлар деҳқончилик сир-синоатини шу ерда ўзлаштирган.

-Отам раҳматликнинг бир хислати бор эди, - дейди Алишер Тиллабоев, - бўладиган болани кўз остига олиб қўяр эди. Гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга жалб этар, лўнда қилиб айтсам, пешонасини терлатарди. Шу билан бирга ғамхўрлиги ҳам алоҳида эди. Суҳбатларимизда отам ҳамиша: "Ишда қаттиққўл бўл, шу билан бирга меҳрибонлигингни дариғ тутма. Шунда сен билан бирга ишлаётганлар ҳамиша ёнингда бўлишга интилишади", дегувчи эди. Бугун ўша суҳбатларимизни қайта-қайта эслайман. Шундан бўлса керакки, хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси янгиликка, яхшиликка интилади. Бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ютуқлар кўпайса, биргаликда қувонишади.

Шу ўринда бир далилни келтирсак. 1934 йилдан буён хўжаликда атиги тўрт марта режа бажарилмаган. Бошқа вақтда эса ҳамиша муваффақият қозонилган. 2002 йили пахта тайёрлаш режаси 150,4 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик 46,2 центнер. Режада кўзланганидан 14 центнер кўп. Дон ишлаб чиқаришда ҳам, давлатга сотишда ҳам шундай



кўтарилиш. Хўш, бу ютуқларга қандай омиллар ҳисобига эришилмоқда? Бу ҳақда раисдан сўраганимизда у соддагина қилиб "Одамлар билан рост гаплашиш ва ишлаш", деб жавоб берди.

Бунга битта мисол айтсак. 2002 йил бошидаги йиғилишда бошқарув ҳайъати ўртага бир таклифни ташлади. Агарда хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 45 центнердан ортса, ширкат бўйича тушлик овқат бепул қилинади. Якунда худди шундай бўлди. Тушликка сарфланган 18 миллион сўм харажат хўжалик ҳисобидан қопланди.

Хўжаликда бунга замин бор эди: ўтган йили 650 миллион сўмдан зиёд ялпи даромад олиш мўлжаллланганди. Барча тармоқларда режаларнинг ошириб бажарилиши, маҳсулот сотишдан келган даромаднинг кўпайиши эвазига қарийб 908 миллион сўм кирим бўлди. Яъни, даромад олиш режаси 139 фоизга бажарилди. 2542 ўрнига 3824 тонна пахта сотилгани асосий манбадир. Сотилган 1804 тонна доннинг тенг ярми уруғлик эканлиги ҳисобига олинса, муваффақиятнинг яна бир омили ойдинлашади.



Машҳур раис Абдусамад Тиллабоев Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, гугурт чўпини ҳам икки



бўлиб ишлатишга интилар экан. Алишер Тиллабоев ҳам худди шундай. Молия маркази тўла компьютерлашган бўлиб, ҳар бир соҳа йўналиши бўйича дастурга эга. Ер эгаси бўлган ижарачи гектарига қанча ўғит, ёнилғи ёхуд хизмат кетганлигини хоҳлаган пайтда билиб олаверади. Шундан бўлса керакки, бу ерда ширкат аъзоларининг ўртача ойлик иш ҳақи 25-30 минг сўмдан кам эмас. Ижтимоий тўловлар қўшилган тақдирда бу кўрсаткич янада ортади. Улар сирасига тушлик, электр энергияси, табиий газ ҳақлари ҳам киради.

**Фахр**

Ривожланишнинг омиллари анчагина. Шулардан бири ёш кадрларга муносабат. Йиғинларнинг бирида Тиллабоев номли хўжаликда зараркунандаларга қарши курашда заҳарли моддалардан жуда оз ишлатилиши ибрат қилиб кўрсатилди. Дарҳақиқат, ҳашаротга қарши курашда озгина эътиборсизлик қилинса, харажатнинг чегараси бўлмай қолади. Энг ёш бош пудратчилардан бири Бобур Ҳамидов экин-тикин арафасида раисга бир таклиф билан рўпара келди.

-Илдизи бақувват, танаси кучли экинга ҳашарот ортиқча ҳужум қила олмайди. Ўзингизга яхши маълум, адабиётларда шунга ишора бор. Шу борада тажриба ўтказсам. Бунинг учун



мўлжалдаги минерал ўғитнинг асосий қисмини экишда бермоқчимиз.

Раис олий маълумотли агроном. Бобур Ҳамидов яқинда институтни тугатганлардан бири. Раис ёш деҳқон сўзининг мағзини чақиб, таклифни қабул қилди. Ғўза шонага кирганда атрофда зараркунанда хуружи ҳақида овозалар чиқа бошлади. Бобур Ҳамидов даласида эса манзара тамомила ўзгача. Ғўза шу қадар бақувватки, кушандалардан холи. Мана сизга раҳбарнинг ўз қўл остидаги одам билан ишлаши. Энди раис бу усулни келгуси йили каттароқ майдонларда қўллаш фикрида. Бу эътиборнинг бошқа жиҳати шуки, Бобур Ҳамидов даласидаги ишларни янада яхшилаш ҳаракатида бўлади. Хўжаликда эса бундай мисоллар жуда кўп.

Ҳа, одамлар билан ишлаш ҳам санъат. Улар фикрига қулоқ солиш эса одоб. Ана шундай муҳит раиснинг одамларга, уларнинг эса ўз раҳбарига ишончини мустаҳкамлайди.

Биз бу хўжаликни сертармоқ, дедик. Сертармоқ хўжаликлар эса ҳозир бармоқ билан санарли. Хўжаликнинг сут-товар фермасида минг бошдан ортиқ қорамол бор. Қўй-қўзи ҳам бундан кўпроқ. Боғ ва токзорлар эгасининг қўлида. Ҳар соҳадан барака ёғилганлиги боис хўжаликнинг қадди тик. Айрим рақамларни келтирайлик. 2002 йил 103,2 миллион сўм фойда олиш мўлжалланган эди. Амалда бу кўрсаткич 228,7 миллион сўмни ташкил этди. Хўжалик бундай фойда эвазига техника сотиб олаяпти, ободончиликка кўпроқ маблағ ажратмоқда.



1996 йилнинг 17 сентябри хўжалик тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Шу куни Президентимиз Ислом Каримов мазкур хўжалик далаларида бўлиб, пахтакорлар билан суҳбатда бўлган эдилар.

-Ана шу суҳбат менга бир умрлик мактаб бўлди, - дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Алишер Тиллабоев. – Ислом ака плёнка усулида парвариш қилинган ғўзалардаги ҳосилни диққат билан кузатди. Мутахассислар билан бу ҳақда фикрлашди. Гап айланиб деҳқонларнинг оилавий шароитига бориб тақалди. Уста деҳқон Усмонжон Худайбердиев билан суҳбатда ана шу ҳақда сўз борди.

-Фарзандларим аллақачон уйли-жойли бўлиб кетишган. Қирққа яқин невара, ўндан кўпроқ чеварам бор. Ҳовлида аёлим, кенжа ўғлим, келиним, невараларим билан турамиз, - жавоб берди Усмон ака.

-Мол, қўй ҳам бордир, албатта.

Усмон ака бир зум шошиб қолди. Аввалига ҳаммаси бор, ҳаммаси етарли демоқчиям бўлди-ю, қаршисида мамлакат раҳбари турганини, уни алдаш имонсизлик бўлишини ўйлаб, ростини айтиб қўя қолди:

-Уйда молимиз йўқ.

-Чакки бўпти, - деди Президентимиз ва қишлоқдаги ҳар бир хонадонда албатта соғин сигир ва қўй бўлиши зарурлигини уқтирди. Ахир болалар сут-қатиқсиз соғлом ўсиши мумкинми? Хўжалик бошлиғининг ўзи намуна кўрсатиб, ҳар бир аъзо хонадонида мол-қўй бўлишига эришмоғи керак.

Президент шу ҳақда куйиниб гапириб, ёнидан битта соат олиб, Усмон акага узатди ва:

-Мана бу рост сўзлаганингиз учун мендан сизга совға, - деди.

Ўшандан буён хўжалик йил якунида аъзоларига сигир ёхуд қўй ажратади. Биргина ўтган йили ана шу мақсадда 182 бош қорамол, 297 бош қўй тарқатилди.

Хўжаликдаги мингдан зиёд ижарачи, механизатор ва мутахассисларнинг бу йилги мақсадлари янада улкан: ялпи даромад миқдорини бир миллиард сўмдан ошириш эзгу ният! Ҳозиргача пиллачиликдан салкам 13 миллион, ғаллачиликдан эса 247,4 миллион сўм даромад олинди. Бу режалаштирилганидан 15,2 миллион сўм кўп. Негаки, етиштирилган доннинг 840 тоннаси уруғликка ўтди.

Ўтган йили хўжаликда ғўзанинг "С-2609" нави парвариш қилинганди. Тайёрланган ҳосилнинг юқори сифатлилиги боис бу йилдан бошлаб хўжалик айни шу навдаги уруғлик етиштирувчи базага айлантирилди. Қолаверса, хўжаликда 50 центнерлик марра мўлжалга олинган. Молия ҳисоб маркази бошлиғи Баҳромжон Холматов ана шулар ҳақида гапирар экан, албатта, бир миллиардлик даромад нақд бўлишига Сиз ҳам ишонасиз.



Избосканнинг дарғаси бўлган Абдусамад Тиллабоев номли хўжаликнинг поғонама-поғона равнақи ҳақида яна кўплаб далиллар келтириш мумкин. Салкам 3 минг хонадон ташвиши шу хўжалик бошида. Бир-биридан кўркам кўчалар, уйлар, дала шийпонлари, мактаб, боғча, тиббий муассасалар... уларнинг саноғига етиш қийин. Хўжалик музейи эса бизни яқин ўтмишимиз ва бугунимиз билан боғлайди.

Яқиндагина Андижонда одат тусига кирган анъанавий гуллар байрами бўлиб ўтди. Ана шу куни хўжалик марказида бетакрор санъат асари даражасида халқ усталари томонидан бунёд этилган нуронийлар уйи меҳмонларни қабул қилди. Кўркам ва баҳаво бино саҳнига қўйилган сўрилар юртимиз кўрки бўлмиш фахрийлар билан янада обод бўлди. Хўжаликда 50-60 йил меҳнат қилган Фазлиддин ота Ёқубов, Юсуфжон Маҳмудов, Усмонжон ота Худойбердиев каби фахрийлар суҳбатидан баҳра олдик. Улар хўжалик тарихини беш қўлдек билишларини англадик. Шундоқ ширингуфторлик қилиб беришдики, буни асло ёддан чиқариб бўлмайди. Отахонлар Юртбошимизнинг хўжаликда бўлиши, одамлар турмуши ҳақида қизиқиши энди ҳар бир аъзо ҳаётида ўзгача из қолдираётганлигини алоҳида тилга олишди. Нуронийлар "Юртбошимизнинг қадами қутлуғ келиб, хўжалигимизга барака ёғиляпти", деб фахрланишди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**Ҳ. АРАББОЕВ олган суратлар.**



# МАҚСАДИМИЗ — ФАРОВОНЛИК

***Наманган вилояти иқтисодиётида аграр соҳа етакчи ўрин тутади. Унинг ривожида вилоят хўжаликлараро кенгашининг салмоқли ўрни бор.***

Кенгаш қишлоқ ва сув хўжалиги иншоотлари қурилиши учун ажратилаётган капитал маблағлардан самарали, тежамкорона фойдаланиш, улар ҳисобига янги ерлар ўзлаштириш, суғориладиган майдонларни реконструкциялаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кенг кўламли фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили вилоят хўжаликлараро кенгаши бошлиғи Зокиржон Расулов "Шуҳрат" медали билан мукофотландики, бу айни чоғда жамоа олиб бораётган яхши ишларнинг ҳам ўзига хос тақдирланишидир. Кенгашнинг бош муҳандиси **Аҳмаджон ТУРСУНОВ** бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

-Вилоят хўжаликлараро кенгаши қишлоқ ва сув хўжалигига тааллуқли иншоотлар қурилиши учун жой аниқлаш, у ерда аҳоли, бино, боғ ва бошқалар бўлса, уларни кўчириш масаласини ҳал этиш, объектни қурилиш режасига киритиш, битказилган иншоотни белгиланган тадбирлар асосида қабул қилиб олиш каби зарурий жараёнларда фаол иштирок этади. Бунда бизга тааллуқли энг муҳим жиҳат шуки, режалаштирилган объект қурилишига сарфланадиган лойиҳа-сметадаги бюджет маблағлари идорамиз томонидан тасарруф этилади. Ўтган йили 3 та йирик объектнинг тўла-тўкис ишга туширилишига, 30 га яқинини эса қисман битказиб, фойдаланишга топширилишига эришдик.

Жорий йилда ана шундай муҳим иншоотлардан 16 таси қурилиш режасига киритилган эди. Йилнинг аввалида буларнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари бошланди ва давом этмоқда. Айтиш мумкинки, уларнинг ҳаммаси битгандан сўнг вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги тизимини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Бугун вилоятимиздагина эмас, республикамиз аҳли ҳам Норин тумани маркази ва қишлоқларда тупроқ юзига кўтарилган ер ости сувлари келтириб чиқарган муаммодан хабардор. Бу масала ўз пайтида "Қишлоқ ҳаёти" газетаси томонидан ҳам ўртага ташланган эди. "Ҳаққулобод - Наманган" йўли бўйидаги хўжаликларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун бошланган катта қурилиш битса, ушбу муаммонинг анчагина қисми ҳал бўлади. "Уйчиирқурилиш" ОАЖ бош пудратчи бўлган ушбу комплекс ҳам вилоят хўжаликлараро кенгашининг буюртмаси билан вужудга келмоқда. Лойиҳага биноан унинг ишга туширилиши билан 800 гектар захдан зарарланган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Қурилиш миқёси ва суръатини шундан ҳам билиш мумкинки, жорий йилда 93 миллион сўмга яқин капитал маблағ сарфлаш режалаштирилган эди. Амалда эса олти ойдаёқ 126 миллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Ҳозиргача Норинда 400 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 7 та сув ўтадиган жой битди, 3 дона тезкор захоб тўплагич ишга солинди, сув кўтариш иншоотининг лойиҳавий қувват билан ишлаши таъминланди. Комлекснинг электр таъминотини яхшилаш учун 2 та подстанция фойдаланишга топширилди, "Ҳаққулобод-Эльта" коллекторини насос станциясига улаш ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Мингбулоқ туманидаги Охунбобо-



ев номли каналдан сув олувчи янги иншоотда ҳам қурилиш суръати юқори. Жорий йилнинг февралида бошланган қурилишда 125,1 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиб, 122 минг кубометрдан зиёд тупроқ ишлари бажарилди.

## Бунёдкорлик

Биз буюртмачи бўлган Чуст туманидаги Резаксой сув омбори қурилишига шу йилнинг бошида қўл урилган. Лойиҳа бўйича бу ерда 660 миллион кубометргача сув тўпланади. Тўғоннинг баландлиги 114 метр, узунлиги 6,2 километр бўлади. Бу қурилиш комплекси секундига 40 кубометр сувни 97 метр баландликка кўтарувчи насос станциясини ҳам ўз ичига олади. "Наманагансувқурилиш" ОАЖнинг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бош пудратчи бўлган Резаксойда ҳозиргача катта миқдорда иш қилинди.

Тўрақўрғонда сатҳи 400 гектарлик Кенгкўлсой сел-сув омборида ҳам иш қизғин. Узунлиги 1336 метрлик тупроқли йўғон, Шимолий Фарғона каналига секундига 30 кубометр, "Арғин" каналига 7,3 кубометр сув берувчи икки канал ҳамда сув омборига Катта Наманган каналидан ташлама ҳам қурилади. 2003 йилда Кенгкўлсойнинг биринчи навбати учун 1,2 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш режалаштирилган.

Вилоятимизда Поп тумани ҳудудий жиҳатдан жуда катта салмоққа эга. Чодак массивидаги унумдор даштлар не замонлардан буён сувга ташна эди. Ана шу ерларни комплекс ўзлаштириш режаси тузилиб, уни амалга ошириш 1997 йилда бошланган. Қурилиш беш навбатда босқичма-босқич фойдаланишга топширилади. Етти йилда битказиш режалаштирилган ушбу объектнинг умумий қиймати 1991 йилги нархларда 225 миллион 423,7 минг сўм туради.

Комплексга кирувчи секундига 18,5 кубометр сувни 187 метр баландликка кўтариб берувчи уч босқичли "Марғизор" сув кўтариш иншооти қурилиши якунига яқинлашмоқда. Айни чоғда умумий узунлиги 30,5 километр бўлган, ўнг (12,7 км) ва чап (17,8 км) ирмоқдан иборат канал қурилиши ҳам давом этмоқда.

Комплексда иш бошлангандан буён ўтган даврда вилоят хўжаликлараро кенгаши томонидан 5 миллиард 1,7 миллион сўм бюджет маблағи етказиб берилди. Бунинг асосий қисми ёки 3 миллиард 979,4 миллион сўми "Марғизор" сув кўтариш иншоотида ўзлаштирилди. Бунда бош пудратчи - "Наманагансувқурилиш" очиқ акциядорлик жамиятининг улуши катта. Шунингдек, каналда 424,5 миллион ва электр таъминоти қурилиши бўйича 225 миллион сўмлик иш қилинди.

Ушбу комлекс бўйича жорий йилда "Марғизор" сув кўтариш иншоотининг ўзида 409 миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилади. Шуни айтиш жоизки, Чодак массивини комплекс ўзлаштириш ва суғориш тармоғи фойдаланишга топширилса, Поп туманида 16,5 минг гектардан зиёд янги ер ўзлаштириш имкони яралади, қарийб 6,9 минг гектар мавжуд экинзор ва боғларнинг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Натижада бу ерларга янги ишчи кучларини жалб қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш, замонавий турар-жой массивлари, инфратузилмалар яратиш мумкин. Энг муҳими бозор ва саноат учун янги хом ашё минтақаси вужудга келади.

Бундай хайрли ишларда кенгашимизнинг ўзига яраша хизмати борлигидан қувонамиз, албатта. Жамоамизда юзга яқин киши ишлайди. Мингбулоқ туманида 30 гектарлик ёрдамчи хўжалигимиз бор. Унинг даромади асосан ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда. Чунончи, ўтган йили ҳар бир ишловчига 300 килодан, кам таъминланганлардан 25 кишига яна 150 килодан арзон шоли бердик. Айни пайтда жамоамизнинг кайфияти байрамона, Истиқлолнинг 12 йиллигини кўтаринкилик билан қарши олдик. Зеро, у бизнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз.

# ВОРИСЛИККА САДОҚАТ

***Уйчи туманида донгдор, бели бақувват жамоани суриштирсангиз, Абдували Мўминов номли ширкат хўжалигини кўрсатишади, албатта.***

Дала чоғроқ, аммо одам шунчалар кўпки, ҳар туп ғўзага бир деҳқон десак бўлади. Машад ва Ўнҳаят аталмиш икки қишлоқ фуқаролар йиғинида 11 та маҳалла бор, сал кам 35 минг аҳоли истиқомат қилади. Мактаблар сони 10 тага яқинлаб қолди, 20 тача турли-туман ишхона, шифохона, тағин элнинг иссиқ-совуғи деган гаплар - бари хўжалик идорасида, раис ҳузурида ҳал бўлади.



Ўнҳаят гузарида мўйсафидлар гурунгининг устидан чиқдик. Кечагина Андижонга саёҳат қилиб, ҳордиғи чиққан миннатдор чолларнинг оғзидан хўжалик хусусида бол томарди. Не сабабданки, сафарга насибаси қўшилмай қолган Алимқул буванинг ичи куйса-да, сир бермай тагдор гап қилади:

-Кампиримни уйга ташлаб, Андижоннинг мойли палови томоғимдан ўтарканми?

93 яшар Мулла Аҳмад бува майин илжаяди:

-Йилтираган лабингизни бир ялатиб қўйсангиз кампирингиз ҳам баҳраманд бўларди-да, ҳожим. Ё унақанги...

Ўн чоғли қариянинг қаҳ-қаҳасидан темир чорпоянинг бели синай дейди. Дунёнинг ҳамма юмушини сўз билан уддалайдиган чолларнинг соқоли шўх селкиллайди.

-Бу чоллар - ёмон чоллар, - кўз қисади ҳамроҳим — хўжалик раиси Тоҳиржон.

Кулги узун-қисқа бўлиб тингач, гапимиз Яккатутга қадалди. Ҳамма тирик тарих Аҳмад буванинг оғзига тикилди:

-Қуйироқда Даҳи ота деган бир азиз ўтганлар. Шу зот Ўнҳаятимиздаги Овчи бува билан қалин биродар бўлиб, ҳар замон кўргани келиб турарканлар. Бир гал кечиккан Даҳи отадан Овчи бува боисини сўрабдилар.

-Дарёни қарамайсизми, шундай ёйилиб кетибдики, йўл юрмоққа илож йўқ.

Азбаройи дўстига жони ачиган Овчи бува асони азот кўтариб сувга ҳайбат қилибдилар:

-Салгина наридан оқсанг бўлмайдими-а?

Овчи бувадан андиша қилган Сирдарё ўн чақирим жойга четлаган, кеманинг арқони боғланадиган Яккатут эса даланинг ўртасида ёдгорликдай қаққайиб қолган экан.

Мен савол бераман:

-Ўша тутга кема боғлашгани ростмикан-а?

Китоб кўрган қария бош ирғайди:

-Ишониш керак, ўғлим. Азизлар худо эмас, худодан жудо эмас, деган гап бор. Бир куни Шоҳи Машраб эшак билан дарёдан ўтмоқчи бўлсалар, кемачи қўймабди.

## Ибрат

Оғринган шоир эшакни сувга ниқтаб, дарёдан омон-эсон ўтган ва шеър айтган эканлар:

*Кемачи кемангга олма —*
*кўнглимга ғам бўлдими?*
*Эшагимни сувга солдим —*
*тўкими нам бўлдими?*

Алқисса, отахонларнинг пурмаъни гуфтигўлари мақола тугул бутун бошли китобга ҳам ё сиғмайди, ё сиғар. Шундоқ бўлсада, кўзғалар чоғимизда қўлларнинг дуога очилганини, юрту эл ва Президентимизга тинчлик, хотиржамлик, тани-сиҳатлик тилангани, эзгу тилакдан Тоҳиржоннинг марҳум ота-оналари ҳам насибалор бўлганини айтсак эзмалик саналмас.

Тоҳиржондан аввалроқ укаси Рустамжон Исматуллаев раис эди. Бугун у биродари 6-7 йил бурун бошлаган, ундан ҳам илгари Абдували Мўминов, Ортиқбой Кўчқоров, Набижон Абдуллаев каби раҳматли инсонлар пойдеворини қўйган эзгу ишларни давом эттирмоқда. Раис билан дала айланарканмиз, 8-бош пудратнинг тўққиз гектарлик пайкалида деҳқонлар билан "ҳорма-бор бўл" қилдик. Қўли-қўлига тегмай, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам жиққа терга ботирган жиккаккина жувон билан сўзлашгимиз келди. Насибахон Пирматова экан.



-Шаҳарга келин бўлганман, - дейди у. — Мен ўсган дала қайдаю каталакдай "дом" қаёқда? Чидолмай хўжайинимни қишлоққа ундадим, у кишиям қарши туролмадилар. Ширкат хўжалиги ер, ёғоч берди, иморатимиз битиб қолди. Аввалги йили пахта териб, пулига олинган (52 минг сўмга) бузоқни ўтган йили 340 мингга сотдик, қурилишнинг кам-кўсти бутланди. Ўтган йили пудратимга 40 кило ёғ, 400 кило ем беришди. Бу оиламизга бир йилга бемалол етади. Мен далада ишлаб нолийдиганларга тушунолмайман. Ишлаш керак, ишлаган одам қуруқ қолмайди, бунга ишонаман...

Эгри ўтириб, тўғри сўзлаш керакки, Насиба ишлаётган тарафларнинг тупроғи соз, суви тайин. Аммо қуйироқда жойлашган тўртта бош пудратда ундай эмас. Ёз кезлари ернинг бетига чиқиб олувчи туз ҳатто шолини қуритади.

Ўтган йили Фотима опанинг ўша шўрдаги пахтаси пишган кезлари қуда тараф тўйининг қистовига ўтди.

-Бир ой пахта тераман, 15 сентябрда режамни бажараман, ундан сўнг 20 сентябрга тўй, иншооллоҳ.

Ният холис, худди шундай бўлди. Икки гектар нобоп ердан 7,5 тонна пахта топширган Фотима Сайдуллаева 200 минг сўм иш ҳақини белга боғлади, енгни астойдил шимарди. Ана ундан у ёғи ўзингиз билган ўзбекнинг тўйи...



Бу сўзларда заррача лоф йўқ ва мақсад кимнидир кўкларга кўтариш ҳам эмас. Гап - меҳнат самараси кўриниши учун деҳқоннинг ҳақи вақтида берилиши зарур экани-да. Биз тилга олган аёл битта пайкалда 33 йилдан буён ишлайди. Тўққиз фарзанди билан бева қолган, эри битта тўй кўрмай оламдан ўтган. Бошқа иши бўлмаган она даланинг, пахтанинг орқасидан беш етимни уйлади. Бу йилги йиғим-теримни олгач, тағин тўй қилмоқчи, иложини топса тўй қўшалоқ: қизни узатади, келин олади. Кейин ўтган йилгидай санаторийга бориб, гипертониясини даволайди. Йўлланмани хўжалик беради ва бепул, албатта.

Ширкатнинг машина-трактор саройини таърифлаб ўтирмай, республика семинари айни шу ерда ўтганини эслаш кифоя. Тўққиз бош пудратнинг дала шийпони шаҳарнинг бойваччалари яшайдиган ҳовлиларни эслатади. Фақат қўрғонию дарвозаси йўқ холос. Уларни ички имконият лар ва икки қишлоқнинг ҳунарпешалари зийнатлаган. Шийпонларда маънавият хоналари, болохоналар, музлатгич ва мебеллар, радио-телевизор, рация, тандир, иссиқхона. Бир тахта жойда боғ ва резавор, сигир ва парранданинг маҳсулоти деҳқон дастурхонида муҳайё.

"Меҳнат Шуҳрати" ордени нишондори Абдужаббор Даламирзаевнинг бош пудратида бир пиёла чой ичиб, нафас ростлаган бўлдик. Елпиниб яхна хўплаётган Каримжон ака Акромов 45 йилдан бери сувчилик қилар экан. У узатган шиннидай қуюқ фамил чой ичида муштдай "дур" новвот бор эди. Ҳайратимни яширолмадим:

-Новвот чой-ку?

Негаки, новвот, ҳинд чойи, асал деган неъматларни дала шийпонида ҳалеганда учратган эмасман.

-Ана яшик тўла, - қўли билан ишора қилди кекса деҳқон. — Сув деганингиз совуқлик бўлади, мухбир ука, сувчи одамга худонинг берган куни бир калла новвот зарур. Бўлмаса илигимиз оқиб кетади-да.

-Далада новвотчойга буғдой нонни бўктириб еганга қази-қартаям керакмас, - суҳбатга қўшилди. Адашали ака Холмирзаев. — Аммо локигин буғдой нонни кетмон чопган азаматга чиқарган.

Шу даланинг ўзида етиштирилиб, шийпондаги тандирда ғўзапоянинг қўрига пишган буғдой ноннинг мазаси ҳам бўлакча эди. Бу йилги ҳосилга 62 пудратчининг пешона тери томди, ялпи хирмон 1352 тоннадан ошди, минг тоннаси давлатга сотилди. Пудратчиларнинг 150 тонна ҳақи уймауй тарқатилган. Яна ўн тонна етим-есир, бева-бечорага. Тармоқнинг ўзидан 105 миллион сўм даромад келди, рентабеллик 50 фоиздан ошди. Булар бари яратилган шароитнинг, уруғлик ҳосил етиштиришга эътиборнинг, меҳнат қадрлангани ва юқори манфаатдорликнинг; ширкат усулининг қувончли самараларидир.

-Энди гал пахтамизга, - дейди Тоҳиржон Исматуллаев. — Асосий ҳосил пишди ҳисоби, адирда очила бошлаганига анча бўлди. Хирмон жой, тош-торози, этак-қоп тахт. Ҳар йилгидай ҳашарчиларсиз териб олишга ҳамма имкониятимиз бор. Худо хоҳласа, теримни бир ойда якунлаймиз.

Раис бу гапни ер ва элнинг имконига суяниб айтдики, асосли сўз ерда қолмайди. Мўлжал 1300 тонналик "оқ олтин" хирмони яратишки, бу ҳар бир гектар бошига 35 центнердан дегани. Агар шунча ҳосилни Абдували Мўминов номли жамоанинг далаларига ёйилса борми, лўмбиллаган пахта тизза бўйи бўлади. Ана шундай кунлар арафасида қалам аҳлидан иккитагина сўз лозим холос:

-Хирмонларингизга барака!

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

# БЕРГАН ИМКОН

япти. "Учсой газ конденсат сепарат"и фойдаланишга топширилиб, ҳар куни 25 тоннагача газ конденсати чиқарилаяпти.

Туманда қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик икки йилдан буён яхши ривожланмоқда. Шунингдек, ҳайвонот ва табиат оламини сақлаш, кўпайтириш мақсадида хорижлик ҳамкорлар билан фойдали шартномалар имзоланиб, "Ўзбекистон – Америка – Россия", "Орол-Инвест", "Қорақалпоғистон – Хитой", "Орол Артемия Компани" қўшма корхоналари самарали иш олиб бормоқда. Орол денгизининг қуриган қисмидан зарарли чанг-тўзонлар кўтарилмаслиги, қум кўчишининг олдини олиш мақсадида германиялик мутахассислар иқлимбоп ўсимликларни экишиб, ўзига хос "яшил белбоғ" яратмоқда.

Мўйноқда энг муҳим ва ҳаётий масала – экологик ноҳуш шароитда яшаб, меҳнат қилаётган инсонларга ғамхўр-



лик кўрсатиш, қулай шарт-шароитлар яратиб бериш изчил ҳал этилаяпти. Айниқса, ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб ўсиши, билим сирларини эгаллаши йўлида ҳам ибратли ишлар адо этилиб, ўқув ўринларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланаяпти. Мўйноқ шаҳридаги саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида бошқа тумандардан ҳам ёшлар келишиб, нефт ва газ бурғилаш мутахассислигини эгаллаш учун машғулотларни бошлаб юборишди.

*Қорақалпоғистон Республикасида Мустақилликнинг 12 йиллигини муносиб тарзда кутиб олиш умумхалқ ҳаракати уюшқоқлик билан бошланган эди. Бугун Қўнғироту Қонликўл шоликорлари, Бузатов ва Тахтакўпир чорвадорлари, Хўжайли ва Тахиатош саноатчилари, 70 йиллигини нишонлаётган Нукус шаҳри транспортчилари, хуллас барча-барча ерда байрам шодиёнаси авжида. Тантаналар давом этмоқда. Зеро, кўп ва хўб эзгу юмушларни адо этган, эл-юрт жамолини кун-кундан гўзал қилаётган инсонларга байрамлар, тантаналар ярашади!*

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА),**
**Б.ОЛЛОБЕРГАНОВ**
**олган суратлар.**



## ОВУЛДА МИНИ-БАНК

Аграр соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг молиявий воситачиси бўлиб хизмат қилаётган акционерлик тижорат "Пахта Банк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси катта нуфузга эгадир. Негаки, бошқарма ўзининг 5494 та, шу жумладан, 1400 юридик ва 4094 жисмоний акциядорларига эга бўлиб, уларнинг сотиб олган акция миқдори 727,4 миллион сўмни ташкил этади. Акциядорлар табиийки, ҳар йили ўзларига тегишли бўлган дивидендларни олиб келмоқдалар.

-Қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришлар "Пахта Банк"дан унга нисбатан янгича ёндашувларни, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг бозор муносабатларига хос янги усул, тартиб-қоидаларини жорий этишни тақозо этади, - дейди бошқарма бошлиғи Маҳмуд Жалелович Муятдинов.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу банк бир қатор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ишларини олиб бориб, фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликларини ривожлантириш учун зарур бўлган кредит ресурслар базасини доимий равишда кенгайтириб бормоқда. Хусусан жорий йилда Жаҳон банки кредит линияси ҳисобидан Элликқалъа туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун мўлжалланган мақсадларга 600 минг АҚШ долларига тенг миқдорда кредит линиялари очди. Шу ҳисобдан тумандаги фермер хўжаликларига 98 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, бу ишлар ҳозир ҳам яна давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикасининг 51 қишлоқ хўжалиги субъектларига, жумладан, 29 фермерга, 22 ширкатга, ҳаммаси бўлиб 740,9 миллион сўм лизинг йўли билан кредит берилди.

-Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига банк хизматини яқинлаштириш мақсадида 9 та туман бўлимларимиз таркибида 17 та мини-банк шохобчаларини очдик. Илгари мижозлар шаҳарларга, туман марказларига қатнашарди. Эндиликда банк уларга тобора яқинлашмоқда. Катта овулларнинг ўзида мини-банклар ишлаяпти. Уларда мижозлар учун қулай шароитлар яратиб, ҳисоб-китоблар тизимининг илғор усулларидан фойдаланилмоқда. Ҳисоб-китоб, пул ўтказиш ишлари бўйича сифатли, тезкор хизматлар, жисмоний ва юридик шахслардан юқори фоиз ставкаларида депозитларга бўш маблағларни қабул қилиш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш, лизинг, факторинг, консалтинг сингари банк хизматлари кўрсатмоқдамиз, - дейди Маҳмуд Муятдинов.

Табиийки, аҳолининг бўш маблағларини банк жамғармасига жалб қилиш масаласи "Пахта Банк"нинг устивор вазифалари қилиб белгиланган. Бу борада жорий йилнинг биринчи ярмида аҳолининг 565,5 миллион сўм миқдоридаги бўш маблағлари банк жамғармасига жалб қилиниб, улар ҳисобидан халқ хўжалик субъектларига тегишли тартибда кредит берилмоқда.

Шу жумладан, банк томонидан омонатларнинг 6 тури жорий қилинган бўлиб, уларнинг фоиз ставкалари омонат турларига қараб 30-54 ва 60 фоизгача қилиб белгилаб қўйилган.

17 та туман бўлимида ва 9 туман бўлимларида ташкил қилинган 17 та мини-банкларда ишлар яхши йўлга қўйилган. 7220 мижозга ҳар тарафлама банк хизматлари кўрсатилмоқда. Уларнинг ичида 150 ширкат, 2295 фермер, 554 деҳқон хўжалиги, 2642 кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва бошқа корхоналар бор. 2000-2002 йилларда 1853 фермер, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва тадбиркорларга 2429,4 миллион сўмлик кредит ажратилганди. Бундай кредитлар жорий йилнинг олти ойида 230 субъектга 633,4 миллион сўм миқдорида берилди.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**


АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
"ПАХТА БАНК"НИНГ
ЭЛЛИКҚАЛЪА БЎЛИМИ

Жамоаси мамлакатимиз меҳнаткашларини

Мустақилликнинг 12 йиллик байрами билан

самимий табриклайди,

барчага бахт-саодат,

СОҒЛИК, тинч-тотувлик тилайди.




# ОРОЛ БЎЙЛАРИДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

***Амударёнинг қуйи қисмида, Орол бўйларида жойлашган туманлар фақат Қорақалпоғистон Республикасида эмас, балки мамлакатимизда ҳам ўзига хос ўринга эга.***

Шимолий минтақадаги бу кенг ҳудудда деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари ривожланган. Хўжайли, Қонликўл, Қораўзак ва бошқа туманлар меҳнаткашлари кейинги йилларда Орол муаммоси билан боғлиқ қийинчиликларни енгишга, сув танқислиги сабабли юзага келган асоратларни имкон қадар камайтиришга ўзларининг билим, куч ва ғайратларини сафарбар этмоқдалар. 2000-2001 йилларда қурғоқчилик бўлганлиги бошқа минтақалар қатори бу ҳудуд аҳолисини ҳам қийин аҳволга солиб қўйганди. Ўтган йили ва бу йил Амударёда сув нисбатан кўпайиб, Оролбўйидаги туманларга ҳам оби ҳаёт аввалги даврдагига нисбатан кўпроқ етиб борди. Бу деҳқончилик соҳасидаги ишларни изга солиш, кўпроқ ҳосил олиш имкониятини яратди.



Хўжайли тумани деҳқончилик, тадбиркорлик ва бошқа соҳаларда кўп йиллик анъаналарга эга. Туман ризқрўз яратувчилари, ишбилармонлари ана шу йўналишлардаги ишларни изчиллик билан давом эттирмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва ҳашаротларига қарши курашишда туманда яхшигина тажриба тўпланган. Ҳаракатчан мутахассис Айша Маткаримова етакчилик қилаётган биологик усулни қўллаш лабораторияси ходимлари хўжаликларнинг энтомолог-агрономлари билан биргаликда ҳашаротларга қарши кураш олиб бормоқдалар. Ҳозирги пайтда туманда 8 та биолаборатория ишлаб турибди.





Йирик хўжаликлардан ҳисобланган "Найман" ширкати кўпгина ибратли жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу ерда пахтачилик, ғаллачилик билан бир қаторда чорвачилик, боғдорчилик яхши ривожланган. Хўжалик ғаллакорлари бу йил давлатга 272 тоннадан зиёд дон, шу жумладан, 38 тонна уруғлик сотишга муваффақ бўлдилар.



-Пахтакорларимиз ҳам юқори хирмон кўтаришга астойдил интилмоқдалар, - дейди ширкат раиси Ускинбай Отегенов. – Бу йил 3030 тоннадан зиёд пахта сотишга бел боғлаганмиз. Қутлимурат Пирманов, Норгул Римова, Қизларгул Атамуратова, Тожибой Жамуратов каби хўжалик аъзолари бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Хўжаликдаги ўн икки хил мевали дарахтлари бўлган 15 гектар боғ узоқ муддатга миришкорларга ижарага берилганлиги эътиборга молик. Бу боғбонларга ва хўжаликка катта наф келтирмоқда.

Туманда фермерлик ҳаракати ҳам кенг қулоч ёйган. Янгибой Мингбоев етакчилик қилаётган "Оқ олтин" фермер хўжалиги пахта ҳосилдорлигини йилдан-йилга ошириб бормоқда. Чунончи, улар ўтган йили қийин шароитда 25 центнердан ошириб хирмон кўтаришган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткични 30 центнерга етказишни кўзлаб туришибди. Амансултон, Гулшод, Сумбул Мингбоевалар дала юмушларини адо этишда фермер хўжалиги соҳибига мададкор бўлишяпти.

Тадбиркорлар учун зарур имкониятлар яратилаётганлиги туфайли улар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ишбилармон Улуғбек Сатбаевнинг "Саратон конфи" хусусий корхонасида қандолат ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айхан Саъдуллаева, Ғунша Аметова, Сагидулла Абдикаликов сингари ишчиларнинг меҳнати билан қисқа муддатда 75 тонна макарон, 47 тонна қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди.

"Дамир-Вестон" хусусий савдо корхонаси ҳам оёққа туриб бормоқда. Бу ерда икки хил печенье, уч турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.

-Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулотлар турини янада кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, - дейди корхона соҳиби Ваҳиджон Байниязов. – Сабир Аллаяров, Адил Сафарбаев, Эркин Ермикбаев каби мутахассисларимиз билан биргаликда янги турдаги қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чораларини кўраяпмиз.

Хўжаликлар, хусусий корхоналарнинг иқтисоди мустаҳкамланаётганлиги туманда ободончилик, қурилиш ишларини кенгайтириш имконини бераяпти. Кўплаб бинолар барпо этилмоқда, йўллар созланаяпти. Мустақиллик байрами арафасида 600 ўринли замонавий коллеж қурилиши ниҳоясига етказилди. Бу Истиқлол байрамида Хўжайли тумани ёшлари учун ажойиб тухфа бўлди.

### Амударё тумани:

## ЗАМОН – ТАДБИРКОРНИКИ!

Амударё - Қорақалпоғистон Республикасининг йирик, катта иқтисодий имкониятга эга туманларидан бири. Туманда бир неча тош қазиб чиқариш корхоналари, ип-йигирув фабрикаси ҳамда бошқа саноат, қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда фермерликни ривожлантириш бўйича кўпгина ишлар қилинди. 13 та ширкат негизида фермер хўжаликлари тузилди. 565 фермер хўжалиги тасарруфида 21,5 минг гектар ер бор. 13 та муқобил МТПлар фермер хўжаликларига доимий равишда техник хизмат кўрсатиб келмоқда.



-Қишлоқда мулкдорларни вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш тармоқ равнақига хизмат қилади, - дейди туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев. – Шу боис тараққиёт омили ҳисобланган фермерликни ривожлантириш айни муддаодир.



Туманда ерга меҳр қўйиб, қишлоқ хўжалигида ўзгариш яратаётган фермерлар анчагина. Ибодулла Хўжаметовнинг "Сафохўжабобо" ҳамда Мансур Хўжаметовнинг "Азимбой-хўжа" фермер хўжаликлари шулар жумласидан. Ота-бола фермерлар ҳар йили пахта ва буғдойдан юқори ҳосил олиб келмоқдалар.

Фермер хўжалиги ихтиёрида 6 та замонавий трактор бўлиб, МТП хизматига зарурат йўқ. Ота-бола фермерлар 44 нафар ишчини моддий таъминлаш билан бирга ўз фойдасидан туманда ўтказилаётган турли тадбирларга ҳам хайрия қилишади. Чунончи, иккита мактабни таъмирлаш учун 600 минг, байрамларни нишонлаш учун 500 минг сўм хайрия қилдилар.

Тумандаги "Ташяп" ширкатида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Барча экин майдонлари оилавий пудратчилар тасарруфига берилган бу хўжаликда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида яхши натижаларга эришилмоқда. Чунончи, бу йил давлатга 134 тоннадан зиёд ғалла сотилди.

-Моддий манфаатдорликни яхши йўлга қўйиш билан бирга техника воситалари етарли ва соз бўлишига эътиборни кучайтирмоқдамиз, - дейди ширкат раиси Бахтиёр Жуманов. – Хўжалигимиз пахтакорлари бу йил 500 тоннадан зиёд "оқ олтин" етиштиришга азму қарор қилишган. Шу соҳанинг ўзидан 46 миллион сўмдан зиёд, барча тармоқлардан эса 92 миллион сўмдан ортиқ даромад кўришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Туманда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қисқа муддатда 64,2 км узунликдаги ичимлик суви тармоғи ишга туширилди.

Халқаро инвестициялар ҳисобидан Хитой геомуҳандислик корпорацияси томонидан Қиличбой, Дўрман овулларидаги ерости артезиан манбаларидан сув етказиб берувчи иншоотлар капитал таъмирланди.

Тадбиркорлик ривожланаётганлиги туфайли 300 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Ишбилармонларга 75 миллион сўм кредит берилганлиги уларга мадад бўлди.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**Дамехон МЕДЕТОВА.**

Интилиш

# ДЎСТЛИК ТУМАНИ:
# ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД

***Муаррихларнинг қадим китобларида Мирзачўл тилга олинса-да, унинг ўзлаштирилганига унчалик узоқ вақт бўлгани йўқ. Ўтган қарийб ярим аср ичида инсон бунёдкорлиги, жасорати нималарга қодирлигини Дўстлик туманида кўриш мумкин. Неча юз йиллар давомида заминида янтоқ ва шўрадан бошқа гиёҳ битмаган ушбу масканда барпо қилинган гўзал шаҳар ва қишлоқлар, ям-яшил боғлар инсон меҳнатининг мўъжизасини кўз-кўз қилиб турибди.***

Мирзачўлни гулистонга айлантиришга келган турли миллат ва элат вакилларининг бир тан-бир жон бўлиб ишлаши ўз мевасини берди. 1970 йили чўл бағрида ўз номига мос Дўстлик тумани ташкил топди. Бугунги кунга келиб Дўстлик Жиззах вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган энг йирик туман ҳисобланади. Чунки бу ерда нафақат қишлоқ хўжалиги балким саноат ҳам вилоятдаги бошқа туманларга нисбатан ривожланган.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёни Дўстлик туманида ҳам дастлаб қийин кечди. Бундай пайтда истиқлол берган имкониятдан оқилона ва тадбиркорлик билан фойдалана оладиган инсонлар керак бўлди. Бозор иқтисодиётида боқимандалик кайфиятига барҳам бериш лозимлигини кўпчилик англаб етди. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўтказила бошланди. Экин майдонларининг 90 фоизи фермер хўжаликларига бўлиб берилди.



Саъй-ҳаракатлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Қаторасига уч йилдан буён туман деҳқонлари давлатга пахта ва ғалла сотиш шартномавий режаларини вилоятда биринчи бўлиб уддалаб келмоқдалар.

Даромадга қараб буромад дейдилар. Туман иқтисодининг яхшиланиши ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларни ривожлантиришга замин яратди.

Ҳозир туманда тиббиёт билим юрти, бизнес мактаб, иқтидорли болалар лицей-интернати, мусиқа, спорт мактаблари, "Фарҳод" кинотеатри, 8 та маданият саройи, 17 та кутубхона, марказий шифохона, 12 та даволаш пунктлари ва яна бошқа кўплаб савдо ва маиший муассасалар фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири халқ маорифининг ўсишидир. Туманда халқ таълими соҳасида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Мактаблар 18 тага, ўқувчилар



сони 12458 нафарга, болалар боғчаси 18 тага, тарбияланувчилар сони 2880 нафарга етди. Кейинги уч йил ичида 1060 ўринли 3 та мактаб, 3 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Ўнлаб мактаблар, болалар боғчалари ҳашар ва бюджет маблағлари ҳисобига таъмирдан чиқарилди. Баъзи туманларда болалар боғчаларига тўлов пуллари ошганлиги туфайли болалар қатнови кескин камайган бўлса, Дўстлик туманида боғчага қатновчиларнинг ўсиш суръати юқори.

-Бундай ютуқларнинг сабаби нимада? – деб сўраймиз туман халқ таълими мудири Жонузоқ Соибовдан.

-Бошқа жойлардаги каби бизнинг туманда ҳам тўрт-беш йил илгари боғчаларга болалар қатнови пасайиб, улар ёпилиб, қаровсиз қолган бинолар ва жиҳозлар талон-торож бўла бошлаган эди. Кейинги уч йилда болалар боғчалари тўлиғича халқ таълими тасарруфига ўтказилган. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли "Шодлик", "Лола", "Баҳор", "Саодат" болалар боғчалари қайта таъмирланиб, ҳашар йўли билан жиҳозланиб, ҳозир уларда 600 дан зиёд кичкинтойлар тарбияланмоқда.

Болаларга бўлган эътибор эртанги кунга бўлган эътибор, мустақил Ўзбекистонимизнинг эртаси шу беғубор қалбли, орзулари бир олам фарзандларимизга боғлиқ.

Халқ таълими тизимида 745 нафар олий ва ўрта махсус маълумотга эга ўқитувчилар меҳнат қилишади. Шундан 2 нафари – "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби, 2 нафари – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, 1 нафари – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, 3 нафар педагог – "Шуҳрат" медали билан тақдирланган, 21 нафари Ўзбекистон халқ таълими аълочисидир.



18 та мактабнинг ҳаммаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, компьютер, лингафон хоналари, спорт заллари, ўқувчилар учун зарур қулайликлар мавжуд. Мактабларнинг деярли барчасига туман ҳокимининг қарорига асосан унумдор ерлардан ажратилган. Мамажон Дададжонов номидаги 4-ўрта мактаб қошида ташкил этилган "Орзу" командаси 2002 йилда "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақасида қатнашиб, республика чемпиони бўлди.

Иқтидорли, билимга чанқоқ, фан ва спорт мусобақаларида вилоят ҳамда республика миқёсида ўз билимини синаган ўқувчилар талайгина. Эришилаётган ютуқлар албатта заҳматкаш устозларнинг беминнат меҳнат самарасидир.

* * *

Ҳар бир инсон саломатлигини муҳофаза қилиш тиббиёт ходимларининг муқаддас бурчи. Дўстлик туманида ҳам ўнлаб шифо масканлари бор. Ўз ишининг моҳир усталари бўлган юзлаб тиббиёт ходимлари беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу йўналишда фаолият кўрсатаётган марказий шифохонанинг туғруқхона бўлими замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда малакали шифокорлар фаолият кўрсатишяпти. Эллик ўриндан иборат бу бўлимга тажрибали акушер-гинеколог Толибжон Худоёров бошчилик қилмоқда.

Тиббиёт ходимлари аёллар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришаётир. Камқонли ва турли касалликларга чалинган аёлларни даволаш доимо диққат марказида. Соғлом авлодни дунёга келтиришда бу саъй-ҳаракатлар қўл келмоқда. Туғруқхона бўлимига келган аёлларга барча шарт-шароитлар яратилган. Улар даволанишлари учун 50 фоиз дори-дармонлар касалхона ҳисобидан берилади. Шунингдек, касалхона қошидаги дорихонада 72 турдаги дори-дармонлар тайёрланиб, беморларга бепул берилади.

Қишлоқларда янги врачлик пунктлари қурилаётир, эскилари қайта таъмирланиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилаётир.

* * *

1957 йили Россиянинг Ставропол ўлкаси Георгиев туманидан йўлланма билан Ўзбекистонга келиб, Ғаллаорол туманида рус тилидан дарс бера бошлаган Людмила Ивановна Чефранова юртимизда бахт топган аёллардан. Ўзбек халқининг меҳрибонлиги, меҳмондўстлиги Людмилага жуда ёқди. У шу ерда Ҳожи Қултоев билан танишди ва турмуш қуришди. 5 нафар фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли. Ҳожи ака ҳам тажрибали педагог. 25 йил ёш авлодга математикадан сабоқ берган бўлса, Людмила опа нафақат оилада турмуш ўртоғига елкадош, балки иш жараёнида ҳам бир-бири билан тажриба алмашиб келишди. 1973 йилда улар Дўстлик туманига кўчиб келишиб, чўлқуварларнинг болаларига таълим бера бошлашди.

Людмила опа фарзандлари Лола, Дилором, Гулбаҳор, Ғофур ва Ботиржонларни шарқона тарбия қилган, одоб-ахлоқдан аввало фарзандларига сабоқ берган. Келинлари Моҳидил, Шоирахонлар ҳам педагог.

-Турмуш ўртоғим Ҳожи ака ҳаж сафарига бориб келганларидан кейин мен ҳам намоз ўқишни ўргандим. Ўзбек оиласининг аввало меҳр-оқибатлилиги, катталарга бўлган ҳурмати, қолаверса, қизларининг иболи эканлиги менга ёқади, - дейди онахон.

Л.Чефранова ўтган йиллар давомида илмий мудир, мактаб директори, боғча мудираси бўлиб ишлади. Ҳозир 14 неваранинг севимли бувижони Людмила опа меҳнатидан бахт топган аёллардан.

* * *

Дўстлик туманида санъатга ихлос қўйганлар кўп. Шукуржон Ваққосов ўзининг алоҳида ўрнига эга. У нафақат туманда, балки вилоятда ҳам танқли хонандадир.

У 1990 йили ёш хонандаларнинг республика "Камолот" кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритган. 1999 йили Жиззах вилоятида



ўтказилган эстрада хонандаларининг кўрик-танловида фахрли биринчи ўринга сазовор бўлган.

Шукуржон Ваққосовнинг ўндан зиёд ашулалари республика телевидениеси ва радиосининг олтин фондида сақланмоқда.

1997 йили Дўстлик шаҳрида ташкил этилган "Ваққосовлар оилавий дастаси" туман, вилоят ва республика миқёсидаги байрамлар, оммавий тадбирлар ва кўрик-танловларда қатнашиб, мухлислар эътирофига сазовор бўлмоқда. У 1998 йили "Оила йили"га бағишлаб ўтказилган республика оилавий ансамбллар кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни қўлга киритган. Жамоа ўз репертуарини мумтоз, замонавий ҳамда оммабоп халқ қўшиқлари билан бойитиб бормоқда.

* * *

Бугунги кунда замонавий техникаларсиз қишлоқ хўжалигида кўзланган ютуққа эришиб бўлмайди. Туман машина-трактор парки ҳиссадорлик жамияти деҳқонларнинг энг яқин кўмакчиси бўлиб келаётир.

Ўзидаги мавжуд 340 та техника билан қишлоқ хўжалиги корхоналарига механизация хизматлари кўрсатмоқда. 26 та "Магнум" ер ҳайдов тракторлари, 24 та "Кейс" ғалла ўриш комбайнлари, 52 та "Кейс" пахта териш машиналари, 177 та чопиқ тракторлари ва 61 та бошқа турдаги техника воситалари билан 1066,5 миллион сўмлик механизация ишларини бажариш учун шартномалар тузилган. Бу йил 905 фермер хўжалигига қарийб 1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилади.



Жамиятда меҳнат қилаётган 204 нафар ишчига моддий ёрдам тариқасида тушлик учун маблағ ажратилган. Корхона фойдаси ҳисобидан туманда яшовчи 5 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда чернобилчиларга ҳомийлик қилиб келинмоқда.

* * *

Мамажон Дададжонов номли ижара ширкатлар бирлашмаси 1972 йил ташкил этилган бўлиб, 4500 гектар экин майдонига эга. Хўжалик қатор йиллардан буён давлатга ғалла ва пахта топшириш режаларини мунтазам бажариб келади. 2300 гектарда пахта, 2000 гектарда эса ғалла етиштирилади. Бирлашмада юз фоиз ер ўз эгаларини топган, яъни ижарачи деҳқонларга ва фермер хўжаликларига бўлиб берилган. Уларнинг 60 фоизида ерга ишлов бериш учун техника воситалари мавжуд. Хўжалик чўл шароитида ҳар йили пахтадан ўртача 28-30 центнердан, ғалладан эса 40 центнердан ошириб ҳосил олиб, йиллик топшириқни ортиғи билан уддалаб келмоқда.

Хўжалик ҳудудида 2 та мактаб, битта болалар боғчаси, деҳқон бозори, савдо шохобчалари мавжуд. Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Пойтахтдан келган санъаткорлар, шоирлар ва ёзувчилар иштирокида чўлқуварлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилиши уларнинг маданий дам олиши учун яна бир замин яратади. Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтилмаган.

Тумандаги илғор хўжаликлардан яна бири "Навбаҳор" ижара ширкатлар бирлашмаси ҳисобланади. Файзиқул Мустафоқулов бошқараётган бу хўжалик 780 гектар ер майдонига эга. 420 гектар ер майдони фермер хўжаликлари тасарруфига берилган. Хўжалик 2000 йилдан бери ғалла ва пахта режаларини изчил бажариб келмоқда.

Дўстлик шаҳрини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда бу хўжаликнинг ҳиссаси катта. Мавжуд 350 минг мевали ва манзарали дарахтлар шаҳар кўркига кўрк қўшиш билан бирга экологияни яхшилашига замин яратади. Хўжаликнинг ёрдами билан мактаблар, хиёбонлар, коллежлар, шифохоналар теварак-атрофининг бугунги файзи ўзгача.

* * *



Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳам ўзига, ҳам давлатга катта фойда келтираётган тадбиркор фермерлар туманда талайгина.

-Оиламиз катта, - дейди "Гулнора" фермер хўжалиги етакчиси Қаршибой ака Искандаров. – Бу кўп ишларни ўз кучимиз билан адо этиш имконини беради.

1998 йил ташкил этилган "Гулнора" фермер хўжалигининг 50 гектар ери бор. 12 гектарида ғалла, 38 гектарида пахта етиштирилди. Ғалладан 27 ўрнига 42 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 36 тонна ғалла топширилди. 20 тонна ғалла фермер хўжалиги ҳисобида қолдирилди.

Хўжаликдаги МТЗ-80 трактори билан кўпгина юмушлар адо этиляпти. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 25-30 минг сўмни ташкил этади. Илғор ишчилардан И.Ботиров, М.Қораев, У.Қаландаров, Д.Искандаровлар хўжалик иши бароридан келишига катта ҳисса қўшишмоқда.

-Ўзим олий маълумотлиман, янгангиз маданият техникумини битирган. Шу боис фарзандларнинг ўқимишли бўлишини истаймиз, - дейди фермер Қаршибой ака Искандаров. – Тўнғич ўғлим Баҳодир Тошкент политехника олийгоҳини тугатиб, 1992-1995 йилларда Туркиянинг Измир шаҳридаги олийгоҳда ўқиб, қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис бўлди. Тошкентдаги пахта толасини анализ қиладиган қўшма корхонада муҳандис бўлиб ишлайди. Баҳром Бишкек Давлат университетининг технология факультетини тугатган. Қизим Гулжаҳон Тошкент Давлат техника университетининг технология факультети битирувчиси, Гулчеҳра қизим ҳам шу факультетнинг 2-курс талабаси, Гулнорахон мактаб ўқувчиси.

Бир йилда оиламиз даромади 2-2,5 миллион сўмни ташкил этади. Келгусида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчи ўринларини кенгайтириш, тасарруфимизда бўлган бинони таъмирдан чиқариб, 50 нафар ишчи ўрни яратиш режамиз бор, - дейди тажрибали фермер Қаршибой ака. "Гулнора" фермер хўжалиги қишлоқ даволаш





пункти ва мактаб таъмири учун маблағ ажратди. Учта кам таъминланган оилага ҳомийлик қилмоқда.

-Республикамизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Дўстлик туманида ҳам мустақиллик қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди, - дейди туман ҳокими Сайфиддин Исмоилов. - Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида одамларнинг меҳнатга муносабати тубдан ўзгара бошлади. Мулкчилик турли шаклларининг қарор топиши қишлоқ аҳлида соҳиблик туйғусининг ўсишига, ишга нисбатан янгича муносабатларнинг шаклланишига тез таъсир кўрсатди.

Туманда қандай ютуқларга эришилаётган бўлса, бу аввалам бор Мустақиллигимиз шарофати ва халқимизнинг Ватанимиз порлоқ келажагига ишончидир. Шу ишонч уларни бугун кечагидан, эртага бугунгидан-да яхшироқ ишлашга даъват этади.

**Нодира ҚУДРАТОВА**

# ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

***Ёш авлод қалбида мустақил Ватанимизга садоқат, меҳнатга, касб-ҳунарга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг роли катта. Хива туман халқ таълими бўлими мудири Мадраҳим Отажонов билан бўлган суҳбатимиз ана шу ҳақда.***

-Халқ таълими бўлимига қарашли тўртта мактабдан ташқари муассасалар бўлиб, уларга 3440 нафар ўқувчи жалб этилган. Шунингдек, туманда фаолият кўрсатаётган иккита болалар спорт мактаби, спорт мактаб-интернатига 2400 нафар ўқувчи жалб қилинган. Нафис санъат ва Миллий ҳунармандчилик гимназиясида эса зардўзлик, этикдўзлик, гиламчилик, наққошлик, ўймакорлик, мисгарлик, мусиқа асбоблари ясаш, рас-



сомчилик йўналишлари бўйича 340 нафар ўқувчилар билан машғулотлар олиб борилади. Шаҳардаги ёш ижодкорлар марказида ўқувчиларга наққошлик, ўймакорлик, мисгарлик, ҳунармандчилик сирлари ўргатилмоқда. Мактабдан ташқари таълим муассасалари ёз мавсумида ҳам узлуксиз ишлаб келмоқда. Туманда Р.Мадаминов номли ширкат хўжалигида ва шаҳар марказидаги Спорт-интернатда ёзги оромгоҳлар фаолият кўрсатди. Улар билан мактабдан ташқари муассасалар ҳамкорликда иш олиб бордилар. Тўгарак раҳбарлари оромгоҳларда белгиланган машғулотларни мунтазам равишда ўтказдилар.

Маълумки, хиваликлар азал-азалдан наққошлик, ўймакорлик, мисгарлик касбининг усталари бўлишган.



Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ана шу ўлмас, мўъжизавий санъатнинг давомчиларини тайёрлашга эътибор кучайтирилган. Ёшлар ижод марказининг Ичон Қалъа ҳудудидаги биносида устоз-шогирдлик ишлари йўлга қўйилган бўлиб, у ерда ёшларга мисгарлик, наққошлик касблари ўргатилмоқда. Бу масканларда иш ўрганаётган ёшлар, вилоят ва республика кўрикларида фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб ўз ҳунарларини намойиш қилиб бормоқдалар. Шаҳардаги 7-мактаб ўқувчиси Нодир Жуманиёзов Президентимиз Ислом Каримовнинг назарига тушди.

## БОЛАЛАР СПОРТДА ЧИНИҚСА...

Хивадаги вилоят спорт мактаб-интернатида бўлиб, спортимиз келажаги бўлган болаларга эътибор билан яқиндан танишган киши мазкур соҳага нақадар катта аҳамият берилаётганлигига ишонч ҳосил қилади.

-Бу ҳам истиқлол яратган имкон. Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги ғамхўрлиги намунасидир, - дейди биз билан суҳбатда мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Раҳимбой Маткаримов. – Мактабимиз 2000 йилда ташкил қилинган бўлиб, унга 10-13 ёшли, спортга ихлосманд болалардан 144 нафари қабул қилинган. Улар спортнинг бокс, оғир атлетика, дзю-до, футбол турлари билан шуғулланишади. Ўқувчилар асосан мактаблардаги ўқувчилардан синовлар асосида қабул қилинади. Бунда биринчи навбатда ўқувчининг иқтидори ҳисобга олинади. Интернатда умумтаълим мактаблари дастури асосида барча фанлардан ҳам чуқур билим берилмоқда. Ўқитувчиларнинг деярли барчаси ўз соҳаси бўйича катта билим ва малакага эгалар. Шу боисдан ҳам ўқувчиларимиз мактабга яқинда жалб қилинган бўлсалар-да, мусобақаларда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш, саломатликларини тиклашлари ва спорт маҳоратларини оширишлари учун мактаб-интернат қошидаги "Алпомиш" спорт-соғломлаштириш оромгоҳи бу йилги мавсумда 300 нафар ўқувчини ўз бағрига олди.

## "ЧАНОШИҚ"ДАГИ ЧИН ОШИҚЛАР

Хива туманида Чаношиқ деб аталувчи қишлоқ бор. Ривоят қилишларича, бундай деб номланганининг маъноси "чин ошиқ" деган бирикмадан келиб чиққан экан. Ҳақиқатдан ҳам бу қишлоқ



кишиларининг қалби муҳаббатга, садоқату ҳимматга тўла. Улар она-заминнинг, ўз касб-корларининг, яратувчанлик меҳнатининг чин ошиқларидир. Шу боис ҳам қишлоқ довруғдор, дастурхонлари тўкин. Бу ердаги уч мингга яқин оилада 15600 нафардан зиёд киши яшамоқда. Уларнинг барчаси Истиқлол берган имкониятлардан баҳраманд бўлиб яшашмоқда. Воҳадаги Ўзбекистон Қаҳрамонларининг илк қалдирғочларидан бири – Бекдурди ака Жуманиёзовнинг ҳам шу ердан – Чаношиқдан чиққанлиги бежиз эмас. Хива қалъасига деярли туташ бу қишлоқда азал-азалдан бободеҳқонлару қўли гул ҳунармандлар яшашган. Бугунги авлод улар ишини янада ривожлантирмоқда. Аввало, деҳқончиликка тўхтайлик. "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳамиша хиваликлар карвонига сарбонлик қилади. Бекдурди ака бошлиқ пудратчилар доимо қишлоқдошларига ўрнак.





Бу йил буғдой ҳосилдорлигини 60 центнерга етказган пудратчилар пахтадан 46 центнердан хирмон уйиш учун меҳнат қилаяптилар.

"Ўзбекистон"ликлар бу йил буғдойдан сарбаланд хирмон уйдилар. 367 гектар ҳисобидан давлатга 775 тонна сара дон сотилиб, 67 миллион сўм даромад қилинди. Омборларига 3-4 тонналаб буғдой тўккан илғорларнинг саноғи кўп.

-Хўжалигимизда сабзавотдан яхши ҳосил олишади, - дейди ширкат раиси Озодбой Мадримов. – Пиёздан 500 центнердан ҳосил олиш оддатий тусга айланган. Сўнгги йилларда немисларнинг уруғлик картошкаси тарқатилгач, бир-икки йил ичида унинг ҳосилдорлиги ҳам 450-500 центнерга етказилди.

Чаношиқни кезиб, ҳамсуҳбат бўлганларимиздан яна бири қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилором опа Қутлиева бўлди. У сўз йўналишини одамларнинг турмуш фаровонлиги ва уларнинг манбаси томон бурди.

– Қишлоқ хонадонлари 100 фоиз газлаштирилган, 90 фоизи қувур сувларидан фойдаланишади, - сўз бошлади опахон. – Олти боғча-ясли, беш ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежи, иқтидорли болалар лицей-интернати, уч клуб, катта ўйингоҳ, беш кутубхона, бошқа ўнлаб маданий-маърифий, маиший, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари қишлоқ меҳнаткашлари ва улар фарзандлари хизматида. Чаношиқликлар ишбилармон кишилар.

Бу ерда олтита хусусий корхона фаолият кўрсатмоқда. Истиқлолга тенгдош "Чаношиқ" хусусий корхонасида шу кунларда 33 нафар киши меҳнат қилиб, улар йилига 22 минг квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. Бунинг эвазига ўтган йили 62 миллион сўм даромад қилиниб, нақд 12 миллион сўм соф фойда кўрилди. Ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 35 минг сўмдан тўғри келмоқда.

Худойберган Отажонов эса қишлоқнинг олди фермерларидан. Ўтган йил фермер хўжалиги 21 тонна сут, 5 тонна гўшт, 6 минг дона тухум сотган бўлса, ҳозирда ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун 65 бош қорамол, 250 бош қўй-қўзи, 500 бошдан зиёд парранда боқилмоқда.

– "Батрак" фермер хўжалиги бошлиғи Қўзибой Жуманиёзов бу йил 6 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 53 центнердан ҳосил олди,– дейди деҳқон ва фермер хўжаликлари туман вакиллиги раҳбари Мадиёр Саъдуллаев. – 15 гектарлик пахта далаларидан ҳам 45 центнердан юқори сифатли "оқ олтин" етиштиришни мўлжаллаяпти.

Мустақиллик кунида табаррук онахонлардан Салима Отаева 104 ёшга, Ойжон Отажоновалар 103 ёшга тўларканлар. Расулбек Қодиров, Бозорбой Собировлар эса айни истиқлол байрами куни 1991 йил 1 сентябрда туғилганлар.

Қишлоқда бўлиб, унинг меҳнаткаш, танти одамлари билан учрашган киши, ҳар қадамда бундай ажойиб хушхабарларга дуч келиши тайин. Яхшиси, Чаношиққа бир келинг!

**Холмурод ҚУРБОНОВ**




## ЙЎЛДАГИ ВОҚЕА

***– Бир куни Тошкентнинг Қўйлиғидан уч кишини олдим-у оқшом тушаётган пайтда Наманганга қараб йўлга тушдим, - ҳикоя қилади бир ҳамкасбимиз. – Совуқ, ўша куни тоққа қор ёққан экан. Довондан ҳам эсон-омон ўтиб олиб, Пунгондаги постга етай, деб қолгандик.***

Шу пайт чироқ ёруғида машинага қўл кўтарган бир кишини кўриб қолдим. "Кел олволай, совуқда қотиб қолган шекилли, битта жой шундоғам бўш-ку" деб ўйладим. Машинани тўхтатиб, йўловчини олдим. Ҳақиқатдан унинг бўлари бўлган экан.

Ҳамроҳимиз сал ўзига келгач, танишдик. Нега қоронғида йўлда ёлғиз қолганини сўрадим. У каттагина идоранинг бошлиғи экан. Идора иши билан хўжалик мудири ва шофёрини олиб Тошкентга машинада боришибди, ишни битириб, орқага қайтишибди. Шофёр билан мудир машинанинг олдида суҳбатга тушиб кетишибди. У эса довонга етиб келганларида уйқу элитиб, пинакка кетибди. Бир пайт кўзини очса, машина тўхтаб турганмиш-у, шериклари йўқмиш. Шофёр томоннинг эшиги очиқ турганмиш. "Заҳартанг қилиб, тушишибди-да" дея ўйлабди у. Ва ўзи ҳам машинадан тушиб адирлик томон юрибди. Шу пайт бирдан машинанинг эшиги ёпилиб, ўт олганини эшитибди. "Ҳай-ҳай" дейишга улгурмай, иккала ходим бошлиқларини ора йўлда қолдириб, жўнаворишибди. Афтидан улар бошлиқнинг пастга тушганини билишмаган, орқада ухлаб ётибди, деб ўйлашган чоғи...

**Али ЗИЁД**

## "ОНАНГ РОСТ АЙТАДИ"

***Карқишлоқлик чол кўчада елпиниб ўтирганди, девор дармиён қўшниси бир арава ёғоч олиб келибди.***

-Ҳа, иморатга уринасизми, ҳамсоя? – деди мўйсафид.

-Рост айтасиз, кун жуда забтига олди-да, - дермиш қўшни кар осмонга қараб.

Таъби тирриқ ҳолда уйга кирган чол кампирига сочилди:

-Ҳовли олма, қўшни ол деганлари бор гап-да, хотин. Нокас қўшнинг ёғоч олиб келган экан, юзингда кўзинг борми демай "ҳали кун ботгандан кейин, ўғирлаб-нетиб юрманг дейди-я!

Қирқ йил аввал қулоғини том босган кампир дастурхонга бир муштлади-да, юзларига ҳуснбузар тоша бошлаган қизини койий кетди:

-Яна овқатинг бемаза бўпти-да, нодон. Мана, отанг хафа бўляптилар.

Қиз бечора бир анграйиб олгач, бетини беркитиб уввос солди:

-Ахир мен қачон эрга тегаман, дедим? Шу гапни айтгунча, ўлганим яхшимасми?!

Бирорта сўз қулоғига кирмаган ота қизига тасалли берди:

-Онанг рост айтади, чироғим, ёғоч-поғочи билан қўшмозор бўлсин. Бизнинг уйдан ўғри-каззоб чиқмаган.

**Рустамжон УММАТОВ**

## СОДДА МОМО

***Эрнафас бува далани айланиб юриб ғўза ораларини чопиқ қилаётган Шукуржон момони кўрибди. Қараб турса момо учта ғўзани бегона ўтга қўшиб чопиб юборибди.***

Буни кўрган раис бува дарров ҳисоблабдики, учта ғўзада учта кўсакдан бўлса тўққиз, тўртта бўлса, ўн икки кўсак зое бўлди. Шунинг учун у Шукуржон момони кечқурунги йиғилишга боришини тайинлаб идорага кетибди. Кечда барча бошқарув аъзолари қатори Шукуржон момо ҳам мажлисга келибди. Йиғилишни очган раис бува ўртага бир масалани: "Шукуржон момонинг бугунги қилмиши"ни муҳокамага қўйибди. Рўй берган воқеани айтиб айбдорга қандай жазо берайлик, деб мажлис қатнашчиларидан сўрабди. Мажлис аҳли бир овоздан "Шукуржон момога виговор берилсин" дебди. Раис бува бу қарорни ҳаммага тасдиқлатиб мажлисни ёпиқ деб эълон қилгач, одамлар идорадан чиқиб кетибди. Раис қарасаки, ҳамма кетган, фақат ўзи-ю, Шукуржон момо қолган. Шунда Эрнафас бува унга мажлис тамом бўлди, сиз ҳам уйингизга кетаверинг деса, Шукуржон момо раисга қараб:

-Кечирасан-у, боя бир нима бераман дегандинг, шуни обкетсам, - дебди.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

## ШАҲАРЛИК КЕЛИН

***Бу воқеанинг содир бўлганига йигирма йилдан зиёд вақт ўтса-да, найманликлар уни ҳар замонда эслаб, кулиб қўйишади.***

Олийгоҳда бирга ўқиган Одамбойни севиб, Найманга келин бўлиб тушган шаҳарлик Саида одамлар билан тез тил топишди. Қишлоқ ҳаётига кўникиб кетса-да, икки йилга яқин вақт ўтишига қарамасдан, Хоразм шевасидаги айрим сўзлар маъносига ҳануз тушуна олмай қийналади. Айнан шу важдан баъзан хижолатда қолади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Четдан одам бўлмаса ҳам гўргайди...

...Томорқасига жўхори экаётган Одамбойнинг мўлжалидаги уруғ пайкалнинг сўнгги жўясига етмай қолгач, чеккадаги тол соясига тўшалган шолчага чўзилади-да, чой келтирган хотинига буюради:

-Мен дамимни ростлагунимча, уйдан бир товоқ тухум олиб чиқ.

Хоразмда "уруғ" ўрнига "тухум" сўзи ишлатилишини хаёлига келтирмаган Саида турмуш ўртоғини кўмакчилар билан шу ерда овқатланмоқчи деб ўйлаб, уйидаги 8 дона тухум ёнига қўшнилардан 24 дона тухум қарз олиб, бир товоқ қайнатиб кўтариб чиққан экан.

**Курбон МУРОДОВ**

***Қадимий ва навқирон Самарқанд номини тилга олиш кишига ҳузур бағишлайди. Бу азим, жаҳонни ҳайратга солган тарихий юрт ҳақида қалам тебратиш – шараф, бахт, битмас-туганмас қувончдир. Фахр туйғуси ила Самарқанд ҳақида сўз айтмоққа жазм этдигу, унинг қай бир жиҳатини таърифлашни билолмай ҳайронмиз.***

***Негаки, Самарқанд – олам гавҳари! Самарқанд – замин сайқали! Самарқанд – дунё кўзгуси! Зеро, дунё кўзгусини, олам гавҳарини таърифлашга сўз ҳам, қалам ҳам ожиз. Шу боис, қуйида унинг оддий заҳматкаш одамлари, улар амалга ошираётган эзгу ишлар, юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар ҳақида бир шингил ҳикоя қилмоқчимиз.***

# САМАРҚАНД –



## КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ҳа, бугун фахр туйғуси ила баралла айта оламиз: Ўзбекистоннинг келажаги буюк! Юртимизнинг қай бир гўшасида, ҳатто оддий қишлоғида бўлманг, ана шундай ҳузурбахш фикр



хаёлингизни асир қилади. Пайариқда қишлоқ хўжалик коллежида бўлганимизда ҳам қалбимизни шу хил тотли ҳислар чулғаб олди.

Ҳашаматли қурилган бино, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув машғулотлари хоналари, спорт зали, спорт майдони, ўқув-тажриба участкаси, лабораториялар, компьютерлар, мониторинг хоналари, кийим тикув дастгоҳлари, энг сўнгги русумдаги қишлоқ хўжалиги техникалари... Э-ҳе, айтаверсак адоғи йўқ. Бу ҳақда коллеж директори Неъмат Иброҳимов шундай дейди:

-2000 йилда ташкил этилган коллежимизда 7 та йўналиш - қишлоқ хўжалик машиналарини жиҳозлаш ва таъмирлаш; ветеринария; агрономия; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини назорат қилиш ва сертификатлаш; молия; ҳуқуқшунос-иқтисодчи; ёнилғи-мойлаш материаллари оператори мутахассислари тайёрланади.

Ҳозирги кунда коллежда 454 нафар талабага 46 нафар ўқитувчи ва педагог муҳандислар таълим бериб келишмоқда. Коллежда талабаларнинг билим олиб, касб-ҳунар ўрганишлари учун барча шароитлар муҳайё. Турли спорт мусобақалари, бадиий кечалар, кўрик-танловлар, маҳалла фаоллари ва республиканинг машҳур кишилари билан учрашувлар ўтказиш одат тусига айланган. Шу боис бу даргоҳ фақат талабаларнинг эмас, балки атрофда яшаётган аҳолининг ҳам севимли масканига айланган.

Коллежнинг маънавият ва маърифат хонаси сиёсий адабиётлар билан бойитилиб, кўргазмали жиҳозлар билан таъминланган кутубхонада 25 ўринли қироатхона, 6417 та китоб мавжуд.

Хуллас, коллежда бўлган киши иқтидорли ёшларни кўриб бир қувонса, уларга мустақиллик туфайли яратилган ғамхўрлик ва имкониятлардан завқ-шавққа тўлади. Ҳа, бугун давлатимиз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Демак, келажагимиз пойдевори мустаҳкам!



## ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ ...

Вилоятда яна бир қадимий гўша бор. Бу – Иштихон. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, бу ердан кўплаб олиму фузалолар, диний ва дунёвий илм пешволари етишиб чиққан. Шуниси қувончлики, ана шу тарихий гўшада бугун мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида мароқ билан сўзласак арзийди. Иштихон асл деҳқонлар юрти! Шундайлардан бири Шароф Рашидов номли хўжалик бошқаруви раиси Исмоил ака Омонов. Кўпчилик таърифича, "ер билан тиллашадиган, эл билан диллашадиган" бу кишининг раислик фаолияти ҳам мустақиллик билан тенгдош – 12 йил.

Исмоил ака Омонов раис бўлиб ишлаганидан буён Иштихондаги табиий-иқлим шароити энг оғир бўлган, ери захкаш ҳисобланган Шароф Рашидов номли хўжаликда барча соҳаларда режалар ортиғи билан уддаланиб келинаётир. Бир пайтлар ғаллачиликда ҳам, пахтачиликда ҳам ҳосилдорлик 14-15 центнердан ошмаган бу хўжаликда ғаллачиликда ҳосилдорлик ўртача 55 центнерга етказилиб, пахтачиликда 30 центнердан ошди.

-"Йил қурғоқчил келди, сув кам бўлди ёки намгарчилик ошиб кетди, чигиртка зарар етказди, табиий офат олдида ожиз қолдик" қабилидаги гаплар асл деҳқон учун баҳона бўлолмайди, - дейди И.Омонов биз билан суҳбатда. - Деҳқончилик ўзи мураккаб ва нозик соҳа. Деҳқончилик илмини чуқур билган, етарлича тажрибага эга бўлган киши, табиий офат олдида ҳам эсанкираб қолмайди, тадбир топа олади.

Ҳа, хўжалик аъзолари қийинчиликлар олдида эсанкираб қолишаётгани йўқ. Улар изланаётганликлари, янгиликка интилиб яшаётганликлари боис хўжалик доимо илғор.

-Мустақилликда тараққиёт сари дадил қадам ташланаяпти. Замон жадал ўзгаряпти, - дея суҳбатни давом эттирди Исмоил ака Омонов.

Ана шундай бир пайтда, ўтиш даврида ширкат мутахассислари самарали ишлаши керак. Ширкатдан олинган фойда одамларнинг турмуш тарзини яхшилашга, ободонлаштиришга ишлатилса, айни муддао бўлади. Хўжалигимиздаги 9 та қишлоқдан 7 таси мустақиллик йиллари газлаштирилди. Хўжалик ҳудудидаги даволаш пунктлари, мактаблар доимий эътиборимизда. Кам таъминланган оилалар, бева-бечоралар, нафақахўрлар ҳолидан хабар олиш одат тусига айланган.

## "ТУРКИСТОН" МАШЪАЛЛАРИ

"Туркистон" – Иштихондаги илғор хўжаликлардан. Туманда биринчилардан бўлиб 1999 йилда ширкатга айлантирилган. Айни пайтда хўжаликда 587 нафар ширкат аъзоси бор. 9 та қишлоқда 4200 дан зиёд оилада 11 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

Табиийки, қишлоқларда одамларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш корхоналари камлиги ёки йўқлиги туфайли ерга, хўжаликка кўз тикиб яшайди. Хуллас, "Туркистон"да ҳам шундай. Ширкат ҳудудида яшовчиларнинг турмуш шароити яхшиланиб бораяпти. Бунинг бирдан-бир сабаби меҳнат. Ерга бўлган меҳр туфайли.

Кейинги йилларда "Туркистон"ликлар деҳқончиликнинг обдон ҳадисини олишди. Кўп узоққа бормайлик.



Ўтган йилги натижалардан айримларига тўхталайлик. Ғалла етиштириш 2310 ўрнига 2766 тоннага, пахта сотиш 1274 ўрнига 1603 тоннагача етказилди, пилла сотиш эса 9,6 ўрнига 11,5 тоннани ташкил қилди. 47 миллион 688 минг сўм соф фойда олиниб, рентабеллик 26,8 фоизга етди.

-Ютуқларнинг бош сабаби меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилгани, хўжалик раҳбари Фармон Еткировнинг талабчанлиги, деҳқончилик илмини яхши билишида, - дейди бош ҳисобчи Ғулом Имомов. – Бундан ташқари у кишининг ёшлигидан суяги меҳнатда қотган, ҳисоб-китобни пухта ўзлаштирган.

-Шу хўжаликда ишлаб, кам бўлмадим. 2002 йилда менга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими унвони берилди, - дея суҳбатни давом эттирди пудратчи Хуррам Муродов. – Оилам фаровон. Иш ҳақидан ташқари ғалла, ёғ, ун бериляпти.

Дарҳақиқат, шу йилнинг ўзида хўжалик бўйича 380 тонна ғалла иш ҳақига, 200 тонна эса мукофотга тарқатилди. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳар бир ширкат аъзосига 1 тоннадан буғдой тўғри келяпти. Бу ҳар бир катта оиланинг бир йиллик нонига етадиган буғдой ажратилишини билдиради.

Хуллас, "Туркистон"да бўлсангиз, қалби очиқ, самимий, асл деҳқонлар билан суҳбатлашиб, баҳри дилингиз очилади.

## ҒАЛЛАНГ БЎЛСА...

Шу кунларда Иштихоннинг "Ўзбекистон" номли ширкат хўжалиги аъзолари билан суҳбатлашсангиз, "Ғаллангиз бўлса, қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди", - дейишади мамнун ҳолда.



Дарҳақиқат, бу йил "Ўзбекистон"ликларнинг ошиғи олчи бўлди. Хўжалик омбори ҳам, ширкат аъзоларининг уйи ҳам донга тўлди.

Хўжалик деҳқонлари 306 гектар ерда ҳосил етиштириб, давлатга 600 тонна ғалла сотишни режалаштирган эдилар. 130 гектар ернинг ўзидан 720 тонна ғаллани давлатга сотиб, режани 120 фоизга бажардилар. Режадан ортиғи ширкат аъзоларининг ўзига қолди.

Хўжалик билан пудратчилар ўртасида шартнома бўйича ҳосилдорлик 45,8 центнер эди. Бундай режани 55-60 центнердан оширганлар бор. Шавкат Эргашев, Фахриддин Зиёдов, Анора Исмоилова каби оилавий пудратчилар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар қайсисида 4 гектардан ғаллазор бор эди. Режасини бажариб, пудратчилар 9-12 тоннадан буғдой олишди. Хўжалик бўйича бу йил 378 нафар ширкат аъзосига 420 тонна ғалла тарқатилди. Бу ҳар бир ширкат аъзосига 1050 килодан тўғри келади.

Бундан ташқари хўжаликда ишлаб нафақага чиққанлар, кам таъминланган оилалар ҳам қуруқ қолишмади.

-Хўжаликда бу йил 563 гектар майдонда пахта етиштирилаяпти. Ток, боғ мавжуд. Помидор ҳам экилган, - дейди хўжалик раҳбари Асадилло Фозилов. – Иш ҳақи ва мукофотларни ўз вақтида олган ширкат аъзолари самарали меҳнат қилишмоқда. Насиб қилса, ҳамма соҳаларда бу йил кўзланган мақсадга эришилади. Олинган фойда қишлоқларни ободонлаштиришга сарфланади.

2004 йили Равот қишлоғида спорт мажмуаси, Барзавон ва Холажон қишлоқларида эса даволаш пунктлари қурилади.

## БАРАКА - АҲИЛЛИКДА

Агар самимий, чеҳраси очиқ одамлар билан учрашмоқчи



бўлсангиз Нарпайга келинг. Мард, танти деҳқонлар билан суҳбатлашмоқ, кўнгилни чоғ этмоқ истаги рўёбга чиқишини хоҳласангиз ҳам Нарпайга келаверинг.

Нарпайда бир нарса одатга айланган. Бу туманда хўжалик раҳбарлари кўп йиллар барқарор ишлашади. Шунинг учун бўлса керак, ширкатларда ҳар йили қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича режалар ортиғи билан уддаланади. Иқтисод ҳам шунга яраша.

Туманнинг Алишер Навоий номли ширкати ҳам бошқа хўжаликлар қатори пешқадамлардан бири. Олти йилдан буён хўжаликка раҳбарлик қилаётган Норбўта Ибодов билан суҳбатлашганимизда у киши шундай деди:

-Кейинги йилларда ширкатимизда эришилаётган ютуқларнинг асл сабаби меҳнатда. Мустақиллик йилларида аъзоларимиз, меҳнат қилганлар асло кам бўлмаслигини амалда кўришди.

Ширкатимиз ҳудудидаги 6 та қишлоқда яшовчи 14 минг аҳоли, 4 минг нафар оиланинг турмуш тарзи, шарт-шароити тобора яхшиланаётир. Ширкат аъзоларининг ўртача иш ҳақи 25-30 минг сўмга, механизаторларники 60-65 минг сўмга тўғри келаяпти. Барча қишлоқлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган.

Раиснинг сўзлари айни ҳақиқат. Хўжаликда қўлга киритилаётган ютуқлар янада салмоқли. Ўтган йили ғалладан ҳосилдорлик 45 центнер ўрнига 52 центнерга етказилди. Яъни, ўтган йили давлатга 1000 тонна ўрнига 1200 тонна ғалла сотилди. 2000 тонна ғалла ишлаб чиқарилди. 2500 тонналик пахта сотиш режаси 3000 тоннага етказилиб, ҳосилдорлик режадаги 27 центнер ўрнига 33 центнердан тўғри келди. Соф фойда 18 миллион сўмдан ошди.

Бу йил ҳам ғалла сотиш режаси ошириб бажарилди. Шартнома 754 тонна эди, ҳақиқатда эса 1000 тонна ғалла давлатга сотилди. Ишлаб чиқарилган дон давлатга сотилганидан уч карра зиёд бўлди.

Хўжалик аъзолари билан суҳбатлашганимизда бундай ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмаётганига, хўжаликда аҳиллик, соғлом муҳит ҳукмронлигига, меҳнат қилган қадр топаётганига, кадрлар ўз ўрнига қўйилганига гувоҳ бўлдик.

## "МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ"

Самарқанддаги болалар жарроҳлиги илмий-даволаш марказининг довруғи узоқ-узоқларга кетган. Бу







ерда мураккаб операциялар ўтказиш билан биргаликда тиббиётда муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Профессор Азамат Шамсиев раҳбарлигидаги марказнинг моҳир шифокорлари ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказилган кўплаб симпозиумларда ўз илмий маърузалари билан қатнашиб, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлишган.

Аҳамиятли томони шундаки, марказда беморлар учун барча қулайликлар мавжуд. Аксарият шифохоналарда беморларнинг яқинларига гоҳ у-гоҳ бу дори-дармонларни келтириш зарурлиги айтилади. Илмий марказ шифо-

# ЮРТ КЎЗГУСИ



хонасида эса ҳамма нарса муҳайё. Бемор учун қайсики дори зарур бўлса, дарров топишади. Беморларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиши ҳам доимий эътиборда. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган бу масканда ширинсухан, қўли енгил шифокорлар, ҳамширалар беморларга сидқидилдан хизмат кўрсатишиб, кўпчиликнинг дуосини олишяпти.

## "СЎҒДИЁНА" ЧОРЛАЙДИ

Самарқанд шаҳрининг Темир йўл тумани ҳудудидаги 34 гектар майдондаги илгари ташландиқ ҳолда ётган жойни бугун кўрганлар таний олмай қолиши аниқ.

Зилол сувли кўлдаги қайиқчалару сув велосипедлари, бир-бирини такрорламас замонавий ўйин қурилмалари, ҳақиқий самолёт ва унинг ичидаги болалар кинотеатри, кечқурунлари чироқлари ял-ял ёниб турувчи "Эйфель минораси"... Спорт мажмуаларини айтмайсизми: шоҳмот-шашка хоналари, бокс, теннис, волейбол, баскетбол майдонлари... Э-ҳе, буларнинг бари чинакамига мўъжиза.

-Боғ шаҳар ва вилоят туманларидаги тадбиркору ишбилармонларнинг ҳашари билан бунёд этилди, - дейди "Сўғдиёна" боғи раҳбари Неъматжон Мамедов. – Айниқса, ўтган йилнинг кузида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов вилоятимизга ташриф буюрган чоғларида истироҳат боғи қурилиши билан яқиндан танишиб, боғнинг ҳар томонлама ораста, гўзал, энг муҳими, миллий руҳимизга мос бўлиши ҳақида қимматли маслаҳатлар берганликлари айни муддао бўлди.

Дарҳақиқат, сўлим "Сўғдиёна" боғида катта ёшдаги кишиларнинг қалби завқ-шавққа тўлса, болаларнинг тасаввурида бир олам қувонч ва ҳайрат мужассамлашади. Боғнинг ҳар қадамида озодалик, ораcталик ҳукмрон. Манзарали дарахтзорлар, гулзорларни айтмайсизми? Ўзбек ва жаҳон халқлари эртаклари машҳур қаҳрамонларининг ҳайкаллари болалар ҳайратига ҳайрат қўшади.

Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади. Мабодо Самарқандга йўлингиз тушса, албатта "Сўғдиёна"га келинг. Мириқиб дам олинг. Болажонларни, фарзандларингизни олиб келишни ҳам унутманг.

## АДИРДА БИТГАН НЕЪМАТ

Қўшработ туманининг "Оқтепа" ширкат хўжалиги асосан узумчиликка ихтисослашган. Тўғри, хўжаликнинг ғалласи, пилласи, тамакиси ҳам бор. Лекин оқтепаликлар болдек ширин-шакар узумлари билан шуҳрат қозонишган. Бу йил 530 гектар токзорда мўл ҳосил етиштирилди. Узумларнинг маълум қисми хўжалик қошидаги вино комбинатига топширилади. Адирликларда битган Учқора навли узумнинг аксарияти оилавий пудрат аъзолари томонидан қуритилиб, майиз қилинади.



Ширкатнинг оилавий пудрат аъзолари қарамоғларидаги токларни парваришлаб, ҳам эл дастурхонини обод қилишади, ҳам рўзғорларига барака киритишади.

-Узумчиликдан хўжалик ҳам, ширкат аъзолари ҳам фойда кўради, - дейди ширкат раиси Абдусалом Жиянов. – Илгари винобоп навлар йўқ қилинган эди. Ҳозир ана шу йўқотишни тиклаяпмиз. Токзорларни кенгайтиришга, эскиларини янгилашга катта эътибор берилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# КЕЛАЖАК - ЁШЛАРНИКИ

***Хатирчи бизнес мактабида қилинган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу даргоҳда ёшларнинг илм олиши ва касб-ҳунар ўрганиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Мактабда 454 нафар ўқувчига 45 нафар педагог кадрлар таълим-тарбия бераяпти.***




Ҳафиза Нурмуродова, Мустафо Имомов, Мамашариф Маҳатов, Ғайрат Зайниддинов, Фазлиддин Ҳасанов каби педагоглар ёшларнинг севимли мураббийларига айланишган.

Ўқув юрти кутубхонаси бой, 10421 дона китоб фондига эга. Кутубхонада турли бадиий кечалар, учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар уюштириб турилади.

Бизнес мактабда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Талабалар туман, вилоят бўйича турли спорт мусобақаларида иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Байрамларда жонкуяр ўқитувчилар ва фаол талабалар рағбатлантирилиб борилади.

-Энг қувончлиси, шу йил 1 сентябрдан бошлаб янги замонавий бинода иш бошлаймиз, - дейди бизнес-мактаб директори Неъмат Файзиев. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 13 июндаги 253-сонли қарорига асосан, 1 сентябрдан бошлаб бизнинг мактаб иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига айлантириладиган бўлди. Бу имкониятларимизни кенгайтирди. Коллежга айлантирилгач, илгари ўринлар сони 454 та бўлса, эндиликда 750 ўринга етди. Аввал 5 та касб йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланган бўлса, эндиликда 12 та касб йўналишида 30 га яқин ихтисослик бўйича кадрлар тайёрланади.





Хатирчилик ёшлар учун бу чинакамига ғамхўрлик. Демак, келажак ворисларимиз ардоқда. Замон иқтидорли ёшларники!

# КЎНГИЛ БУЛОҒИ

Хотира

***2001 йилнинг 7 июли... Шу куни қўшработликларнинг кўпчилиги оҳ урди, юрак-бағирлари хун бўлиб йиғладилар. Қўшработликлар билан бирга Жиззахнинг Пахтакор, Арнасой, Мирзачўл туманларидан дафн маросимига келганларнинг кўз ёшлари сел бўлди, гўё...***

Шу куни ажойиб инсон Деҳқонбой Ражабов 49 ёшида юрак хуружи туфайли оламдан ўтганди.



Олис Қўшработда оддий ишчи оиласида туғилиб ўсган Деҳқонбой Ражабовнинг истеъдодли, ширинсухан эканлиги ёшлигидан кўзга ташланган эди. Оиладаги етишмовчиликлар унга тўсқинлик қила олмади. 1968 йили Қўшработдаги 82-ўрта мактабни аъло баҳолар ва яхши хулқ билан тугатган Деҳқонбой Ражабов Тошкентда аввал савдо техникумида таҳсил олди. Савдо соҳасида бироз ишлагач, Украинада йигитлик бурчини ўтади. Ҳарбий хизматни тугатиб, Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабида ўқиди.

Шундан сўнг у бутун умрини ички ишлар соҳасига бағишлади. Дастлаб Зафаробод тумани ички ишлар бўлимида навбатчилик қисми катта нозири бўлиб ишлади. Иш жараёнида Тошкент Олий милиция мактабини сиртдан тугатди.

Йиллар оқин сувдек ўтиб кетаверди... Деҳқонбой Ражабов ўз меҳнати, ташаббускорлиги, ишчанлиги туфайли хизмат пиллапояларида кўтарилаверди. Аввал Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими тезкор вакили, кейинчалик Арнасой тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида фаолият олиб борди. Билимини ошириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил олди. 1991-94 йилларда Арнасой туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасида хизмат қилди. Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасида хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими бошлиғи муовини лавозимида фаолият кўрсатди. 1996 йилдан сўнг умрининг охиригача Пахтакор тумани ички ишлар бўлимида турли лавозимларда ишлади. У қаерда, қайси вазифада ишламасин, ҳамиша ўз хизмат бурчига содиқ қолди.

Ҳа, Деҳқонбой ака самимий ва хушчақчақ инсон эди. Дўстларга, ёр-биродарларга, қавму қариндошларга меҳрибон эди. Шу туфайли кўпчилик қалбини меҳр булоғи бўлиб забт этганди. Деҳқонбой ака билан бир суҳбатлашган одам яна гаплашгиси келарди.

У давраларда ҳаммани кулдириб, файз киритиб, иши кўплиги боис, шошилиб жўнаб кетарди. Буни қарангки, ана шундай одамнинг ҳам қалбида қандайдир ғам-андуҳ бор эканки, юрак хуружи уни дорилфанодан дорилбақога олиб кетди. Афсус...

Ҳамкасблари ва қавму қариндошлари хотирасида қувноқ, ўзгалар дардига қайғудош меҳрибон инсон сифатида қолди. Унинг ишчан қиёфаси, нурли чеҳраси кўпчиликнинг кўз ўнгида ҳамон гавдаланаверади.

**М. ЗИЁДОВ**




## ПАХТА ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯРАЛАР

**Ҳа, пахта – деҳқоннинг меҳридан яралади. Негаки, пахта деҳқоннинг ўзидай кўҳна ва мўътабар. Ҳамиша навқирон ва қадимий Самарқанд вилоятининг туманларида асл деҳқонлар – танти, аҳдига вафодор пахтакорлар жуда кўп. Ўтган йили иқлим шароити мураккаб келган даврда ҳам самарқандлик пахтакорлар 250000 тонналик хирмонни мардонавор забт этгандилар.**

**Ҳосил чўғи кўзга ташланиб, кўзни қувонтираётган, қалбга қувонч бағишлаётган шу кунларда барча пахтакорларни, республикамиз аҳлини**

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУЧАЛ ТЎЙИ БАЙРАМИ БИЛАН**

**ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!**

**Самарқанд вилояти ҳудудий "Пахтасаноат" бирлашмаси**

# МАРҲАМАТЛИК ТОЖИМИРЗА



***...Ғалла мавсуми охирлаб бораётган кунларнинг бирида йўлимиз Марҳамат томонларга тушди. Қишлоқда ишбилармонлик ҳаракатининг дарғаларидан бири бўлган қадрдонимиз Тожимирза Нуриевни йўқладик. Котиба қиз яқин орада келиб қолишлигини айтди. Бир чойнак чой тугамай Тожимирза асабий кайфиятда кириб келди.***

-Президентимиз доимо деҳқонга шароит яратинглар, дейдилар. Айримлар эса билганидан қолишмайди, – деди у пешонасидаги реза-реза терларини дастрўмолига артар экан. - Ҳозиргина шундай воқеа содир бўлдики, кулишингни ҳам, ғазабга келишингни ҳам билмайсан. Бўлган воқеа устида ўзим туриб,



ишни якунига етказиб келдим.

Тожимирза Нуриев Андижоннинг олди фермерларидан. 2003 йили 109 гектар ерда буғдой етиштирди. Ҳосил чунонам мўл бўлдики, фермер ишловчилар меҳнатини тақдирлаш мақсадида қоплаб эмас, балки машиналаб дон берди. Чунончи, 11 гектар ерда ғалла парвариш қилган Маъмиржон Аблаёровга 14,3 тонна буғдой тегди. Деҳқон ўз меҳнати маҳсули бўлган ғаллани машинага юклаб, дарвозаси олдига тўкибди. Кимдир катта йўл бўйидаги хонадон дарвозаси олдидаги донни кўриб, шубҳага тушибди. Деҳқон донини бордонларига жойламай туриб текширувчилар келибди...

Фермер хўжалигида бу қадар баракали ғалла олган деҳқонлар оз эмас. Маъмиржон ака билан ёнма-ён меҳнат қилган Гулмирза Худойбердиев салкам 9 тонна дон текканлигидан нақадар хурсанд бўлганлигини кўрсангиз эди.

Асака ёки Марҳамат томонларга ўтган одамнинг кўзи баланд адирларга тушади. Аслида бугун адирнинг номи бор, холос. Унинг ҳар томони боғ-роғ, пахтазор ва ғаллазор. Экинга зарур бўлган оби ҳаёт фақат насослар ёрдамида далага етиб боради. Экинзорларнинг қиялигини айтмайсизми. Ана шундай шароитда ғалладан мўл ҳосил олишнинг заҳматларини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Шартнома режаси бўйича давлат қабул пунктларига 355 тонна ғалла топширилди. 31 тонна ғалла эса ун ва ун маҳсулотларига алмаштиришга берилди. Фермер хўжалигида меҳнат қилаётганларга дон тақсимлаб бўлингандан сўнг мулкдорга 46 гектар ғаллазор қолди.

Ёшлигиданоқ ўз қўли билан моддий бойлик яратишга қизиққан Тожимирза собиқ тузум шароитида ҳам ҳамиша изланган. Асаларичилар ширкатига аъзо бўлиб, ўз имкониятларини юзага чиқаришга интилган. Асаларилар оиласини 2,5 мингтага етказган. Республикамиз мустақиллигини хурсандчилик билан кутиб олган Тожимирза Нуриев янгиланиш замонида инсоннинг эркин фаолиятига йўл берилишини англаб етди.

Президентимизнинг фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ҳақидаги даъватига "лаббай" деб жавоб берган Тожимирза Нуриев Марҳамат туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигига тегишли бўлган ерлардан 342 гектар ер олиб, "Шуҳрат" фермер хўжалигини ташкил қилди. "Адир адир-да, Тожимирза нимасига ишониб, ўзини меҳнатга уриб олди" дегувчилар бўлди. Бошқаси эса "Тожимирзада ғайрат ҳам, шижоат ҳам бор. Қолаверса, етти ўлчаб бир кесадиган одати унга омад келтиради" деди. Хуллас, дадил одим ташлаган Тожимирза Нуриевнинг олдинга юриши йилдан-йилга овоза бўла бошлади. У деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, пиллачилик каби йўналишларни бир-бирига боғлиқ ҳолда ташкил этди ва аввалгига нисбатан ўсишга эришди.

Меҳнатнинг нони ўта тотли бўлади. Уни еган одам эса ҳар бир ишда омилкор ва тежамкор бўлиб, иш қуролининг ҳамиша соз туришига ҳаракат қилади. Тожимирза Нуриев айримлар каби топган даромадини яхши уй қуришга, сўнгги кўринишдаги автомобил харид қилишга сарфлаши мумкин эди. Бироқ у бу йўлни танламади. Имкон топилиши билан янги-янги техника олишга интилаверди. Қарабсизки, яқиндагина 20 центнерга яқин пахта, 25-30 центнер атрофида ғалла бераётган далаларнинг саховат булоғи очила борди.

Орадан беш йил ўтди. Бу вақт оралиғида пахта, ғалла ва боғ ҳосилдорлиги қарийб тенгма-тенгга кўпайди. Адирда содир бўлаётган бу мўъжизакор юксалиш Тожимирза Нуриевга обрў-эътибор келтирди. Юртбошимиз Андижонга қилган сафарларининг бирида вилоятнинг донгдор кишилари қаторида истиқлол қалдирғочларидан бири бўлган Тожимирза Нуриевнинг ҳам номини фахр билан тилга олдилар. 1997 йилнинг 27 октябрида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишлаб ўтказилган катта йиғинда Президентимиз Тожимирза Нуриев билан суҳбатлашди.

-Президентимиз доимо "Мен – тадбиркорлар, фермерларнинг ҳимоячисиман" деб бизга далда берадилар, - дейди фахр билан Тожимирза Нуриев. – Бу минг-минглаб фермерларнинг кўнглини кўтаради, янги-янги ишларга ундайди.

Ҳа, у қилаётган ишлари билан фахрланади. Бу унга қаноат бағишлайди. 1997 йили республикамизда биринчи бор Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус" танловида олий мукофотга сазовор бўлди. Президент Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бундай юксак ўринлар, мукофотлар Тошмирза Нуриевнинг бошини айлантириб қўймади. Аксинча, ўзига билдирилаётган юксак ишончга доимо муносиб жавоб беришга ҳаракат қилади.

"Шуҳрат" фермер хўжалиги кўп тармоқли. Деҳқончилик ишлари изга тушгандан сўнг хизмат кўрсатиш ташкил этила бошлади. Бундан хабардор бўлган Қорақўрғон қишлоғининг қўли гул йигитлари иш сўраб "Шуҳрат"га келишди. Олти уста жам бўлишиб, дастлабки ишни бошлашди. Уларнинг сафи 50 дан зиёд бўлиб, қишлоқ ва маҳаллаларга табиий газ, ичимлик суви тармоқларини тортяптилар. Уларнинг хизматларидан нафақат Қорақўрғон қишлоғи аҳли, балки Марҳамат туманидаги барча хўжаликлар баҳраманд бўлишаётир.

У ҳамиша елиб-югуриб, ўз ғояларини рўёбга чиқариш илинжида бўлади. Сир эмаски, қишлоқда ишсиз кўп. У мана шу ҳақда ўйлагани-ўйлаган. Маблағ тўплангач, анчагина транспорт воситалари сотиб олди. Шу билан хизмат кўрсатиш тармоғи биттага кўпайди. Хизмат ҳақи нисбатан арзонлиги боис юк машиналари бирор кун ҳам бекор туриб қолмайди.

## Замондош билан юзма-юз

Аввалги йили Тожимирза ака кўп йиллардан бери орзу қилиб келган ниятига эришди: мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган кор-



хонани ишга туширди.

Деҳқон хўжалиги соҳиблари ердан фойдаланиш борасида бирмунча илдамлаб кетишган бўлса-да, улар ўз маҳсулотларига харидор топишда баъзан қийналишади. Қайта ишлаш корхоналари Асака ёхуд Андижон шаҳрида. Узоқ қишлоқлардан сабзавот ва меваларни қайта ишлашга етказиб бериш мушкул. Ана шунинг ҳисоб-китобини чиқарган фермер республика "Бизнес фонди"га ҳужжатлар тақдим этиб, кредит олишга муваффақ бўлди. Шундан кимдир у давлатнинг, бошқаси бу мамлакатнинг технологиясини мақтади. Барча "Хориж технологияси яхши" деди.

-Тошкентга бордим, - дейди Тошмирза ака. – Ахир бу ерда катта-катта корхоналар, конструкторлик бюролари бор. Ўзим иккита институтни пойтахтда тамомлаганман. Шаҳарни яхши биламан. Аввал ўзимизнинг корхоналарга мурожаат қилайчи, иш чиқмаса, кейин хорижликлар ҳузурига борарман, - дея Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросига кирдим. Бу ерда кичик қайта ишлаш корхоналари технологияси бўйича ишлар бораётган экан. Қўлни-қўлга бердик. Ҳадемай кунига 30 тонна маҳсулотни қайта ишлайдиган технология жиҳозлари тайёр бўлди. Заводим ишга тушган куни деҳқон хўжаликлари соҳибларининг қувонганларини бир кўрсангиз эди.

"Шуҳрат" ёрлиғи билан харидорларга тақдим этилаётган томат ҳалими ҳамда ўнлаб хилдаги консерва маҳсулотлари конвейердан тушибоқ эгасини топяпти. Тўғри, дастлаб корхонада иш бир текис кетмади. Гоҳ электр ўчиб қолади. Баъзида эса газ келмай қолади. Фермер муваққат ток ишлаб чиқарувчи генератор ўрнатди. Буғ ишлаб чиқаришда печ мойидан фойдаланиляпти. Қарабсизки, натижа бинойидек. Энг муҳими 30 нафар ишсиз бекорчиликдан қутулди. Юзлаб деҳқон хўжалиги эгалари етиштираётган маҳсулотларини тарозидан ўтказишибоқ, пулни шу жойнинг ўзида санаб олишади.

1992 йили фермер хўжалиги ташкил этилган чоғида Тошмирза билан бирга ишлаш хоҳишини билдирганлар 6 киши эди. Бугун эса улар сони 500 нафарга етай деб қолди. Тармоқлар кенгая борган сари бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энг муҳими ҳар бир соҳа ишчиларини манфаатдорлик сари ундаш мақсадида 4 та кичик корхона мустақил фаолият кўрсатишга ўтказилди.

Жаҳон банкининг молиявий кўмагида республикамизнинг бешта туманида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий технология асосида ривожлантириш юзасидан тайёргарлик ишлари бораётир. Шу лойиҳа доирасида Марҳамат туманида ҳам 30 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя ўзлаштирилиши кутилмоқда. Тожимирза Нуриев ана шу лойиҳанинг бир қисми бўлган муқобил машина-трактор парки барпо этиш истагида тендерда қатнашмоқни ният қилган. Ишбилармон бу борадаги лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, экспертизадан ўтказиш учун тегишли идораларга топширди. Салкам 2 миллион АҚШ долларига тенг хорижий сармояни олиш ва ўзлаштириш аслида жўн нарса эмас. Жаҳон банки экспертлари Тожимирза Нуриевнинг лойиҳасига хайрихоҳлик билдиришяпти. У АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД)нинг "Прагма" дастури доирасида Тошкент, Алмати, Чўлпонота, Ўш шаҳарларида бўлиб ўтган йиғинларда иштирок этиб, хорижликлар билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилди. Шу йилнинг охирига қадар Туркия ва Мисрда бўлиб ўтадиган анжуманларда иштирок этиш учун таклифнома ҳам олган.



Бугун деҳқон туманда ягона бўлган машина-трактор парки қош-қовоғига қарашга мажбур. Хизмат ҳақининг ортиб бораётганлиги эса деҳқон ҳамёнига зарар. Бунинг устига иш сифати ҳам яхши эмас. Демак, ҳаётнинг ўзи муқобил хизматни тақозо этмоқда.

Ялпи мулки салкам 1 миллиард сўмга етган ишбилармон кунига 30 тонна кунгабоқар уруғини қайта ишлаб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи Франция технологияси ҳақида ҳисоб-китоб ишларини олиб боряпти. Икки йилдан буён ҳамқишлоқларини ана шу экинни экиб, парвариш қилишга даъват этаётир. Фермер хўжалигининг офиси жойлашган чорбоғнинг қоқ ўртасида артизан қудуғи ковланган эди, суви шу қадар оромбахш чиқдики, россиялик тадбиркорлар билан уни қадоқлаш борасида ҳамкорликка киришди. У бора-бора қишлоқда ўз компанияси бўлишини орзу қилади.

Қаҳрамонимизнинг ёшларга, эътибори ҳам таҳсинга лойиқ. У ўз сармояси ҳисобидан спорт зали қурган. Бу залда 30 дан зиёд болакайлар бокс сирларини ўрганишяпти. Туман волейбол командаси фермер ҳомийлигида. Ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари олий ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга боришмоқчи бўлишса, бош ҳомий Тожимирза Нуриев. Худди ўз фарзанди ўқишга кираётгандек шодланиб молиявий жиҳатдан юкни ўз елкасига олади.

Ишбилармоннинг хизмат хонасида Прзезидент Ислом Каримов билан Ўзбекистон халқ шоири марҳум Муҳаммад Юсуф биргаликда тушган сурат бор. Тожимирза истиқлол куйчисининг ҳамқишлоғи. У билан қадрдонлиги бор эди. Шоирнинг шеърларини тарихигача биладиган Нуриев адабиёт ва санъатга алоҳида муҳаббат билан қарайди. Муҳаммад Юсуф вафот этган куни Тожимирзанинг кўз ёши тинмади. У Муҳаммад Юсуфни жуда ҳурмат қилар, Тошкентга борганда, албатта, йўқлашни канда қилмасди.

-Қаттиқ чарчаганимда, хаёлим бўлинганда суратга тикилиб, ўзимни ўнглаб оламан, - дейди Тожимирза кўнгли тўлиб. – Шунда дарёдил шоир билан нафақат замондош, ҳамқишлоқ бўлганим боис бошим осмонга етади. Юртбошимизнинг Муҳаммад Юсуфга меҳрибонлигидан ҳамиша қувонганимиз қувонган эди.

Тожимирза Нуриев марҳаматлик зиёлилар билан кенгашиб, қутлуғ ишга қўл урди. Туман марказида Муҳаммад Юсуфга аталган шеърият хиёбони барпо этиш режаси ишлаб чиқилди. Бунинг учун алоҳида жамғарма тузилди. Қарийб 3 гектарлик майдонда барпо этилиши мўлжалланаётган хиёбоннинг бир-бирини такрорламайдиган лойиҳалари бор. Мақсад Муҳаммад Юсуф шеъриятининг кучи нақадар залворли эканлигини кўрсатиш, халқнинг, юртдошларининг ўз шоирига меҳрлари нақадар баланд эканлигини намоён этиш.

-Орзуим жуда катта, - дейди у. – Худо хоҳласа хиёбон битгандан сўнг Муҳаммад Юсуфни билган адабиёт ва санъат аҳлини Марҳаматга таклиф этамиз. Унинг асарларини, у ҳақдаги хотираларни нашр этиш ишига бош қўшамиз. Гап бор-ку, эл суйган шоир ҳеч қачон ўлмайди.

Қаҳрамонимиз моддий бойлик яратишга иштиёқманд бўлиш баробарида маънавият ҳақида чин кўнгилдан қайғуради. У эртанги кунимизга умид билан қараб, мустаҳкам пойдевор қўйилишига ўз ҳиссасини қўшаётган замондошларимиздан бири.







**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

**Ҳ.АРАББОЕВ олган суратлар.**

# ЧЎЛ ЭДИ, АЙЛАДИНГ БОҒУ БЎСТОН, ТАЪЗИМ СЕНГА, ҲАЗРАТИ ИНСОН!

***Неча-неча асрлар давомида сувсизликдан қақраб ётган, улканлиги учун ҳам ўз номи билан Мирзачўл деб аталган қўриқ инсон ақл-заковати, шижоати туфайли ўзлаштирилиб, боғу бўстонга айлантирилди. Шу катта ҳудудда ўндан зиёд туманлар ташкил этилди.***

Зафаробод улардан бири. Бу йил ўзининг ўттиз йиллигини нишонлаётган мазкур туман қўриқ бағрида юзага келган бошқа масканлар қатори ўтган даврда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жиҳатдан шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Чўл бағрида мўъжаз шаҳарлар, посёлкалар вужудга келди, минг-минглаб тонна пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун замин яратилди.

Мустақиллик йилларида туманда барча соҳаларда ислоҳотларни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Биринчи навбатда соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Мактаблар ва боғчалар учун икки-уч гектардан ер ажратиб берилди. Спорт майдончалари, ўйингоҳлар, болалар истироҳат боғлари барпо этилди. Инфратузилмани ривожлантириш учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоғи кенгайтирилди. Хусусан, туман марказида замонавий деҳқон бозори ишга туширилди, нуронийлар учун катта қулайлик яратилди.

-Мустақилликнинг 12 йиллик байрамини зафарободликлар бир қатор муваффақиятлар билан кутиб олдилар, - дейди туман ҳокими Олим Маматқулов. – Ана шу ютуқларни келгусида янада мустаҳкамлаш учун иқтисодий-ижтимоий жабҳаларда кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.



Қуйида Зафаробод тумани чўлқуварларининг кўп қиррали ҳаётидан айрим лавҳалар билан танишасиз.

## ЮРАГИДА ЎТИ БОР ЎТАГУЛ

Ўтагул Бойжонова Зафаробод туманида илк фермерлик фаолиятини бошлаган ягона аёллардан. 1989 йилда давлатдан 10 минг сўм кредит олган Ўтагул қарзидан бир йилдаёқ қутулди. 40 гектар ер майдонига эга бўлган кўп тармоқли "Отабек" фермер хўжалигини бошқараётган бу аёл яқинда яна бир савоб ишга қўл урди. У "Турон" жамоа хўжалиги ҳудудидан 70 гектар фойдаланилмай ётган, саксовулдан бошқа ҳеч нарса ўсмайдиган ер майдонини ўзлаштирди. Натижада 14 нафар киши иш билан таъминланди. 12 километр ерга электр тармоғи тортилди. 20 та лоток ўрнатилиб, 300 метр қувурлар кўмилди. 20 гектар ерга макка уруғи қадалди. Ҳозирда ҳосилнинг чўғи ёмон эмас. Туман марказидаги чиқиндилар олиниб, қайта эланиб ерга ўғит сифатида берилмоқда. Ҳар йили пахта, ғалла топшириш давлат режаларини мунтазам бажариб келаётган Ўтагул болалар боғчасини сут ва гўшт маҳсулотлари, тухум билан таъминлашни ҳам режалаштирмоқда.



-Мен ўзлаштирган бу ерлар паст-баланд тепаликлардан иборат эди, - дейди Ўтагул. – Парранда боқиш учун бу ерлар жуда қулай экан.

Ҳа, Ўтагул опа ҳақ. Ҳам ўзини, ҳам бошқаларни ўйлаб, эзгу ният ила яшамоққа не етсин?!



## ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Донолар "Иш билганга минг танга" деб бежиз айтишмайди. Ғалла режасини вилоятда биринчилардан бўлиб 104 фоизга уддалаган "Мамаражаб ота" фермер хўжалигига вилоят ҳокими У.Яманқулов томонидан бир миллион сўм мукофот ажратилди. Туман ҳокимлиги томонидан эса гилам совға қилинди.

-Оиламиз унча катта эмас, турмуш ўртоғим, икки қизим, икки ўғлим, келиним ва бир неварам бор, - дейди фермер Холбой Жингилбоев. - 2002 йилда олган даромадимиз бир миллион олти юз минг сўмни ташкил этган эди. Бу йилги режамиз икки миллион сўм даромад қилиш эди, мукофотни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, соф фойдамиз уч миллион сўмга етди. Деҳқон бўлиш учун албатта техника шарт экан. Қилган даромадимизга шу йил техника олиш ниятимиз бор.

## МЕҲНАТ ТОБЛАДИ УНИ

Чўлни ўзлаштириш учун бўлган саъй-ҳаракатларда Тинчлик Бердибековнинг ҳам ҳиссаси катта. У Тошкент Қишлоқ хўжалиги олийгоҳини 1974 йил тугатиб, шу туманни обод этиш учун келган ёшлардан бири эди.

Ёш оиласи ва икки нафар фарзанди билан чўлнинг оғир синовларига дош бериш осон бўлмади. Бир вақтлар қалин саксовулзор бўлиб, қуёш алангаси юзни куйдирадиган бу далаларда ҳозирда тонналаб ғалла ва пахта етиштириляпти. Тўққиз нафар фарзандни ҳам ҳалол меҳнатга ўргатган ота кам бўлгани йўқ. Эндиликда Тинчлик ака катта фермер. Мавжуд 42 гектар ерга ҳар йили ғалла, пахта ва чорва учун жўхори экади. Фермер хўжалигида 32 бош қорамол, битта тегирмон, МТЗ-80, ТТ-75 чопиқ ва ҳайдов тракторлари мавжуд.

-Режалар ҳамиша ортиғи билан уддаланилади. Шунга яраша даромадимиз ҳам ёмон эмас, - дейди Тинчлик ака. – Шу йилнинг ўзида 35 тонна ғалла ёнимизга қолди. Болалар боғчаларига 1800 литр сут ва 250 килограмм гўшт бердик.

Тинчлик ака Бердибеков 1993 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвонига, 1998 йили "Меҳнат Шуҳрати" орденига сазовор бўлди. Ҳа, меҳнат қилган инсон обрў ортиради, эл меҳрини қозонади.

## КЎНГИЛ ЧОҒ БЎЛСА...

Туманда дастлабки бадиий ҳаваскорлик ансамбли Охунбобоев номли хўжаликда ташкил этилган эди. Бу ансамбль ўз атрофига М.Жўрақулов, Ж.Муслимова. Я.Чуйгунова, Ш.Юсупов, Н.Маликов, К.Турсунов каби талантли ёшларни бирлаштирди. Ансамбль негизида "Чўлқувар" халқ дастаси тузилди. У Польшада, кейинчалик Монголияда, Германияда бўлиб, ўз маҳоратини намойиш қилди.



Ҳозир "Чўлқувар" халқ дастасида Т.Шакаров, Г.Турсунов, С.Силлиев, Я.Қўлдошев, Б.Қўшоқов, Г.Бекназарова каби санъат жонкуярлари хизмат қилиб келмоқдалар. Бундан ташқари "Тўгикўз", "Сайқал", "Гулёр" каби фольклор жамоалари тузилиб, улар ўзларининг куй ва қўшиқлари билан ғаллакор ва пахтакорларга хизмат кўрсатяпти.

Туманда саккизта бадиий ҳаваскорлик дасталари, 73 минг китоб жамғармасига эга бўлган 35 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Марказий кутубхонада "Обод маҳалла йили"га бағишланиб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.





## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ЭЪТИБОРДА

Халқ таълими тизимининг моддий-техника негизи ўтган даврда ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. 1973 йил туманда 5 тагина мактаб мавжуд эди. Ҳозир эса 24 та умумий ўрта таълим мактаби, 13 та мактабгача ва 2 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда халқ таълими бўлимини кўп йиллик тажрибали педагог Иззатилло Ҳотамов бошқармоқда.Туман аҳолисининг ўн мингдан зиёд фарзанди мактабларда таълим олмоқда.

Ёшлар ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларининг республика босқичларида 4, 8, 10, 12 ва 20-мактабларнинг беш нафар ўқувчиси фахрли ўринларни эгаллаб, республика олий ўқув юртларига синовсиз қабул қилиндилар. А.Дўстов номли 10-мактаб республика миқёсида ўтказилган "Гуллар ва қушлар" байрами кўрик-танловида мутлоқ ғолиб деб топилди.

2003 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси биринчилиги бокс мусобақасида О.Қуролбоев ва Б.Қуролбоев ўз тенгдошлари орасида фахрли биринчи ва учинчи ўринни эгаллашди. "Меҳнат Шуҳрати" ордени соҳиби Аблоқул Болиев раҳбарлик қилаётган бу 3-мактаб ўқувчилари республика "Қувноқ стартлар", "Қувноқлар ва зукколар", "Ёш ҳунармандлар" телевизион мусобақаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

## ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Бошқа соҳаларда бўлгани каби туман соғлиқни сақлаш тизими ҳам ислоҳ қилинмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига таянган ҳолда туман шифокорлари ҳукуматимизнинг халқ саломатлигини яхшилаш тўғрисидаги қарорлари асосида 2000-2005 йилларга мўлжалланган "Фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш" дастурини ишлаб чиқишди. Бу борада илк қадамлар қўйилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалари бўлганларга тиббий ёрдам сифатини ошириш, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ва бошқа чора-тадбирлар доимий эътиборда. Экологик муҳитни яхшилаш учун аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, санитария-гигиенага риоя қилиш масалалари диққат марказида бўлиб келмоқда.

Туманда "Тез ёрдам" тармоғи ташкил этилган. Бугунги кунда тумандаги 41 мингдан зиёд аҳолига 42 нафар олий маълумотли шифокорлар, кўплаб ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқдалар. 135 ўринли замонавий, 40 ўринли кундузи ётиб даволанадиган шифохоналар мавжуд. Жойларда қишлоқ тиббий хизмат шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, ёш авлоднинг соғлом бўлиши учун имконият яратилган. Янги турмуш қураётган ёш оилаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом авлод туғилиши учун пухта замин тайёрлаш ишлари туман марказий табобатхонаси қошида ташкил этилган "Оила ва никоҳ" хонасида олиб борилади. Кейинги уч ярим йилда оналар ўлими қайд этилмаган. Бу эса тумандаги саккиз мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар шифокорларнинг доимий назоратида эканлиги, уларни сифатли тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган хасталикларни ўз вақтида соғломлаштириш, керакли маслаҳатларни ўз вақтида даволаш ва бошқа саъй-ҳаракатлар самарасидир.



***

*Истиқлол байрами ва туман ташкил этилганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаётган зафарободликлар қўриқни янада обод этишга, ислоҳотларни чуқурлаштиришга, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда янги марраларни эгаллашга астойдил интилмоқдалар. Уларнинг эзгу ниятлари ижобат бўлишига тилакдошмиз.*

**Нодира ҚУДРАТОВА**

# ГУРЛАН ҚЎЙНИДАГИ "ГУЛИСТОН"

Бунёдкорлик

***Яқин орада "Шоликор" қишлоғида бўлмаган киши, ҳозир уни таниёлмаслиги мумкин. Негаки, айнан истиқлол боис, Гурлан туманидаги ушбу қишлоқ маркази кўркам шаҳарча тусини олди.***

Кексаларнинг айтишича, ўтган аср бошларигача бу ер тўқайзор ва ботқоқликдан иборат бўлган. Унинг атрофларида ўзбек, қозоқ, туркман уруғлари кўримсиз кулбаларда истиқомат қилган. Аҳолининг деярли барчаси чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишган. 1935 йилга келиб, якка хўжаликлар бирикиб, "Гулистон" жамоа хўжалигини ташкил қилишган. 1937 йилда эса Узоқ Шарқдан яшаб келган бу жойларга корейслар кўчирилиб келтирилади. Шўролар даврида фақат шоли ва пахта етиштирадиган далалар ўрнида истиқлол туфайли кўпгина боғ-роғлар яратилди. Қишлоққа саноат кириб кела бошлади.

...Туман марказидан чиққанингиздан сўнг анча муддат бепоён далалардан кечиб, қишлоқ ҳудудига киришингиз билан ўзингизни ҳақиқий "Гулистон"да юрганингизни ҳис қила бошлайсиз. Дастлаб кўзингиз 450 нафар талаба билим олаётган, замонавий услубда қурилган чиройли ва муҳташам бино – қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига тушади. Сафарингиз давомида таассуротингиз бойий бошлайди. Исроил технологияси асосида ишлаб турган сут заводи, кичикроқ бозори ҳам бўлган қишлоқ гузари, биолаборатория биноси, турар жойлар, кенг, равон кўчалар...

Дарҳақиқат, буларнинг барчаси "гулистон"ликларнинг тадбиркорлиги-ю фидокорона меҳнатлари натижасида бунёд қилинган. Бу иншоотларнинг кўпчилиги истиқлол шарофати билан дунёга келган. Ширкатда 2338 гектар экин майдони бўлиб, асосан пахта, буғдой, шоли, сабзавот ва полиз эканлари етиштирилади. Улардан юқори ҳосил олиб келинмоқда.

-Муҳими, ҳамжиҳатлик, оғзибирчиликда, - дейди ширкат раиси Ўрозбой Юсупов. – 6400 нафар аҳолининг катта қисмини турли миллат вакиллари ташкил қилади. 45 та корейс оиласи, 1200 нафар туркман, 1508 нафар қозоқ, шунингдек, кўплаб қорақалпоқлар, хуллас, 13 миллат вакиллари истиқомат қилади. Кам таъминланган оилалар ширкат томонидан газ ўлчагичлар ва бошқа нарсалар билан бепул таъминланмоқда.



Бу йил гулистонликларнинг кайфияти ҳар қачонгидан ҳам баланд. Ер, сув, иқлим шароити ҳисобга олиниб, экин майдонининг 1200 гектарига шоли экилган. Негаки, улар кўп йиллар мобайнида шоличилик билан шуғулланиб, бу соҳа ҳадисини олганлар. Давлатга 14000 тоннадан ошириб "қирмизи дон" топширилган пайтлар кўп бўлган. Ишга ўзгача иштиёқ билан киришилганининг сабабиям шунда. Дастурхонда палов бўлса, юракда олов бўлади, - дейишади улар ҳазил аралаш.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

**Навбаҳор – Навоий вилоятидаги энг кенжа, навқирон туман. У 1980 йил 1 апрелда ташкил этилган. 81 мингдан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган мазкур туманнинг умумий ер майдони 1570,2 квадрат километрни ташкил қилади. Зарафшон дарёсининг шимолий-ғарбидан бошланадиган туман ҳудуди секин-аста дашт ва чўлларга уланиб кетади.**

# НАВҚИРОН НАВБАҲОР

Тараққиёт









Бешработ қўрғони – туманнинг маъмурий маркази ҳисобланади. Собиқ тузум даврида кўримсизгина бир қишлоқ бўлган бу маскан қиёфаси ҳам истиқлол йилларида бутунлай ўзгариб кетди. Халқимиз "оққан ариқ оқади", деб бежиз айтмайди. Зотан, тарихий манбаларда Бешработ эски замонларда ҳам обод масканлардан бири бўлганлиги ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд. Хусусан, бундан тўрт аср муқаддам бу ердаги Парзикент бозорида савдо-сотиқ гуллаб-яшнаган. Бозорчада узоқ-узоқлардан келувчи савдогарлар учун шинам карвонсаройлар, меҳмонхона, чойхона ва масжидлар қурилган...

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навбаҳор тумани ҳудудида халқимизнинг қадим тарихидан гувоҳлик берувчи кўплаб ноёб ёдгорликлар, топилмалар ва табаррук масканлар жойлашган. Бу ердаги Қалқонота ёдгорликлари, Сармишсой археологик топилмалари ана шулар жумласидандир. Ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида қадимшунос олимлар томонидан олиб борилган археологик қазишлар натижасида туман ҳудудида қадимги аҳоли манзилгоҳлари қолдиқлари топилган эди. Қалқонота ёдгорликлари, у ердан топилган милоддан аввалги VI-V асрларга оид қўрғонлар, мозийнинг яна турли қатламларига бориб тақаладиган топилмалар, Сармишсой, Қораунгурсой, Биронсой суратлари каби осори атиқалар ўша даврларда ушбу ерларда яшаган аҳоли турмуши ҳақида кенг маълумот беради.

Баланд қир-адирлар билан Зарафшон дарёси оралиғида ястаниб ётган Учтут қишлоғида учта улкан тут дарахтлари мавжуд бўлиб, айтишларича, уларнинг ҳар бирининг ёши бир ярим минг йилга тенг экан. Шунга қарамай, дарахтлар ҳамон ҳар йили эрта баҳорда шиғил ҳосил беради. Бундай пайтда узоқ-яқиндан одамлар келишиб, яхши ният билан ана шу марварид тутлардан тановул қилишади. Ҳатто, қаҳатчилик замонларида уч тут мевалари бутун бошли қишлоқ аҳлининг жонига оро кирган экан. Эл орасида тут дарахтлари ҳақида ҳар хил афсоналар юради.

Қадимий тут дарахтларини навбаҳорликлар бениҳоя эъзозлашади. Эътиборлиси, Учтут қишлоғида жойлашган агроэкология лицейи ўқувчилари уларни ўз оталиғига олишибди. Болалар дарахтлар атрофини тозалаб, зиёратчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун ўриндиқлар қўйишган. Шу ернинг ўзида тутларнинг ёши, тарихи ҳақидаги маълумотлар ёзилган тахта лавҳалар ўрнатишган.

Лицей талабаларининг бундай ибратли ишларини кўриб, дили яйрайди кишининг. Ўз ўтмишига бефарқ бўлмаган ёшлардан келажакда кўп нарсаларни кутиш мумкин. Зотан, Президентимиз ҳам: "Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак" деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Мустақиллик йилларида Навбаҳор туманида ҳам жуда катта ўзгаришлар юз берди. Туман марказидан тортиб, қишлоқларда ҳам янги, замонавий маданий-маиший иншоотлар, мактаблар, шифо масканлари, савдо шохобчалари, чойхоналар, кенг, равон асфальт йўллар қурилди. Туман марказий шифохонасининг уч қаватли, молия, солиқ, прокуратура идораларининг янги бинолари ҳам кейинги йилларда қад ростлади. Айниқса, мустақилликнинг 11 йиллик байрами шарафига қуриб фойдаланишга топширилган 750 ўринли Навбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи туман ёшлари учун ҳақиқий совға бўлди, дейиш мумкин. Ҳозирги пайтда бу ерда юзлаб ёшлар турли касблар сир-асрорларини ўрганишяпти. Энг замонавий ўқув ускуналари, компьютерлар уларнинг ихтиёрида.

Очиғи, собиқ тузум даврида мазкур туманда ҳам аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласи энг ўткир муаммолар сирасига кирар эди. Мустақилликкача бу борадаги кўрсаткичлар деярли "нол"дан иборат эди. Одамларнинг куни оддий ўтин-у ариқ сувига қолган эди. Аммо кейинги йилларда туман раҳбарлари бу муаммоларни бартараф этишга жиддий киришдилар. Натижада узоқ-яқин қишлоқлардаги хонадонларда ҳам бирин-кетин "зангори олов" ёниб, тоза ичимлик суви кириб бора бошлади. Мисол учун, 1996 йили Навбаҳор бўйича жами 3774 хонадон табиий газ билан таъминланган бўлса, ушбу кўрсаткич шу йилнинг 1 июлига қадар 11 минг 963 тани ташкил этди. Умуман айтганда, ҳозир тумандаги 76 фоиз хонадонлар газлаштирилган. Йил охиригача бу кўрсаткич янада ошиши мўлжалланмоқда. Шу вақт ичида 4844 хонадонга Дамхўжанинг зилол суви кириб борди.



-Биз аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини бир зум ҳам унутганимиз йўқ, - дейди Навбаҳор тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғулом Облоқулов. – Бу борада мавжуд ҳар қандай имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилаяпмиз. Мақсадимиз – яқин вақтларда туманимизда бу масалани тўлиқ ҳал этишдан иборат.

Кўпчилик жойларда бўлгани каби Навбаҳор тумани иқтисодиётининг ҳам ўзагини қишлоқ хўжалиги соҳаси ташкил этади. Навбаҳорлик деҳқонлар Зарафшон дарёси ўзани бўйлаб ёйилиб кетган 19 минг 250 гектар майдонда пахта, донли экинлар, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришади. Далаларини эса "Ўнг соҳил" канали, Навкар, Арабхона ариқларидан оқиб келадиган Зарафшон суви билан суғоришади. Навбаҳорлик миришкорларнинг машаққатли меҳнати қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Чунки улар ҳар бир мисқол ҳосилни катта қийинчиликлар эвазига етиштиришади. Мисол учун, аксарият майдонларнинг қишда камида уч марта шўрини ювишга тўғри келса, гипсли далаларда деҳқончилик қилиш ундан-да машаққат. Бунинг устига, юқори ҳудудларда жойлашган бир неча минг гектарлик майдонларга эса об-ҳаёт насослар кўмагида тўрт мартагача кўтариб берилади. Аммо табиатан иродали ва омилкор навбаҳорлик деҳқонлар ҳар йили бундай қийинчиликларни матонат билан енгиб, барча тармоқларда мўл-кўл ҳосил етиштиришаяпти.

Бу йил туман деҳқонлари 8118 гектарлик майдонда ғалла парваришлаб, жами 28 минг 400 тонна сара дон етиштиришди. Давлатга 18 минг 564 тонна сара дон сотилиб, шартномавий режа ортиғи билан адо этилди. Туман бўйича ҳосилдорлик ўртача 40 центнерга етказилганлиги, айниқса, диққатга сазовор. "Янгиқўрғон", "Истиқлол", Навоий номли ширкат хўжаликларида эса бу кўрсаткич 55-60 центнерга тўғри келди. Мана шу мисолнинг ўзиёқ навбаҳорлик заҳматкаш деҳқонларнинг ғаллачилик борасида катта тажриба ҳосил қилиб, улкан ютуқларни қўлга киритаётганликларидан далолатдир.

Бугунги кунда туман бўйича 971 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан 670 тасининг далаларида асосан пахта ва дон парваришланса, 215 фермер хўжалиги эса фақат ғаллачилик билан шуғулланаяпти. Навбаҳорнинг улкан дон хирмонини яратишда уларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Хусусан, С.Жўраев номли фермерлар уюшмасига қарашли "Арслон бобо" фермер хўжалиги раҳбари Аҳтам Рустамов бу йил юқори ҳудудда жойлашган 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадан белгиланган 26,5 центнер ўрнига нақ 76,5 центнердан ҳосил олиб, барчани қойил қолдирди. Натижада шартнома режасини 134 фоизга уддалаб, оз эмас, кўп эмас 50 тонна буғдойни ўз омборига тўкди. "Истиқлол" ширкат хўжалигидаги "Ҳазрат ота" фермер хўжалиги раҳбари Олим Насруллаев эса режадан ошиқча етиштирилган 45 тонна донга ўзи эга бўлди. Умуман, бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Уларга қарата: "қандингни ур, фермер!" дегимиз келади.

Фермерларнинг бундай юқори натижага эришаётганликлари бежиз эмас. Зотан, туман раҳбарлари уларнинг кўнгилдагидек фаолият кўрсатишларини таъминлаш масаласига жиддий эътибор беришаяпти. Бугун Навбаҳорда битта муқобил МТП, 7 та ёнилғи қуйиш шохобчалари, 4 та минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимлари, 7 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, жойларда эса 3 та мини-банк асосан фермерларга хизмат кўрсатаяпти. Яқин вақтларда яна учта ана шундай мини-банклар ташкил этилиши мўлжалланган. Туманда чорвачилик билан шуғулланувчи фермерлар ҳам анчагина. Уларнинг мушкулини осон қилиш мақсадида иккита наслчилик ва ветеринария шохобчалари ҳам ташкил этилган. Бу ерда малакали мутахассислар фермерларга чорвани парваришлаш юзасидан зарур йўл-йўриқларни кўрсатиб боришади.

Пиллакорлар эса давлатга 150,3 тонна сифатли пилла топширишди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 18 тонна кўп демакдир. Ўз навбатида, картошка, сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут ишлаб чиқариш борасида ҳам юқори натижалар қўлга киритилаяпти. Мавжуд чорва моллари ўтган йилдагидан 1782 бошга кўпайтирилиб, уларнинг жами сони 87 минг 347 бошга етказилди. Мазкур тармоқдан кўрилажак даромад ҳам ёмон бўлмайди.

Туман пахтакорлари айни вақтда 9 минг 431 гектарлик майдонда ғўза парваришлашаяпти. Бу йил об-ҳаво нисбатан салқинроқ келганлиги сабабли Навбаҳорда ҳам бошида ғўза ривожи сал кечиккан эди. Бироқ вақтида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳаммаси ўз изига тушиб кетди. Эртаиндин ёппасига теримга киришилгач, туманнинг "оқ олтин" хирмони ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ бўлишига ишончимиз комил.

Ўтган йил август ойи охирларида Навбаҳор тумани ҳаётида катта воқеа содир бўлди. Истиқлол байрами шукуҳи кезиб юрган ўша кезларда бу ерда йирик "Бентонит" Ўзбек – Америка қўшма корхонаси иш бошлади. Бу – туманда саноатни ҳам ривожлантириш бўйича олиб борилаётган хайрли саъй-ҳаракатларнинг яққол намунаси бўлди, дейиш мумкин.

Мазкур корхонанинг истиқболи порлоқ эканлигига заррача шубҳа йўқ. Чунки Навбаҳор тоғларидан қазиб олиниб, қайта ишланаётган бентонит гиллари нефт ва газ саноати учун сув ва ҳаводек зарур хом ашё ҳисобланади. Ўз навбатида, ундан лак-бўёқ, ёғ-мой, металлургия, косметика саноатлари, спиртли ичимликлар ва тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш сингари халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида кенг фойдаланилади.

Тумандаги бентонит конида мазкур хом ашёнинг уч хил тури мавжуд. Ишқорли бентонит, ишқорли-ерли бентонит ва карбонатли папигорскитли бентонит гилларининг ҳар тоннасидан 16 куб метргача бурғулаш эритмаси олиш мумкин экан. Шу чоққача ушбу хом ашё юртимизга валюта эвазига хориждан келтирилар эди. Бентонит хом ашёсидан нефт-газ соҳасида фойдаланишнинг самараси бениҳоя юқоридир. Шу боис қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот баъзи қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинаяпти. Келажакда қўшма корхона қувватини янада ошириши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бундай йирик саноат иншоотининг ишга туширилиши ҳам истиқлол шарофатидандир. Бугунги кунда ҳукуматимиз қишлоқ жойларда ҳам саноатни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Зотан, саноат тараққиёти – иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан биридир.

Навбаҳор туманида шу кунларда яна бир йирик ишлаб чиқариш иншооти – "Навоийтекс" корхонаси қурилиши ҳам давом этмоқда. Шу йил охиригача ишга туширилиши мўлжалланаётган мазкур заводда бир йўла 850 киши меҳнат қилиши мўлжалланган. Демак, ҳадемай туман иқтисодиётида яна бир истиқболли соҳа юз очиши, шубҳасиз.

Туманда пахтани қайта ишлайдиган замонавий корхона ҳам бунёд этилаяпти. У ишга туширилгач эса ҳар йили туман деҳқонлари етиштириб бераётган ўттиз минг тонна "оқ олтин"ни шу ерда қайта ишлаш имкони туғилади. Бу эса катта иқтисодий самара келтириши кундек равшан. Шу чоққача ана шу қимматбаҳо хом ашёни ортиқча сарф-харажатлар эвазига узоқ масофага ташиб боришга тўғри келарди. Тумандаги "Гигант" ширкат хўжалигида эса бир кунда юз тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва заводи қурилиши давом этаяпти. Италиянинг замонавий технологияларига асосланган ушбу корхонанинг фаолият бошлаши ҳам туман аҳли учун муносиб совға бўлади.

Навбаҳорликлар ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрамини ёруғ юз, эзгу ниятлар билан кутиб олишмоқда. Яқинда туманда яшовчи истиқлол тенгдоши бўлган 12 нафар болаларнинг мучал тўйи ўтказилди. Катта дастурхон ёзилиб, элга ош тортилди. Тўйболаларга қимматбаҳо совғалар улашилиб, уларнинг ҳар бирининг номига 5 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Санъаткорларнинг шўх куй-қўшиқлари янгради. Давранинг тўридан жой олган нуроний отахонлар эса эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, ёшларнинг бахт-саодатини тилаб дуога қўл очишди...

Бундай ибратли тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш Навбаҳорда одат тусига кирган, десак янглишмаймиз. Турли байрамлар арафасида туман ҳокими Ғулом Облоқулов бошлиқ мутасадди раҳбарлар бу ерда яшаётган ўн нафардан зиёд юз ёшдан ошган нуроний қариялар ва шунингдек, ёлғиз, ногирон кишилар ва шифохоналарда ётган беморлар ҳолидан хабар олиб, байрам билан қутлашар экан. Бундай эътибордан уларнинг бошлари осмонга етиши табиий. Зеро, кекса ва кўнгли шикаста инсонларга эътибор кўрсатиш ниҳоятда савоб ишдир.

Бир сўз билан айтганда, навқирон ёшдаги Навбаҳор тумани ҳам тараққиёт йўлидан дадил қадам ташламоқда. Бу ерда амалга оширилаётган кенг қамровли амалий саъй-ҳаракатлар унинг истиқболи порлоқ эканлигидан, туман аҳли эртага бугунгидан ҳам яхшироқ яшашидан дарак беради. Бундай имкониятни уларга мустақиллик берганлиги эса ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД**

* * *

**Х.ШОПЎЛАТОВ**
**олган суратлар.**









# ПАХТАБАНК —

**Ислоҳот**

***Республикамиз иқтисодини юксалтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда "Пахта Банк"нинг ўрни беқиёс. Чунки янгиликка интилиш, изланиш, тезкорлик ва аниқлик ҳар бир банк ходимининг иш услубига айланган. Қолаверса, жорий йилнинг ўтган даврида "Пахта Банк" ўз фаолиятини Банк тизимини ислоҳ қилишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Банк Кенгаши тасдиқлаган 2003 йилга мўлжалланган Бизнес-режа ва стратегик ривожланиш дастурига асосан олиб борди.***



Хусусан, асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарорига мувофиқ қабул қилинган "2000-2003 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури"нинг бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Шунингдек, Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги орқали банкка жалб этилган Жаҳон Банкининг маслаҳатчиси билан ҳамкорликда ўтган даврда кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш йўналишида амалий ишлар қилинди. "Пахта Банк"нинг 2003 йилга мўлжалланган "Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари" ишлаб чиқилди ва Банк Кенгаши томонидан тасдиқланди. Ҳозирги кунда банк филиалларида кредитлаш жараёни мазкур сиёсат асосида амалга оширилмоқда. Айни пайтда марказий офисда янги таркибий тузилма "Кредит таваккалчилигини бошқариш" бўлими ташкил этилди.

Шунингдек, Банкнинг капиталлашув даражасини оширишга, ликвидлилигини мустаҳкамлашга, активлар сифатини янада яхшилаш ҳисобига банкнинг молиявий барқарорлигини оширишга, янги хизмат турларини жорий қилиш, минибанклар очиш орқали мижозлар сонини кўпайтириш, банк ахборот тизими ва технологияларини ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Буларнинг натижасида банкнинг асосий молиявий кўрсаткичларининг ўсишига эришилди.

Банкнинг жамлама капитали 2003 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра 39509 млн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8381 млн.сўмга ёки 127 фоизга ўсди.

Низом жамғармани кўпайтириш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. "Пахта Банк"нинг нақдсиз, оддий эгаси ёзилган акцияларининг 8-эмиссияси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази давлат рўйхатидан ўтказилди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида "Пахта Банк" томонидан аҳолига юқори фоизли омонатлар таклиф этиш давом эттирилди. Ҳозирги кунда "Пахта Банк" тизимида амалда бўлган омонатларнинг 12 та турига аҳолининг бўш пул маблағлари қабул қилинмоқда.

Жалб қилинган жами депозитлар таркибида жисмоний шахслардан жалб қилинган омонатлар салмоғи 35,2 фоизни, умумий суммаси эса 16761 млн.сўмни ташкил этди.

Шу билан бир қаторда, "Пахта Банк"нинг 5 млрд. сўмлик юридик шахслар учун депозит сертификатлари муомалага чиқарилиб, шундан 2090 млн.сўми жойлаштирилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида банкнинг бутун ресурс базаси кенгайтирилди ва унинг миқдори 2003 йил 1 июл ҳолатига 225,4 млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 79,9 млрд сўмга ёки 154 фоизга ўсди.

Жалб этилаётган маблағлар миқдорини ошириш асосида банк хизматлари кўламини янада кенгайтиришга эришилди. Хусусан, 2003 йил 1 июл ҳолатига, банк активлари ҳажми 232,6 млрд сўмни ташкил этди. Йил бошига нисбатан 23,3 млрд.сўмга ёки 111 фоизга ўсди.

Бунда кредит қўйилмаларининг ҳажми 114,9 млрд. сўмни ташкил



этиб, жорий йил бошига нисбатан 126 фоизга, ўтган йилнинг 1 июл ҳолатига таққосланганда эса 148 фоизга ортди. Кредитлар Марказий банкнинг амалдаги тартиби асосида таснифланди. Ушбу жараёнда хавф-хатарларнинг даражасини пасайтириш мақсадида активлар ва кредит портфели етарли даражада ҳимояланди.

"Пахта Банк" қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. 2003 йил 1 июл ҳолатига банкнинг қимматли қоғозлар портфели 6,6 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан Давлат қисқа муддатли облигациялари 3,4 млрд. сўмни ёки қимматли қоғозлар портфелининг 52,4 фоизини, инвестицияга йўналтирилган маблағлар миқдори эса 3,1 млрд. сўмни ёки қимматли қоғозлар портфелининг 47 фоизини, корпоратив облигациялар эса 100 млн. сўмни ташкил қилди.

Ҳозирги кунда Банкнинг корпоратив портфелида 90 тадан ортиқ акциядорлик жамиятлари акциялари мавжуд. Жумладан, "Ўзқишлоқмашлизинг"нинг 121,6 млн сўм, "Ўзқишлоқмашхолдинг"нинг 76.9 млн. сўм, "Ўзагросуғурта"нинг 50 млн. сўм, Ўзбекистон Республикаси Валюта Биржасининг 113 млн.сўм акциялари сотиб олинган. Шу йил бошидан инвестицияларга йўналтирилган маблағлардан олинган даромад 298,4 млн.сўмни ташкил этди.



"Пахта Банк" томонидан 2003 йилнинг ўтган даврида Ҳукумат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон, фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди ва бу йўналишдаги ишлар янада фаоллаштирилди.

Айни кунларда, банк филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 66638 тани ташкил этиб, бу рақам йил бошига нисбатан 7720 тага кўпдир.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг тасдиқлаган истиқбол режасига асосан 2003 йилнинг 1 июл ҳолатига "Пахта Банк" бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 6750,7 млн.сўм кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда бу иш 6983,8 млн.сўмга ёки 103 фоизга бажарилди.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 3114 та лойиҳаси молиялаштирилди, берилган кредитларнинг умумий миқдори 8,6 млрд сўмни ташкил этди.

Шунингдек, банк томонидан тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига, фермерларга ажратилаётган микрокредитлар миқдори ҳам ортди. 2003 йил 1 июл ҳолатига берилган микрокредитлар 4,8 млрд.сўмни ташкил қилди. Бу 2002 йилнинг 1 июл ҳолатига нисбатан 488 млн.сўмга кўп демакдир.

Банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2002 йилнинг 1 июл ҳолатига 870,6 млн.сўм кредит ажратилган бўлса, бу кўрсаткич миқдори жорий йилнинг ўтган 6 ойи якуни бўйича 1309 млн.сўмни ташкил этиб, 438,4 млн.сўмга ёки 1,5 мартага ортди.

Бундан ташқари тадбиркорларни, кичик ва ўрта бизнес субъектларини хорижий ҳамкор банклар кредити билан таъминлашга ҳам эътибор берилмоқда.

Хусусан, "Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки" билан кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш мақсадида 7 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномаси имзоланган.

Ушбу шартномага асосан ажратилган кредитнинг 500 минг АҚШ доллари банкнинг 5 та филиали томонидан тўлиқ ўзлаштирилди.

Ҳозирги кунда Банкнинг Самарқанд, Фарғона, Андижон вилоят бошқармаларида ҳамда Қўқон ва Чилонзор филиалларида банк мутахассислари "Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банк"и маслаҳатчилари билан доимий мулоқотда бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Жалб қилинган қўшимча ресурслар



ҳисобидан жорий йилнинг 1 июл ҳолатига Қўқон филиали томонидан 314 млн.сўмлик 186 та лойиҳа, Чилонзор филиали томонидан 280 млн. сўмлик 92 та, Фарғона вилоят бошқармасида 176 млн. сўмлик 79 та, Самарқанд вилоят бошқармасида 136 млн. сўмлик 60 та, Андижон вилоят бошқармасида 117 млн. сўмлик 82 та лойиҳалар молиялаштирилди.

"Пахта Банк" томонидан тадбиркорларга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига, деҳқон, фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш ва инновация лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида ажратилган кредитлар самарали бўлмоқда.

Жумладан, Бухоро вилоят бошқармаси банк жараёнлари бўлими томонидан "Арбоб Ғайбулло" фермер хўжалигига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 9 млн. 600 минг сўм кредит ажратилган ва фермер кредит ҳисобига МТЗ-80 русумли трактори сотиб олган. Натижада хўжалик мазкур тракторлардан ўз ерларини ҳайдаш ҳисобига 1 млн.сўм иқтисод қилган. 60 гектар майдонда ғалла етиштириб, 250 тонна ялпи ҳосил олинган. 2003 йил ярим йиллик якуни бўйича 97450 минг сўм даромад, 9400 минг сўм соф фойда олишга эришилган.

Бухоро вилояти Ғиждувон филиали томонидан "Нўъмон" хусусий фирмасига мармарни қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида ускуна ва хомашё сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 5 млн. сўм ўрта муддатли микрокредит берилган. Кредит ҳисобига 5 та янги ишчи ўрни яратилган.

Банкнинг Наманган шаҳар филиали томонидан "Бунёд" қўшма корхонасига хом ашё харид қилиш учун 50 миллион сўм ўрта муддатли кредит берилган. Корхонада 70 та ишчи иш билан таъминланган. Ажратилган кредит ҳисобига корхонада ҳар хил турдаги сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида корхона 39900 минг сўмлик экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарган. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси Новосибирск шаҳридаги "Себтекстил-Н" жамияти билан 224000 АҚШ долларига маҳсулот етказиб бериш бўйича контракт тузилган ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Андижон вилояти Қорасув филиали томонидан якка тартибдаги тадбиркор Анвар Исақовга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан пайпоқ тўқиш дастгоҳи ва хомашё сотиб олиш учун 3 миллион сўм микрокредит берилган. Тадбиркор кредит маблағига 4 дона пайпоқ тўқиш дастгоҳи ва хомашё сотиб олган. Ҳозир тадбиркор бир ойда 24-27 ўлчамдаги 600 минг сўмлик эркаклар пайпоқлари ишлаб чиқармоқда. 2003 йилда пайпоқ сотишдан тушган даромадлари ҳисобига яна қўшимча 2 та пайпоқ тўқиш дастгоҳи сотиб олган. Жорий йилнинг ўтган даврида 1750 минг сўм соф даромад олинган.

Банкнинг ички молиявий ресурслари билан бир қаторда хорижий кредит линиялари маблағларини ўзлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

"Пахта Банк" томонидан "Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки" ҳамда "Осиё Тараққиёт Банки" кредит линиялари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2003 йил якуни бўйича 8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳаларни молиялаштириш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида эса 6,47 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар молиялаштирилди. Ҳозирги кунда хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг умумий сони 36 тани, ажратилган кредитлар миқдори эса 28,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги "Ўзгаришагротаъминот" ҳиссадорлик жамиятининг полипропилен шпагат ишлаб чиқаришга мўлжалланган 455925 Евро миқдоридаги лойиҳаси, Хонқа туманидаги "Хонқа Қоп" масъулияти чекланган жамиятининг 495 минг АҚШ доллари миқдоридаги полипропилен қоплари ишлаб чиқариш, Денов туманидаги "Хайробод" маъданли сув ишлаб чиқариш фирмасининг 83,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги, Самарқанд вилоятидаги "Орифен" қўшма корхонасининг мева пюреси, концентрациялашган сок ва томат пастаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган 2980 минг АҚШ доллари миқдоридаги, Фарғона вилоятидаги "Феркон" хусусий корхонасининг текстил конуслари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 220000 АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалари молиялаштирилди.

Натижада, республикамизга маҳаллий хомашёни қайта ишловчи асбоб-ускуналар, кичик цехлар келтирилиб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хорижий кредитлар ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг лойиҳаларни молиялаштириш эвазига 1000 та янги ишчи ўринлари яратилди ҳамда жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 1 млрд. сўмдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Мисол учун, "Орифен" қўшма корхонасида Италиядан келтирилган ускуналар ёрдамида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 16754 тоннага тенг бўлиб, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 631,3 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот сотилди, шунинг 90 фоизи четга экспорт қилинди.

Фермер хўжаликларини хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Чунончи, Германияни КФВ банкининг кредит линияси ҳисобидан 3 та фермер хўжалигининг 1116 минг Евро, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан 1 та фермер хўжалигининг 133,4 минг АҚШ доллари қийматидаги лойиҳалари




молиялаштирилди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги "Қиёт" фермер хўжалигига 264519 Евро миқдорида кредит ажратилиб, арпадан перловка ишлаб чиқарадиган, қуввати йилига 2450 тоннага тенг бўлган Германиянинг ускунаси ўрнатилди. Фермер хўжалиги жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида қарийб 88,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Тошкент туманида жойлашган "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигининг 133337 АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳаси тўлиқ молиялаштирилиб, фермер хўжалигида жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида банкнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, валюта айирбошлаш шоҳобчаларини бир маромда ишлашини таъминлаш, мижозларга кўрсатиладиган хорижий валютадаги банк хизматлари доирасини кенгайтириш борасида ҳам муайян ишлар қилинди.

Ҳозирги кунда, "Пахта Банк" 10 дан ортиқ мамлакатларнинг 21 та банклари билан узвий алоқалар ўрнатиб, ишламоқда.

Халқаро тўловлар бўйича амалга оширилган операциялар сони жами 433 тани, миқдори эса 55,5 млн.АҚШ долларини ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан импорт аккреди-



# РАҚОБАТ, ИЗЛАНИШ, ЎЗГАРИШ ДЕМАК

Жорий йилнинг ўтган даврида экспорт-импорт операциялари бўйича ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, банкнинг экспортёр мижозларидан 5904 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт тушуми тушди, 3015 минг АҚШ доллари миқдорида мажбурий сотув амалга оширилди. Ўрнатилган режа эса 130 фоизга бажарилди.

Халқаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида банк раҳбарияти халқаро молия ва банк институтларининг, хусусан Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки, Швейцариянинг Бирлашган банки, Германия банкларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинган ваколатхоналари



(Коммерцбанк АГ, Банкгезелшафт Берлин АГ, Дойче Банк АГ), Эксимбанк (ХХР) ва бошқа банкларнинг вакиллари билан 31 маротаба учрашувлар ўтказди.

Шу билан бир қаторда банк мутахассислари шу йилнинг май ойида Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтказилган анжуманида фаол иштирок этишди. Ушбу анжуманда ўтказилган бизнес танловда "Пахта Банк" ўзининг 4 та истиқболли лойиҳалари билан қатнашди ҳамда банк томонидан таклиф этилган, "Ўзбек-Ксерокс" нусха тайёрлаш хизмат маркази лойиҳаси фахрли 3-ўрин билан тақдирланди.

Шунингдек, Банк раҳбарияти ушбу анжуманда қатнашган Германия, Дания, Италия, АҚШ, Франция, Швейцария давлатларининг қатор банклари вакиллари билан ўнлаб учрашув ташкил этди.

Мазкур учрашувларда Дойче Банк АГ, Коммерцбанк АГ, Хипо Ферейнс Банк АГ, Америкен Экспресс Банк ЛТД, БНП Париба, Уни Кредито Италиано каби йирик халқаро банкларнинг делегациялари билан ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро тўловлар бўйича амалга ошириладиган операцияларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

2003 йилнинг ўтган даврида банкнинг 6 нафар ходими "Россельхоз" банкида, Корея Республикасида, Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган семинарларда, шунингдек, банкнинг 37 нафар раҳбар ва мутахассислари Республика Марказий банки, Банклар Ассоциацияси, Молия соҳасини ривожлантириш бўйича Агентлик, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки томонидан ташкил этилган семинарларда иштирок этиб, малакаларини оширдилар.

Жорий йилнинг II чорагида банк филиалларини ягона вакиллик ҳисоб варағига ўтказиш ишлари тугалланди ва барча филиаллар ягона вакиллик ҳисоб варағи тизими асосида тўловларни амалга оширмоқда.

Ҳозирги кунда ягона балансни таъминловчи ахборотлар базасини ишга тушириш, марказлашган ахборот таҳлил тизимини жорий этиш масалалари устида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда.

Банк хизматларини мижозлар манфаатига йўналтириш таъминланмоқда, уларнинг янги ва афзал турлари ишлаб чиқилмоқда ҳамда тақдим этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Пахта Банк"да Швециянинг "Robur Safe AB" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган депозитар катакчалар ўрнатилиб, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг қимматбаҳо қоғозлари ҳамда буюмларини сақлаш учун қулай бўлган депозитар катакчаларини ижарага бериш бўйича янги хизмат тури жорий қилинди.

"Пахта Банк" қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш ҳамда мазкур тармоқда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ва тараққиёт омили ҳисобланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга яқиндан кўмаклашмоқда.

Хусусан, янги ташкил этилган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва намунали банк хизмати кўрсатиш учун жорий йилда 73 та мини банклар ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 229 тага етказилди.

Шу билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январидаги қарорига мувофиқ, тугатилаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича мониторинг ишлари кучайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли қарорига асосан Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларидаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштирувчи фермер



хўжаликларининг 2003 йил ҳосили учун сарфланадиган харажатларини амалдаги бўнаклаш механизми ўрнига Молия Вазирлиги ҳузуридаги "Жамғарма"нинг йиллик 5 фоиз миқдоридаги ресурс маблағлари ҳисобига тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредит маблағлари орқали молиялаштириш механизми жорий этилди.

Янги молиялаш механизмининг самарали кечишини таъминлаш мақсадида Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари учун ўқув-семинарлари ташкил этилди, имтиёзли кредит ажратиш бўйича бош кредит шартномаси, қўшимча битимлар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди.

Фермер хўжаликларининг йиллик имтиёзли кредитларга бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниб, Молия Вазирлиги ҳузуридаги Жамғармага тақдим этилди. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра жами 12891 та, шундан 6667 та пахта ва 6224 та ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик имтиёзли кредитларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда "Пахта Банк" филиалларида жорий йилнинг 6 ойи давомида фермер хўжаликлари томонидан тақдим этилган кредит буюртмаларига асосан жами 7388 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, тўлиқ ва ўз вақтида ўзлаштирилди.

Жойлардаги фермер хўжаликлари билан ўтказилган суҳбатлар давомида, улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштиришни мазкур механизм орқали бўнаклаш қатор афзалликларга эга эканлиги таъкидланмоқда.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 ноябрдаги 461 сонли ва 2002 йил 15 февралдаги 52-сонли қарорларига асосан, Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки кредит линиясини ўзлаштириш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Тақдим этилаётган лойиҳалар, қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришга йўналтирилмоқда.

Ушбу лойиҳаларни Элликқалъа, Марҳамат, Нишон, Шеробод ва Оҳан-



гарон туманларида 4 йил давомида амалга ошириш белгиланган. Унинг умумий қиймати 43.46 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан Жаҳон банки улуши 36,14 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Мазкур лойиҳа 5 та Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ирригация ва дренаж тармоқларини яхшилаш, хусусий машина-трактор паркларини ривожлантириш ва лойиҳани бошқариш йўналишларидан иборат.

Лойиҳанинг Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш йўналиши бўйича "Пахта Банк", Молия Вазирлиги ва Қишлоқ хўжалигини таркибий қайта тузиш Агентлиги ўртасида уч томонлама келишув шартномаси тузилган ҳамда жорий йил учун 600 минг АҚШ доллари ўзлаштириш кўзда тутилган.

"Пахта Банк" томонидан ушбу маблағни ўзлаштириш ва мониторингини олиб бориш учун алоҳида тартиб ишлаб чиқилиб, банк бўлимларига етказилди.

Бундан ташқари, мазкур жараён бўйича жойларда ташкил қилинган қишлоқ бизнеси учун маслаҳат маркази ходимлари билан ҳамкорликда тегишли туманларда кенгайтирилган йиғилишлар ўтказилди. Мазкур йиғилишларда деҳқон ва фермер хўжаликлари лойиҳа юзасидан қабул қилинган янги меъёрий ҳужжатлар билан таништирилди.

Бугунги кунга қадар, "Пахта Банк" филиаллари томонидан жами 13 та фермер хўжалигига умумий суммаси 204,2 млн. сўм (210,3 минг АҚШ доллари) миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Кредитлар қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, қурилиш моллари ва иссиқхона жиҳозлари хариди учун берилди.

Кредитларнинг 94,3 млн. сўми (97 минг АҚШ доллари) банкнинг Элликқалъа, 82.3 млн. сўми (84.8 минг АҚШ доллари) Янгинишон, 12,2 млн. сўми (12.6 минг АҚШ доллари) Марҳамат ва 15,4 млн. сўми (15,9 минг АҚШ доллари) Шеробод филиаллари ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда умумий қиймати 91,6 млн. сўмлик (94,1 минг долларлик) 4 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида 513 та ширкат хўжалигига 5400 млн. сўм кредит берилди. Унинг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баробарга кўпайди. Берилган кредитнинг 2617,7 млн. сўми ёки 48 фоизи қишлоқ хўжалиги техникаси ва 1436,1 млн. сўми ёки 26,6 фоизи эҳтиёт қисмлар учун ажратилди, қолган қисми эса минерал ўғит, уруғлик ва бошқа мақсадлар учун йўналтирилган. Кредитларнинг 2,2 млрд. сўми ширкат хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга яъни, Т-4А русумидаги ҳайдов тракторлари харид қилиш учун ажратилди.



Шу билан бир қаторда, банк маблағлари ҳисобидан шу йилнинг ўзида 914 млн.сўмлик техникалар, комбайинлар, медицина асбоб ускуналари сотиб олиниб лизингга берилди. Лизинг хизматлари миқдори йил бошига нисбатан 118 млн.сўмга кўпайди.



тивларининг сони 1,3 баробар ва ҳажми эса 1,7 баробарга ўсди.

Бу йил банк тасарруфида 198 та валюта айирбошлаш шоҳобчаси фаолият кўрсатди. "Тошкент-Малика" меҳмонхонасида эса қўшимча равишда яна битта валюта айирбошлаш шоҳобчаси очилди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида рўйхатдан ўтказилди. Валюта айирбошлаш шоҳобчалари орқали йил бошидан буён 178 минг АҚШ доллари сотиб олинган бўлиб, 1442 минг АҚШ доллари сотилган.



Кўрсатилган лизинг хизматларининг 52 фоизи фермер хўжаликлари ва кичик, ўрта бизнес субъектларига тўғри келади.

Бундан ташқари жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларига ўз вақтида минерал ўғитларни етказиб бериш, техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳамда хизматлар кўрсатиш мақсадида тармоққа хизмат кўрсатувчи "Ўзқишлоқхўжаликкимё" компанияси корхоналарига 1740 млн сўмлик ва "Ўзагромашсервис" уюшмаси тизимидаги корхоналарга 2959 млн. сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, "Ўзагромашсервис" уюшмасига қарашли Машина Трактор Парклари хиссадорлик жамиятларига эҳтиёт қисмлар учун 1861,9 млн.сўм, "Ўзқишлоқхўжаликкимё" компаниясига қарашли корхоналарга минерал ўғитлар етказиб бериш учун 930 млн.сўм кредитлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Умуман олганда, банк хизматлари иқтисодий ислоҳотларга мос равишда, мулкдорларнинг кўпайишига қараб, ортиб бормоқда. Бугун юртимизда бирор корхона ё ширкат, фермер хўжалиги йўққи, "Пахта Банк" хизмати у ё бу даражада кириб бормаган бўлсин. Албатта, турли хизмат кўрсатиш турлари, иш сифати, рақобат муҳитида устувор йўналишларда фаоллик кўрсатиш келгусида янада ортади. Бу банк нуфузини кўтариш, мижозларни кўпайтириш демакдир.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
"PAXTABANK"

**Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларини Республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан сидқидилдан муборакбод этади!**

**Сиз азизларга соғлиқ, оилавий бахт ҳамда мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда омадлар тилаймиз!**

**"ПАХТА БАНК" ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

**"ПАХТА БАНК" КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ.**

